87.717
М-50

# МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

JT0000006111

Тошкент-2011

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 5.10.21 | |
| 01.11.21 | |

87.717
М50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Ойша Хасанбоева, Гулжаҳон Мардонова
Наргиза Эргашова, Дилфуза Бекматова

# МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

У-0018
Nizomiy nomli T DPU kutubxonasi
У-7270

Тошкент - 2011

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

**Масъул муҳаррир:** филология фанлари доктори Иброҳим Йўлдошев

**Тақризчилар:** педагогика фанлари доктори Ш.Шодмонова,

педагогика фанлари номзоди, доцент Д.Холиқов.

Методик қўлланма ИТД-4-108 "Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш муаммо ва вазифалари" гранти асосида яратилди.

*Мазкур методик қўлланмада муаллифлар ёш авлоднинг маънавий баркамоллигини таъминловчи масалаларга алоҳида эътибор қаратишган. Унда, асосан, миллий-маънавий қадриятлар негизида ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялаш масалалари ёритилган. Китобдан ота-оналар, талаба-ёшлар ҳамда таълим муассасалари мураббийлари фойдаланишлари мумкин.*

*Қўлланманинг "Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий хусусиятлари" деб номланган I боби Гулжаҳон Мардонова, "Авлод ва аждодлар ҳақида икки оғиз сўз" ва "Маънавий моддий ҳаёт уйғунлиги" номли II ва III боблар Ойша Хасанбоева, Наргиза Эргашова, Дилфуза Бекматовалар томонидан тайёрланди.*

## МУҚАДДИМА

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар, маънавий-маърифий тизимдаги янгиланишларнинг замирида қаётимизнинг асл мазмуни — фарзандларимизнинг баркамол турмуш тарзини яратишдек мақсад мужассам. Негаки, барча саъй-ҳаракатларимизнинг негизида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши, баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Улғайиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллагач, ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини, албатта, фарзанд ўстирган ҳар бир ота-она ният қилади.

Инсон бу ёруғ оламга келиши билан илм, меҳру муҳаббатни онадан кўради. У она қучоғида шафқат ва марҳаматга кўмилиб улғаяди. Аллоҳ барча оналар қалбини буюк бир илоҳий меҳрга тўла қилиб яратган. Шу сабабли фарзанд онасига, она фарзандига мустаҳкам илоҳий риштала билан боғланади. Шу сабабли ота-оналар фарзандларига нисбатан илоҳий ҳис туйғулар оғушида яшайдилар.

Ҳар қандай инсон дунёга келган вақтдан эътиборан моддий ва маънавий эҳтиёжлар юзага келади. Яъни моддий эҳтиёж она сути орқали қондирилса, маънавий эхтиёж она алласи орқали қондирилади. Моддий озуқа инсонга қанчалик лозим бўлса, маънавий озуқа инсон ақлини, руҳиятини юксалтиришда, дунёни билиш, ҳақни таниш ва ҳақиқатни англаш қобилиятини ўстиришда шу қадар аҳамиятлидир.

Алла инсоннинг онг қатламларида бир умр эзгуликка етакловчи нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади. Ҳар бир она ўз алласида, у қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, орзу ҳавaслари, яхши ниятлари, меҳр-муҳаббатини баён этади.

Миллий руҳ болага она алласи орқали сингади. Алла онанинг юрак тубидан чиқадиган сўзлар бўлиб, у орқали болада миллий маданият, урф одат, маънавий дунёқарашлар шаклланади. Она ўзининг юрак тубидаги барча яхши фазилатларини, орзу-умидларини фарзандида кўришга интилади.

Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихларига, Ватанига, она тилига, ўз миллий сиймоларига, муқаддас ислом дини анъаналарига содиқ бўлиб қолишсин. Чунки илмли, одобли, фаросатли одам ҳаётда ўз ўрнини, албатта, топади

Президентимиз кўрсатганларидай, "Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир"[1].

Шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодда ота боболари қолдирган маънавий меросни асраб-авайлаш ва улар билан фахрланиш туйғусини шакллантириш муҳимдир.

Инсон ўзини англаши учун, аввало, ота-боболари, она-бувилари ҳаётини, уларнинг касби-кори ва жамиятда тутган

[1] Каримов И.А "Юксак маънавият – енгилмас куч . – Тошкент: Маънавият, 2009. 56-бет.



ўрнини яхши билиши керак. Оила болаларга аждодлари ҳақида тушунча бериш, уларда ўз аждодларидан ғурурланиш ҳиссини шакллантиришда катта ўрин тутади.

Аждодларимиз ўз шажараси, уруғ ва сулоласини яхши билган. Туркий халқлар уч катта бўлакка: қорлуқ-чигил, қипчоқ ва ўғуз сингари уруғларга бўлинади. Ота-боболар ўз насл-насаб, уруғ, сулола, шажараларини авлодлар оша сақлаб қолиб, мустаҳкамлашга, обрўси, мавқеини оширишга бутун умр ҳаракат қилганлар.

Шажара маълум бир оиланинг, авлоднинг қайси уруғдан келиб чиққанлиги, қайси авлодларни ўз таркибига киритишга қараб белгиланган. Сулолалар ҳунарига қараб ҳам белгиланган. Масалан, темирчилар сулоласи, сандиқсозлар сулоласи, нонвойлар сулоласи ва ҳоказо. Ўзбек халқининг машҳур шажараларидан бири Темурийлар шажарасидир. Бу авлод барлослар уруғига мансуб бўлиб, қуйидагиларга бўлинади: Баҳодир Тарағайнинг ўғли Амир Темур, Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо, унинг ўғли Мирзо Улуғбек, Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф ва ҳоказо. Ҳозирги замонда ҳам ҳар бир одам ўз сулоласини, шажарасини тўла аниқлаб, ўрганиши зарур. Сулоланинг анъаналарини сақлаш муҳимдир.

Моддият ва маънавият тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва таъсири натижасида ақлан етук, ахлоқан баркамол, жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, яхлит шаклланган шахс таркиб топади. Биз фарзандларимизни етук, юксак маънавиятли, миллий, қадриятларни, урф-одатларни, менталитетни ҳурмат қиладиган шахс сифатида кўришга интиламиз.

# I БОБ. ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ АЛЛА ВОСИТАСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

## АЛЛА — БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Ер юзидаги энг ривожланган мамлакатлар, жаҳон миқёсида обрў топган халқлар, энг аввало, ўша ҳудуддаги одамлар онгида маданий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш орқали муваффақиятга эришганлар. Ҳар қандай жамият миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва уни ёшлар онгида шакллантириш масалаларига эътиборли бўлгандагина ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, энг аввало, маънавий ҳаётимизда туб бурилишлар юз берди. Биз кечаги кунимиз, ўтмишимиз ҳақида муфассал билдик, қадрлашга арзийдиган донишманд боболаримизнинг илмий ва маънавий меросини танидик. Миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси нима эканлигини англадик, ҳис қилдик. Аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунгача не-не замон бухронларидан ўтиб келган қадриятларимизни асраш, авайлаш, ёшлар онгига чуқуррок сингдириш ва келажак авлодларга зиён-заҳматсиз етказиш масаласи чин маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳар қандай миллат, энг аввало, ўзлигини таниганда, қадрлай олгандагина бошқа халқлар маданияти ва тарихи, қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Дарҳақиқат, тарихни, аждодларимизнинг қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги, элпарварлигини билмай, улардан ибрат олмай туриб мустақилликнинг чинакам буюк неъмат



эканлигини англай олмаймиз. Боболаримиз, момоларимизнинг замон тўфонларига қарамай халқ, миллат маърифати, маънавияти йўлида кўрсатган жасоратлари ахлоқий тарбия ва ибрат мактаби сифатида онгимизда миллий ўзликдан фахрланиш туйғуларини жонлантириб боради. Ва улар асрлардан-асрларга янги авлодларни тарбияловчи, уларни комилликка, баркамолликка ундовчи қадриятлар сифатида ўтиб боради.

Шарк фалсафасида ахлоқ-одоб, иймон-инсоф, адолат, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби тушунчалар юксак қадрланган. Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни қадрлаш, уларни асраб-авайлаш учун, энг аввало, инсонларда маънавий-ахлоқий сифатлар тугал бўлмоғи лозим. Оила маънавияти ана шундай миллий-маданий меросимизнинг бир бўлаги, миллий қадриятларимизнинг бир парчасидир. “Ҳар бир миллатнинг ўз расм-русумлари, урф-одат ва анъаналари бўлади. Ана шу қадриятларнинг яшовчанлигини таъминловчи маскан оила бўлиб, унинг заминида инсоний муносабатлар, халқ маънавияти ётади”[2].

Дарҳақиқат, оила давлатимиз сиёсатининг ҳамиша диққат марказида туради. Шундан ҳам бу кичик ижтимоий гуруҳнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб боряпти. Биз оилани соғлом фикрли, ўз сўзига эга шахсларни камол топтиришнинг дастлабки пиллапояси деб биламиз. Ота-она, ака-опа ва оиланинг қолган барча аъзолари боланинг шахс сифатида камол топишида ўз таъсирларини кўрсатади. Кичик ижтимоий гуруҳнинг энг ёш аъзоси ҳали норасидалигидаёқ кўрган, эшитганларини ўз хотирасига жойлайди. Албатта, бу ҳолат гўёки тошга ўйилган нақшдек унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу хотира унинг онгида сақланади ва уни ҳеч нарса билан олиб ташлаб бўлмайди. Демак, оила ҳар томонлама сайқал топган ибратга, маънавиятга ва ахлоққа эга бўлган

[2] Каримова В. Оила маърифати. – Тошкент: РОИАМ, 2009. – 3-бет.

аъзолардан таркиб топган бўлса, болада ҳам бу хислатлар шаклланиб боради. Мабодо бунинг акси бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. "Оилада кўни-қўшниларни кўролмаслик, фисқу фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради"[3]. Оила ва жамият муаммоларининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги бежиз эмас.

Ҳар қандай оилада болага илк тарбия кўҳна Шарқ педагогикасининг амалий воситаларидан бири бўлган аллалар орқали берилади.

Оилада болаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда, албатта, алланинг ўрни беқиёсдир. Унинг таркибий тизимини қуйидагича белгилаш мумкин:

-миллий ёндашув;
-анъанавий ёндашув;
- руҳий ёндашув;
- маънавий ёндашув;
- ахлоқий ёндашув.

Бу тамойилларнинг барчасига эътибор бериб, болалар алла воситасида тарбияланса, уларда қуйидаги ижобий ҳолатлар шаклланиши кузатилади.

Биринчидан, ёш хусусиятига кўра танланган, тарбиявий жиҳатдан маънавий талаблар асосида жамланган аллалар воситасида тарбияланаётган бола шахсида маънавият устуворлик қилади. Чунки унинг хотирасига аллалар воситасидаги ана шу руҳ муҳрланади. Онгда муҳрланган нарсани ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди. У келажакда жамият манфаатларига хизмат қиладиган, теран фикрли шахс бўлиб камолга етади. Унинг онгида Она Ватанига меҳр, ўз халқига муҳаббат, эътиқод пайдо бўлади, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, мардликни қадрлайдиган шахс бўлиб

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 54.



улғаяди.

Иккинчидан, маънавий-ахлоқий тилаклардан таркиб топган аллаларни тинглаб улғайган бола миллий қадриятларни эъзозлайдиган, уларни асраб-авайлашга хизмат қиладиган, илмли, салоҳиятли бўлиб улғаяди. Аждодлардан қолган миллий ва умумбашарий қадриятлардан фахрланадиган инсон бўлиб камолга етади. Ёш авлод онгида миллий ғурурнинг баланд бўлиши юртимизнинг истиқболи учун муҳимдир.

Учинчидан, она шахси томонидан эркаловчи, ором берувчи, ахлоқ нормалари устувор аллаларни тинглаб улғайган болада ижобий фазилатлар кузатилади. Бундай болалар камтарин, виждонли, одобли, покликка, ҳалолликка риоя қилувчи, саховатли, раҳм-шафқатли, меҳрибон, чин дўст, хулқи гўзал бўлиб камолга етадилар. Қолаверса, ижодий ёндашув, ҳар соҳада фаол бўлиш кузатилади. Бу эса XXI асрнинг боласи учун энг керакли фазилатлардир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, она ва бола сиймоси муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимизнинг бош майдонига Юртбошимизнинг ташаббуси билан фарзандини бағрига босган бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши меҳрибон она тимсоли ва у тарбиялаётган фарзанд камолини англатиб турибди. Демак, Она-Меҳр-Бола рамзий маънода ҳаёт тимсолидир.

Оилада болаларни аллалар воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда эса қуйидаги муҳим омиллар мавжуд:

- биринчидан, оилада миллий тарбия тизими мавжуд;
- иккинчидан, болаларни аллалар воситада маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг анъанавий усуллари бор;
- учинчидан, она ўз алласи билан бола шахсига педагогик таъсир ўтказиш имкониятига ва шарт-шароитларига эга;
- тўртинчидан, бола тарбиясида оиланинг муҳим ўрин тутиши эътироф этилган.

"Одам дунёга келиб англагани алла бўлади. Агар унинг самимий ва ҳазин мазмуни, сеҳрбахш мароми ва дилгир оҳанги бўлмаганда, ҳали тили чиқмаган, оламни, сўз ва унинг сеҳрини англамаган ёш гўдакни ўзига ром эта олармиди? Алла она қалбидан, унинг қайноқ меҳридан сизиб чиқадиган қўшиқдир. Она алласининг туғилиши ва мазмуни гўзал бўлганидек, унинг ижроси ва таъсири ҳам шу қадар гўзалдир. Гўзаллик эса гўзал нарсалар доясидир"[4].

Дунё халқларини бир савол ҳақли равишда қизиқтиради. Оналари маълум маънода мадраса-ю мактабдан йироқроқ бўлган Она Шарқ ўз олтин бешигида туркология билимдонини, ҳадислар илми закосини, тиб илмининг даҳосини, мусиқа назарияси асосчисини, шеърият мулкининг султонини, мағлубият нелигин билмаган жаҳонгир саркардани, юлдузлар оламининг кашфиётчисини, кўйингки, илмий-маданий мероси миллий қадриятлар оша юксалиб, умумбашарий қадриятлар сирасидан жой олган буюк мутафаккирларни улғайтирди. Бунинг сири нимада? Оналар, бувилар тарбия масаласида нимага, қандай воситага суянганлар? Тарихий манбалардан биламизки, минг-минг йиллар мобайнида момоларимиз фарзандларининг ғурурли, орли, номусли, иффатли, андишали, ватанпарвар, жасур, фидойи бўлиб улғайишларига аллалар орқали йўл очганлар. Бу аллаларда оиланинг ҳаёт йўли, ижтимоий қарашлари, эътиқоди, ахлоқ принциплари тугал ифодаланганки, бу йўл орқали оилавий тарбия мезонлари бошланган. Бу мезон бола шахсини шакллантириш ва уни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шахснинг мавжуд имкониятлари ва ақлий, ахлоқий камолотини ўстириш оилавий тарбиянинг вазифаси саналган. Бугун оила

4 Саримсоқов Б. Қўшиқ билан яралур олам //Алла айтай, жоним болам. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Г.Мардонова. – Тошкент: Чўлпон, 1996. – 3-бет.



бағрида камол топаётган фарзандларимиз эртага жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётига ҳисса қўшишлари ана шу вазифаларни оналар қай даражада бажаришларига боғлиқдир.

## АЛЛАНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида соғлом, ҳар жиҳатдан камол топган баркамол авлодни тарбиялаш энг муҳим ижтимоий мақсадлардан бири сифатида эътироф этилди. Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат, жамият ҳамда таълим тизими билан бир қаторда оила ҳам фаол иштирок этади. Зеро, шахснинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний камолоти, бадиий диди оилада қарор топган турмуш тарзи, шахслараро муносабатлар мазмуни, ҳаётий қадриятлар негизида шаклланади. Шу боис мустақиллик йилларида жамиятнинг энг муҳим бўғини бўлган – оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш, оилавий анъана ва қадриятларни асраш, бойитиш, шунингдек, ёш авлод тарбиясини ташкил этишда оила зиммасидаги масъулиятни ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда.

Асрлар давомида миллий маданий-маънавий қадриятлар, халқ педагогикаси ғоялари фарзандларни ҳар томонлама камолга етказишнинг таъсирчан воситалари сифатида амалиётда қўлланиб келинмоқда. Бу каби воситалар сирасига эртак, ривоят, тез айтиш, мақол, топишмоқ, достон ва халқ қўшиқларини киритиш мумкин. Халқ қўшиқлари орасида эса болани дунёга келган кундан бошлаб унинг характери, миллий руҳияти, феъл-атвори ва дунёқарашини

шакллантиришда маънавий-ғоявий асос вазифасини ўтовчи аллалар алоҳида ўрин тутади. Аллалар бола шахсига кучли таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, ўзида овутиш, нимагадир қизиқтириш ҳамда эркалаш ғояларини акс эттиради. Шу сабабли ўзбек халқига хос бўлган турмуш тарзида фарзандларни тўғри тарбиялашнинг энг оддий ва самарали йўли сифатида аллалардан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиб келинган.

Бу ўринда "алла" тушунчасининг моҳиятини ёритиш унинг таъсирчан тарбиявий восита сифатидаги ролини англашга ёрдам беради.

"Жаҳонда бирор халқ, миллат ёки элат йўқки, уларнинг тилида алла куйланмаса. Русларда "байки" ёки "баюшки" атамаси билан юритилувчи бундай қўшиқлар туркманларда "хувдилар", озарбайжонларда "лай-лай", татарларда "алли-балли", қорақалпоқларда "ҳеййа-хеййа", туркларда "нинни", форсларда "ло-ло", немисларда "wieqelied", французларда "bekcuse" деб юритилади"[5]. Т.Нафасовнинг қайд этишича, этимологик нуқтаи назардан "алла" тушунчасининг шаклланишига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Яъни, "айримлар уни "Оллоҳ", ёки "Аллоҳ" сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли деган фикрни олға сурса, яна айримлар уни "алдамоқ" сўзидан келиб чиққан, шунга кўра болани алдаб-авраб ухлатиш маъносига эга дея изоҳлашга уринади"[6]. "Бизнингча "алла" сўзи тебратмоқ маъносини англатувчи "аланг" ўзагидан келиб чиққан. В.В.Радлов "Опыт словаря тюркских наречий" (1893) луғатида (358-б.) кўрсатишича: аланг – 2. беспокойний – ҳаракатдаги, алангда – колебаться, двигаться туда и сюда – тебранмоқ, у ёқ-бу ёққа ҳаракат қилиш, аланг – зы – колебаться - тебранмоқ маъноларини англатади", – дея таъкидлайди фольклоршунос

[5] Ўзбек халқ аллалари. Алла-ё алла / Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи О.Сафаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 9-бет.
[6] Нафасов Т. Алла ҳақида сўз / Ўзбек аллалари. – Қарши: Nasaf, 1994. – 69-бет.



М.Ёқуббекова[7]. Л.З.Будагов эса чиғатой улуси сўзлашувида "аллала" сўзи бошнинг орқа томони, яъни энсани англатишига эътиборни қаратади[8].

Филолог олим О.Сафаров юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг фикрларига муносабат билдирар экан, Т.Нафасов томонидан илгари сурилган ҳар иккала изоҳнинг ҳақиқатни акс эттирмаслигини, аксинча, Л.З.Будаговнинг фикри тўғри эканлигини билдиради. Муаллиф Л.З.Будаговнинг фикрини тасдиқлар экан, шахсий ёндашувини қуйидагича изоҳлайди: "... чалқанча ётганда бошнинг орқаси – энса ёстиққа босилган ҳолда ухланади. Чақалоқ ҳам бешикка, беланчакка ва ерга солинган махсус тўшакка фақат бош орқаси – аллаласи билан чўзилганча ухлайди. "Аллала" шаклан бола талаффузида сўнгги бўғини қисқарган ҳолда фонетик ўзгаришга учрагандан ва унинг бу сўзидаги товушларни идрок эта бориши туфайли уйқуси кела бошлагач, "алла" дея ишора берган. Оналар ана шу ишорани илғаб, оддийгина овоз солиш йўли билан тўқиган бадиҳаларига "алла, алла-ё алла" сўзларини радиф такрор сифатида қўллаб, уйқу чақирувчи қўшиқ шаклини яратганларки, бу фольклорда алла жанри сифатида эътироф қилинган. Шу мантиқдан қаралса, "алла" сўзи луғавий маъносига кўра энса – бош орқасини англатса, истилоҳий маъносига кўра фольклор жанрини ифода этади[9]. Алла халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри бўлиб, муайян белгиларни намоён қилади. О. Сафаровнинг кўрсатишича, бу белгилар қуйидагилардан иборатдир:

1. Болаларга уйқу чақиришдан иборат вазифага эгалиги.
2. Аллаларнинг монотон оҳангда куйланиши.

[7] Ёқуббекова М. Ахлоқий тарбиянинг ибтидоси. (Студентлар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун методик тавсиялар). – Андижон, 1986. – 12-бет.
[8] Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.1. – Санкт-Питербург: 1869. – 85-бет.
[9] Эл суюрим алла / Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: О.Сафаров. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2009. – 4-бет.

3. Аллаларда оналик меҳри тароватининг етакчи мотивлиги.

4. Аллалар болаларга эмизикли даврда айтилиши.

5. Оналарнинг ўз чақалоғи билан хос шахсий бадиҳавий мулоқоти ҳодисаси сифатида бир вақтда, асосан, биргина болага айтилиши.

6. Аллаларнинг композицион бутунлиги – сўз, оҳанг ва ҳаракат бирлигига эга бўлиши.

7. Ўзбек аллаларида радифнинг қонунийлиги[10].

Айни ўринда муаллифнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, аллаларни куйлашда фақат сўз, оҳанг ва ҳаракат бирлиги намоён бўлиб қолмасдан, онанинг руҳий ҳолатини ифодаловчи мимика ҳам акс этади. Бола онанинг қиёфасида акс этадиган мимик ҳолатни бешикда эмас, балки волидасининг қўлида ёки ерга махсус тўшалган ўринда ётганида яққол кўра олади. Онанинг руҳий-мимик ҳолати бола томонидан яхши англанади. Натижада боланинг кайфияти ўзгаради ва ўзининг мавжуд вазиятга таъсири, муносабатини хатти-ҳаракатлари, юз ифодаси ҳамда товушлар ёрдамида билдиради.

Ўзбекистон шароитида қадим-қадимдан ота-оналар ёки оиланинг ёши кекса аъзолари бола тарбиясига ёндашганларида самарали тарбиявий таъсир воситаларидан бири сифатида аллалардан фойдаланиб келганлар. Аллалар уларда ифодаланган ғоя, оҳанг, шунингдек, уни ижро этишда содир этиладиган амалий ҳаракатлар нуқтаи назаридан ўзига хос тарбиявий куч, имкониятга эга.

Аллаларнинг тарбиявий таъсири ўрта асрларда қанчалик эътироф этилган бўлса, замонавий шароитда ҳам уларнинг бола шахсини тарбиялашдаги аҳамияти шунчалик юқори. Хусусан, Республика Президенти И.А.Каримов ҳам аллалар шахснинг миллий-маънавий руҳиятини шакллантиришга

[10] Ўша китоб. 5-13-бетлар.



хизмат қилишини кўрсатади: "Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради"[11]

Демак, аллаларнинг тарбиявий аҳамияти қуйидагиларда акс этишини таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Сўз, оҳанг, ҳаракат ва мимика (юз ифодаси) бирлиги асосида бола руҳий ҳамда жисмоний жиҳатдан тарбияланади.

2. Она ва бола ўртасида руҳий яқинлик қарор топади.

3. Алла мазмунида ифодаланаётган ҳолатлар болани ижтимоий муҳитга яқинлаштиради.

4. Аллалар мазмунан ва оҳанг жиҳатидан тинчлантирувчи хусусиятга эгалиги, шунингдек, уларда рағбатлантирувчи, руҳлантирувчи ғоялар ифода этилганлиги сабабли бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

5. Аксарият ҳолатларда алла аниқ шахс (бола)га йўналтирилган қўшиқ саналиб, онанинг бутун эътибори айнан шу болага қаратилганлигини англатади; худди шу жараён она ва бола ўртасида ўзаро руҳий-маънавий яқинлик, ҳиссий алоқани юзага келтиради.

Она алла айтганда, одатда, чақалоқ уч ҳолатда бўлади: 1) онанинг қўлида ётган ҳолатда; 2) бешик ёки беланчакда ётган ҳолатда; 3) ерга тўшалган махсус ўринга ётган ҳолатда. Ҳар уч ҳолатда ҳам онанинг овозини эшитиш, қўл тафти ёки нафас олишини сезиш болага ўзини хавфсиз ҳис қилишига имконият яратади. Аллаларнинг моҳияти, ғоявий, руҳий ва тарбиявий хусусиятлари, улардан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: 1) алла оилада болаларни руҳий-ҳиссий, иродавий ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг

[11] Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 401-бет.

муҳим воситаси саналади; 2) алла воситасида болаларда илк нутқий кўникма шакллантирилади; 3) алла айтиш ижодий хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир она бу жараёнда ўз имконияти, ижро малакаси, ҳаётий тажрибаси, ижодий тафаккури (фантазияси), дунёқараши, характери ва ҳатто касбий хусусиятларига таянади; 4) халқнинг турмуш тарзи, маданий ривожи ҳам аллалар ғояларининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади; 5) алла воситасида бола атроф-муҳит, ижтимоий борлиқ, оилавий шажара билан таништирилади; 6) аллаларда фақатгина эзгу ғоялар куйга солинади ва унинг тинчлантирувчи, ором бахш этувчи хусусиятга эгалиги болаларни руҳий жиҳатдан босиқ бўлиб вояга етишларига ёрдам беради.

## АЛЛАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, катталарга ҳурмат каби қатор фазилатларни шакллантиради. Келажак авлоднинг ана шу жиҳатларга эга бўлиши муҳимдир. Биринчидан, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшларнинг ватанпарвар бўлиши зарурий ҳодиса саналади. Ватанпарварлик ҳиссиёти ватанпарварлик мафкураси даражасигача кўтарилгандагина комиллик касб этади. Чунки, айнан ана шундай инсонгина ўзи учун муҳим бўлган мезонларни эл-юрт, Ватан тақдири билан боғлай олади. Иккинчидан, инсонпарвар одамлар юртнинг тинчлигини, осойишталигини, одамларнинг бахту саодатини ўзининг бахт-саодати сифатида қабул қилади. Инсонпарвар одамлар жаҳолат, разолатдан йироқ бўлади. Уларнинг қалбида одамларга яхшилик қилиш, эзгулик кўрсатиш ҳамиша биринчи ўринда туради. Учинчидан, халқимизнинг асрий тажрибасига кўра, камтарлик қадрланган. Бу фазилатни



юксак ахлоқийлик, деб билганлар. Камтар одамлар эл-юрт олдида ҳам қадрланган. Одамлар яхши-ёмон кунларида бундай одамларга суянганлар, маслаҳат олганлар. Бундай хислат эгаси қалби гўзал, дунёси покиза ҳисобланган. Кўриниб турибдики, маънавий-ахлоқий мукаммал одамлар фақат ўз оиласи манфаати учун эмас, миллат, мамлакат, жамият манфаати учун ҳам камарбаста бўладилар.

Бу вазифани бажариш барчамизга қатор масъулият юклайди. Демак, ёш авлодни маънавий-ахлоқий томондан комил шахс қилиб тарбиялашда унинг онги, тафаккурига миллий истиқлол ғояси талабларини сингдириш зарур. Ушбу ғоя асосида ёшлар онгида ўз Ватанига, халқига чексиз меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, миллий ғурурни юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақиллигимиз туфайли эришилаётган муваффақиятлар замирини тўғри англаш ва қадрлаш ҳиссини пайдо қилиш, миллий онг ва тафаккурини ўстириш зарур. Бу туйғулар оила бағрида шаклланади. Дарҳақиқат, оила ҳар бир инсон учун дастлабки тарбия ўчоғи саналади. Оилада амал қилинадиган тартиб-интизом, миллий қадриятлар бола улғайгач жамият манфаатлари билан уйғунлик касб этади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, оила масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам бежиз эмас. "Оила ўзининг расм-русумлари, одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлари билан жипслашган таркибга эга, ушбу таркиб доирасида ота-оналар, бола-чақа, боболару бувиларни бир қолипга тушган сон-саноқсиз муносабатлар боғлаб туради, уларнинг асосийси ҳамжиҳатлик, аҳиллик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатдир. Айнан ана шу муносабатлар оиладаги психологик "муҳит"ни белгилайди, болаларнинг онги ва дунёқараши,



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Nizomiy nomli
TDPU
kutubxonasi

У-7270

ўзини ўзи англаши, одамларга, ҳаётга муносабатларини шакллантиради"[12].

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, тақдири, тараққиёти, жамият истиқболи ёш авлоднинг қандай тарбияланганлигига боғлиқ. Чунки миллат ва мамлакат тақдирини ана шу ёшлар ҳал этади. Албатта, бундай мукаммал тарбия қанчалик эрта бошланса, самараси шунчалик юқори бўлади. Ҳар қандай жамият миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва уни ўстириш жараёнига эътиборли бўлгандагина ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.

Халқ томонидан яратилган эртаклар, достонлар, ривоятлар, мақолу маталлар барча-барчаси халқ ҳаёти, кўрган-кечирганлари, руҳияти билан уйғун ҳолатда юзага келади. Халқ яратган оғзаки ижод намуналарида унинг муҳаббати, меҳри, ҳаётга муносабати, ижтимоий аҳволи намоён бўлади. Буларни билмай, уларнинг мазмун моҳиятини англамай халқнинг чинакам ҳаётини ҳис қилиш қийин.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино тарбиянинг дастлабки пиллапояси бўлган алла ҳақида шундай ёзган эди: "Боланинг мижозини кучайтирмок учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисин қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади"[13].

Дарҳақиқат, оиладаги маънавий мўътадил муҳит боланинг келажагига, унинг қай даражада ва қандай инсон бўлиб улғайишида тамал тошини қўяди. Э.Берн бу ҳақда "Фарзанд болалик даврида ота-она таъсирида ҳаётий позиция

[12] Тиллаева Г. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, – 2009. – 33-бет.

[13] Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. - Тошкент: Абдулла Қодирий нашр. 1992. – 77-бет.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI
И-7470

ва ҳаётий тасаввурга эга бўлади. Ҳаётнинг ижобий, ёқимли кўриниши ва муносабатлари руҳида тарбияланган бола келажакда аксарият ҳаётий воқеа ва ҳодисаларда муваффақиятга эришувчан, турмуш қувончларига мушарраф ва бошқаларга ҳам буни бера оладиган шахс сифатида камолотга эришади", деган эди.

Шарқ оилаларида эса айнан ана шундай тарбия онанинг алласи орқали берилади. Дунёга келган гўдакнинг илк эшитган оҳанги ҳамда она томонидан берилган дастлабки ўгитлар тарбиянинг ибтидосидир.

"Тарих қаъридан, неча-неча ўтмиш даврлардан бизгача эсон-омон етиб келган мифлар, афсона ва ривоятлар, достонлар, эртак, мақол ва қўшиқлар, ўтмишнинг шунчаки бир акс-садоси эмас, балки халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби ҳамдир"[14].

Халқ оғзаки ижодининг гўзал поэтик намунаси бўлган қўшиқлар неча-неча асрлар олдин аждодларимиз томонидан яратилган. Улар ҳаёт тарзларидан келиб чиқиб жанговарлик, меҳнат қўшиқларини яратганлар. Фольклоршунос олима Музайяна Алавия ўзининг "Ўзбек халқ қўшиқлари" китобида мана бундай ёзган эди: "Эрамиздан илгариги V-IV асрларда массагетларда қўшиқ мавжуд бўлган экан. Сирдарё ёқасида яшаган саклар, Зарафшон ҳавзасида яшаган сўғдийлар тараққиётида массагетлардан қолоқ бўлмаганлиги учун, уларда ҳам рақс ва қўшиқлар оммавий тусда бўлганлигини қатъий айта оламиз"[15].

Рақс ва қўшиқларнинг оммавий тусда намоён бўлганлиги шу қадар тарихий экан, эҳтимол, аллалар бундан-да қадимийроқдир? Эҳтимол, у пайтлар аллалар ижтимоийлик касб этмагандир, аммо онанинг меҳри, муҳаббати тимсоли

[14] Тўленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 96-бет.

[15] Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. –Тошкент: Фан, 1959. – 13-бет.

сифатида ором қўшиқлари вазифасини бажарган бўлса ажабмас. Чунки ер юзида она мақомининг пайдо бўлиши билан унинг фарзандига меҳри муҳаббати ҳам баравар юксалган.

"Халқимиз ўз тарихий-ижтимоий тараққиёти мобайнида бой оғзаки ижодий мерос яратган. Халқ оғзаки ижодиётида таълим-тарбияга оид илғор педагогик ғоялар илгари сурилган"[16].

Бундай қарашлар педагог-олимларимиз томонидан ўтган асрда ҳам қайд этилган. "Бола даставвал она кўксидалиги давридаёқ она "алла"сини эшитади. Бинобарин, бола кўриш, ўстириш бахтига муяссар бўлган оналарнинг қай даражада бўлмасин, "алла" айтмаганлигини тасаввур қилиш мумкин эмас... Она алласининг тарбиявий роли эса ғоят муҳимдир"[17].

Дарҳақиқат, бола оилада педагогик қуршовда яшайди. Онанинг ана шу қарашлари бу жараённинг ибтидосидир.

Халқимизнинг никоҳ ва бешик тўйлари билан боғлиқ урф-одатларини ўрганиш жараёнида никоҳ кечаси аёллар томонидан ташкил этиладиган "туғди, туғди" одатининг яшовчанлиги ҳам ажабланарли эмас. Чунки бу гўзал удум оналик ва болалик бахти, унинг қадр топган қадрияти ҳақида. "Келинбарорга келган табаррук аёллардан бири кўпинча пар ёстиқдан "чақалоқ" ясайди. "Қизингиз туғди" деб она ва амма-холадан суюнчи олади. Унга кўплашиб исм қўядилар. Кейин алла айтадилар. Бу ярим ҳазил, ярим ҳаяжонли дақиқаларда маросим иштирокчилари юраклари тўлқинланиб, суюнчи узатадилар. "Туққан онага-ю "бола"га омонлик, яхшилик, ризқ-рўз бўлишини тилайдилар. Кўп ерда алла овозини эшитиб куёв томон аёллари ҳам суюнчи бериш учун кирадилар ва алладан тўлқинланиб, ўтириб

---

[16] Ҳасанбоева О., Хасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 14-бетлар.

[17] Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 30-31-бетлар.



тинглайдилар"[18], дейилади "Хотин-қизлар энциклопедияси"-нинг "Тўй маросимлари, одатлар" бобида. Хусусан, бу ҳолат "Нур тўла уй" китобимизда ҳам мана бу тарзда ифодаланган: "Ҳаммасидан тахт солингач, келин-куёв гаплашиб ўтирганда айвондаги хотинлар ҳангома қилишади.

- Ҳой, ҳой, яхшилар келин туғди!
- Вой, вой, ўғил!
- Э, муборак бўлсин, умри узун бўлсин, – дея дастурхончи хола алла бошлайди"[19].

З.Миртурсунов таъкидлаганидек болаларга тарбия бериш тўйларда бажариладиган урф-одатлар, маросимлар билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Она билан боланинг бешик ҳамроҳлигида ёлғиз қолиши улар ўртасида руҳий-психологик яқинликни юзага келтиради. Одатда бундай ҳолатнинг мавжудлиги ички кечинмалар, ҳис-туйғуларнинг юзага қалқиб чиқишига замин яратади. Она шу мурғак вужуднинг соғ-омон улғайишини, унинг ҳаммага керакли шахс бўлиб вояга етишини дилдан истайди. Фарзандининг ҳаммага керакли шахс бўлиб вояга етиши учун эса тарбиянинг тамал тоши ана шу дақиқалардан қўйилиши кераклигини англайди. Ва она томонидан қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлган ахлоқ тамойиллари - инсонийлик, ватанпарварлик, ор-номус, шижоат, мардлик, жасурлик каби хислатлар аллалар орқали бола онгига сингдирилади.

Биз миллий меросимизни, қадриятларимизни қадрлаш, ёшлар онгига уларни чуқурроқ сингдириш хусусида қайғурар эканмиз кўҳна Шарқ фалсафасининг ўзига хос жиҳатларини уларга англатиш, бундан хулосалар чиқаришларини янада ривожлантириб боришимиз зарур.

---

[18] Тўй маросимлари, одатлар. Хотин-қизлар энциклопедияси / Г.Мардонова муаллиф. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти.1999. – 492-бет.

[19] Мардонова Г. Нур тўла уй. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 62-бет.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар”[20], – дея таъкидлайдилар.

Бу “мажмуа” эса энг аввало қадрият сифатида оилада шаклланади, камол топади, ривожлантирилади. Шу маънода оилани қадриятлар бешиги сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки оиладаги тоза ижтимоий муҳитда улғаяётган бола вақти келиб фақат ўз халқи эмас, бошқа халқлар учун ҳам бахт-саодат келтирувчи шахс бўлиб вояга етади.

“Теварак-атрофдаги инсонларга муносабат боланинг шахс сифатида шаклланиши учун катта аҳамиятга эга. Онанинг фарзандига оила аъзоларини таништириш, болани қуршаб турган ашёлар номини аташ, уларга нисбатан маълум муносабатни шакллантириш йўлидаги ҳаракатларига ҳам қўшиқ кўмакдош. Болага қўшиқ воситасида етказиладиган маълумотлар, таъкидлар шунчалар кўп ва ранг-барангки, бизнинг назаримизда, аллаларда фарзандга бериладиган оилавий тарбиянинг барча низомий тушунчалари қамраб олингандай”[21].

Шуни унутмаслик керакки, болага аллалар орқали бериладиган тарбия аста-секинлик билан ривожлантириб борилади. Бунда ўзбек халқ педагогикасининг амалий воситалари таянч бўлиб хизмат қилади. “Она алласидаги майин товуш орқали боланинг онги, шуурига етказиладиган буюк бурч – онага муҳаббат, табиатга муҳаббат, Ватанга муҳаббат, дўстга садоқатдек шарафли вазифалар кичкинтой улғаявергач эртак, топишмоқ, мақол, масал, достонлар воситасида кучайтириб борилади”[22]. Дарҳақиқат, “Миллий

[20] Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 53-бет.
[21] Ёқуббекова М. Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси. РОИАМ, – Тошкент: 2009. 13-бет.
[22] Абдураҳимова Д. Илдиздан қувват олган япроқ қуримайди // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2002, – №1. – 37-бет.



истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”да “Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади”[23] деб алоҳида таъкидланади. Демак, жамиятнинг кичик бир бўғини бўлган оила муҳитида қадриятларга ҳурмат, уларнинг асралишига масъулиятнинг дастлабки куртаклари ниш уради. Агар оила бу вазифани шараф билан бажармас экан фақат ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсирида кўнгилдагидек натижага эришиб бўлмайди.

1989 йилдан буён Республикамизнинг барча вилоят, туман ва қишлоқларида ижодий сафарда бўлиб халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналари бўлган аллалар, ёр-ёрлар, келин саломлар, соғим, меҳнат, рамазон ва марсия қўшиқларини тўплаш, уларни тартибга солиб, нашр эттириш ишлари билан шуғулланар эканмиз аллаларнинг тарбия воситаси сифатида бениҳоя қудратли куч эканлигини биз билан суҳбатда бўлган онахонлар таъкидладилар. 1992 йил “Меҳнат” нашриётида чоп этилган “Нур тўла уй” китобимизнинг сўнгги боби “Бешик тўйлари” деб номланди. Беш қисмдан иборат бу бобда бешик тўйлари билан боғлиқ халқона қадриятлар, удумлар, анъаналар, уларнинг келиб чиқиши, ҳаётда тутган ўрни, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланишига қўшадиган ҳиссаси ҳақида мухтасар тўхталдик. “Боланинг тинч ором олишини алласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оналар бола тарбиясини алла орқали бошлайдилар. Чунки алла онанинг юрак томирлари орасидан боланинг юрагига оқиб киради”[24].

Аллалар тадқиқотига ички маънавий эҳтиёжнинг мавжудлиги сабаб амалий ҳаракатлар яна давом эттирилди.

[23] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 66-бет.
[24] Мардонова Г. Нур тўла уй. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 84-бет.

1996 йили “Чўлпон” нашриётида “Алла айтай, жоним болам” деб номланган китобимиз чоп этилди.

1999 йили ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Хотин-қизлар энциклопедияси”нинг никоҳ ва бешик тўйлари удумлари жам этилган “Тўй маросимлари, одатлар” бобига муаллифлик қилдик. Унда аллага “Алла шундай бир қўшиқки, уни ҳеч замонда, ҳеч бир шоир ёзолмаган. Бахшилар тўқиб чиқаролмаган. Созандалар ўз мулки сифатида ўзлаштиролмаган. Бу жон билан, қон билан бирга инсон ботинига сингган қўшиқ. Уни ҳар бир юрак ўзича куйлайди. Бу қўшиқ ер юзидаги оналар қанча бўлса, рўйи заминда аёл зоти қанчалар ёйилган бўлса, у шунчалар сочилиб кетган”[25] дея таъриф берилган.

Дарҳақиқат, алла фарзанд тарбияси учун оналар томонидан битилган шоҳ асардир. Маънавий ёруғликдан баҳраманд бўлишнинг илк дафъаси, бош бўғини алла билан боғлиқ. Алла эшитмай тарбия топиш, улғайиш тафаккурни инсоний тамойилларга чоғлантиришда кемтикликни, қадриятларни танимасликни, улардан бехабар бўлишни юзага келтиради.

Демак, биз қадриятлар ва уларнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрнини тарбиянинг дастлабки ибтидоси бўлган аллаларсиз тасаввур этолмаймиз. Миллатни миллат, мамлакатни мамлакат сифатида дунёга танитадиган улуғ мутафаккирларни, бетакрор салоҳиятли, юксак фикрли олиму фузалоларни, Ватан, эл манфаати йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр чинакам фидойи инсонлар тарбиясининг айнан оналар алласи билан боғлиқлиги фикримизни исботлайди. Шу маънода аллаларга оилавий ва умуминсоний қадриятлар қомуси, дея таъриф бериш мумкин. Чунки

[25] Тўй маросимлари, одатлар боби. Хотин-қизлар энциклопедияси. /Г.Мардонова муаллиф. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1999. – 509-бет.



аллаларда инсон учун ҳаётда муҳим бўлган ахлоқий қадриятлар тарғиботининг илдизлари бўй кўрсатиб турибди.

Бу ҳолат педагогика, психология, фалсафа, социология каби ижтимоий фанлар тадқиқотига кўл урувчи олимларга ҳам катор вазифалар юклайди. Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш мезонларининг, йўл-йўриқларининг илмий-педагогик, илмий-психологик тамойилларини яратиш, уларни ривожлантириш бугуннинг заруратига айланди.

Аллаларнинг халқ педагогикасининг амалий тарбия воситаси эканлиги, уларнинг маърифий, маънавий куч-қудрати, юксак қадриятларимизнинг кичик, шу билан бирга аҳамиятли бўлаги эканлигини илмий далиллашга уринишларимиз эса бу йўлдаги баъзи қадамлардир.

Мамлакатимиз мустақиллиги асрлар давомида аждодларимиз учун ушалмас армон, кўл етмас орзу бўлиб келган. Улар бу йўлда жонларини фидо қилганлар. Демак, бу буюк неъматни асраш, унинг қадрини ёш авлод онгига сингдириш, юксак маърифатли, маънавиятли, қадриятларни ҳурмат қиладиган шахсларни тарбиялаш бугуннинг долзарб масаласи. Бу оналар олдига улкан вазифалар қўяди. Чунки она келажак учун ворислар тарбияловчи инсон тимсоли.

Азим Тошкентнинг маркази ҳисобланган Мустақиллик майдонига маҳобатли бахтиёр она ҳайкали “Эзгулик” монументининг ўрнатилиши ана шунга ишорадир. Бу меъморий обида фарзанд тарбияси мамлакатимизда Давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга оналар тарбиялаган фарзандлари билан жаҳон тарихини яратади, деган пурмаъно ҳикматни эслатади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-она, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”[26] дейилади.

[26] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, – 56-бет.

Дарҳақиқат, мамлакат тақдири жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлган оилада тарбия топаётган фарзандларга боғлиқ.

Халқ педагогикасининг асрлар давомида шаклланиб, ривож топиб келиши оиладаги муҳит билан боғлиқ. Асрлар давомида момо-бувилар, ота-оналар томонидан ёшларга ўгитлар, панд-насиҳатлар, йўл-йўриқлар, ахлоқий тартиб-қоидалар сингдириб келинган.

"Ҳозирги замон тараққиёти ҳар бир шахсдан воқеликни тўғри тушуниб хулоса чиқаришни, ахлоқий поклик ва чидамлиликни, жамиятнинг барча жабҳаларида мустаҳкам ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий эмоционал хулқий ва бошқа сифатлари оилада таркиб топади, шаклланади ва камол топади" [27].

"Оилада сингдирилган тарбия – Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг 70 фоизи она тарбияси орқали сингдирилиши эса аллақачон исботланган"[28].

Ҳар бир она учун мурғак гўдагининг ороми, тиниқиб ухлаши муҳим. Аллаларнинг пайдо бўлиши ана шу истак билан боғлиқ, деган фикримизни бу ҳолат тасдиқлайди. У халқ педагогикасининг воситаси сифатида пайдо бўлган. Оналар шунчаки алла айтмайди. У фарзандидан умидлари катта эканлигини, ниятлари юксаклигини, орзуларини қўшиб куйлайди.

Алла қилай, қулоқ солсин,
Алла деган сўзима.
Эркатойим бой бўлиб,
Нурлар берсин кўзима[29].

[27] Салаева Н. Ота-она ва фарзандлар муносабати // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2002, № 1. – 12-бет.
[28] Собирова Д. Аёлларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни // Тарбия. – Тошкент, 2008. № 6. – 14-бет.
[29] Алла айтай, жоним болам / Тўпл.ва нашр.тайёр. Г.Мардонова. – Тошкент: Чўлпон,1996. – 7-бет.



Ушбу сатрлар фикримизни исботлайдики, она кексалик роҳатини, фароғатини, юрт тинчлигини мана шу гўдаги иқболи билан боғлайди. Бу эса ўз-ўзидан боланинг онгу шуурига таъсир кўрсатади. Руҳий яқинлик орқали боланинг қалбига сингиб боради. Ҳар бир она учун унинг фарзандидан азиз инсон йўқ. У дилбандини қандай суйса, қандай ардоқласа, қандай азиз билса, бошқалар ҳам уни ардоқлашини истайди. Бу биз юқорида таъкидлаган ахлоқий масалаларининг аллаларда акс этишидир.

Тубасининг сочидан,
Тўрт уруғлар айлансин.
Елкасининг сочидан,
Етти уруғлар айлансин.
Тубагининг остидан,
Туркман эллар айлансин,
Кўлбовининг остидан,
Қўнғирот эллар айлансин[30].

Алла сатрларига диққат билан разм солган инсон онанинг кўнгил кечинмаларини, ҳис-туйғуларини англаб етади. Она фарзандининг камолини шу даражада юқори ўринда тасаввур қиляптики, бундай аллалар ўз вақтида аҳли донишларни, фозилу фузалоларни тарбиялаган. Демак, бола фақат оилага эмас, миллат ва мамлакатга шараф келтирсин, жамият учун ардоқли бўлсин, деган истак-хоҳиш мавжуд бу сатрларда.

Фикримизни З.Миртурсуновнинг илмий қарашлари янада мустаҳкамлайди: "Халқимизнинг узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган кенг ва кўп қиррали маданий пойдевори, шу жумладан педагогик маданияти бўлмаганда IX-XI асрларга келиб, бутун Ўрта Осиё халқлари каби ўзбек халқининг ҳам илм-фан ва маданиятининг барқ уриб ўсиш ҳамда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад

[30] Ўша китоб. –7-бет.

ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий сингари илм-фаннинг улуғвор сиймоларининг етишиб чиқиши мумкин бўлмаган бўлур эди"[31]

Дарҳақиқат, халқимиз ўзининг бу қарашлари, оиладаги онанинг тутган ўрни, унинг аллалари орқали миллий тарбия тизимига асос солди. Она ҳеч қандай таъна-дашномларсиз, силташ, жазолаш каби усулларсиз ўзининг ички истагини, орзуларини аллаларга солиб куйлади ва фарзандининг иқболига эшик очди.

Сочимнинг тилла тароғи, алла,
Боримнинг кумуш яроғи, алла.
Ойисининг қўнғироғи, алла,
Дадасининг чақмоқ чироғи, алла.

Бу аллада умидбахшлик руҳи ҳукмрон. Она ўзининг орзу-ўйларини алла сатрларига тизади. Гўдаги улғайиб унинг орзуларини рўёбга чиқаришига ишонади.

Алла болам, алламга, алла-ё,
Тегинманглар баррамга, алла-ё, алла.
Барражоним ёт, алла-ё, алла,
Пар тўшакка бот алла-ё, алла.

Бу аллада боланинг ҳали ниҳоллиги, баррадек нозиклиги, унинг вужуди ҳали ҳаёт синовларида тобланмаганлиги ифода этилган. Она, Она Ватан унинг ҳимоячиси, унинг қўриқчиси эканлиги ифода этилган. Боланинг она томонидан бундай асраб-авайланиши унинг қалбида онага, Она Ватанга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотади.

Алла дерман, азонда, алла-ё, алла,
Кўзим сенда ҳар онда-ё, алла-ё, алла.
Қулоқ солгин жон болам, алла-ё, алла,
Сени сақлагум жонда, алла-ё, алла.

[31] Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси, – 23-24-бетлар.



Бу сатрларда ҳам гўдакнинг ҳали ожизлиги, онанинг меҳрига муҳтожлиги тилга олинади. Онанинг бу туйғуси, меҳрли сўзлари гўдак шуурига сингиб боради.

Алла, болам, армоним, алла,
Қизил гулим, хирмоним, алла.
Алла қилсин, шу жоним, алла,
Танамдаги дармоним, алла.

Она учун бола армонлари меваси. У онанинг ҳориган вужудига дармон. Бу сатрларда бола қизил гулга ўхшатилади. Демак, у она учун азиз эканлиги ифодаланади.

Аллаларда болага куч-қувват тилаш учрайди. Боланинг полвон бўлиши, куч ғайратда бетимсол бўлиши эса фақат она орзуси эмас. Чунки азал-азалдан мард, полвон ўғлонлар фақат оила, ота-она, опа-сингилларни эмас Она Ватаннинг ҳам ҳимоячиси бўлишган.

Алла болам, алла-ё,
Алла болам, қулунтой.
Алла қилсин, полвоним,
Бешикларин тебратай.

Аллаларда гўдакнинг жинсига кўра сўзлар тизилган. Ўғил болаларга полвон, ботир, мард, тарлоним, юлдузим каби сўзлар ишлатилса, қизларга нисбатан гулим, ғунчам, нозигим, асалим, нозбойим, райҳоним каби эркаловчи сўзлар ишлатилган.

Қизим қоши, ўсмали-ё, алла,
Гуппилари тасмали-ё, алла.
Атлас кўйлак кийдирай-о, алла,
Жўрмалари босмали-ё, алла.

Шарқда қиз қошининг ўсмали бўлиши, атлас кўйлак кийиши, гуппи (нимча)нинг урфлиги, жўрма (йўрма)ларининг босма шаклида тайёрланиши ифода этилган. Шу билан она ўша қишлоқ ҳақида этнографик маълумот ҳам беряпти.

Қизгинага бу миллий либослар ҳақида маълумот сингдираяпти.

Шўрчи туманида яшовчи Рўзихол Маматқуловадан ёзиб олинган мана бу аллада ҳам маҳаллий лаҳжадаги сўзлар мавжуд. Бу билан она фарзандига кўҳна сўзлардан ҳам сабоқ бераяпти.

Алла болам, оқ, оққа, алла-ё,
Гуллар эксин чорбоққа, алла-ё.
Чорбоғ гули чачилсин,
Бахтинг гулдай очилсин, алла.
Алла болам бойсари, алла,
Оқ ўтовдинг жопсари, алла.
Жопсаридан қарасам, алла,
Қайликчаси соп-сори, алла.

Қорақалпоқ оналарининг алласида халқнинг миллий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда кенглик руҳи акс этади. Беруний туманида яшовчи Гулойим Бағдодовадан ёзиб олинган аллада ана шуни ҳис этасиз.

Сарқираб аққан сайимсан, ҳайю,
Кишкина эрка тайимсан, ҳайю.
Ҳайю, ҳайю, жан балам,
Тўлиғиб турған айимсан, ҳайю.
Анангнин тилин ал, балам,
Булағур жаним тик адам.
Ухлаб қўй, жаним, ухлаб қўй-яй,
Ҳаммадан ширин бал, балам.

Қорақалпоқ онаси учун ҳам гўдагининг камоли, иқболи муҳим. У боласини шарқираб оққан сойга, жажжи тойчоққа, тўлиб турган ойга ўхшатади. Ҳаммадан ширин, бол боласининг улғайганда қадди тик инсон бўлишини тилайди. Бу билан фарзанди сиймосида баркамол шахсни кўради.

Бундан ташқари аллаларда опа-укалар, ака-сингиллар ўртасида иттифоқликнинг бўлиши ҳам таъкидланади. Бу ўз-



ўзидан оиладаги ўзаро тотувлик, бир-бирини суяш, бир-бирини асраш каби қадриятларнинг омонлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Алла қизим, ухласин-о, алла,
Ёмон тушлар кўрмасин-о, алла.
Акижоннинг эси кириб-о, алла,
Синглисини урмасин-о, алла.

Айрим аллаларда онанинг ҳасратлари, ғам ташвишлари, қайтда кечирган азоблари ҳам акс этади. Биз буни филология фанлари доктори М.Ёқуббекова таъкидлаганидек "ҳасрат аллалари"[32] каторига қўшамиз. Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Зиғир қишлоғида яшовчи Турсуной Тўхтасиновадан ёзиб олинган аллага диққат қилинг:

Жаҳонни излаб чиқиб-о, жоним болам, алла,
Топмадим бир меҳрибонниё, жоним болам, алла.
Оппоқ тилакларимни эшитгин-о, жоним болам, алла,
Катта бўлсанг меҳрибоним бўлгин, кўзим болам, алла[33].

Юқоридаги сатрлардан англаш мумкинки, кўрган-кечирганларидан озорланиб кетган она барча яхши ва ёруғ кунларни фарзандининг улғайишидан, камолга етишидан кутишини, фарзандининг дилозор бўлмаслигини тилайди. Халқимиз азалдан мусичага ҳам озор бермасликнинг тарафдори бўлиб келган. Оила муҳитида болаларга сингдирилган ахлоқ тамойилларининг асосийси ҳам одамларга яхшилик қилиш, яхшилик билан ном чиқариш, дилозорликдан йироқда бўлиш уқтирилган. Чунки бундай амалларга риоя қилмайдиган одамлар халқ ва жамият, миллат манфаати учун ҳам жонфидо бўлмаслигини англаб етганлар.

"Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақига

[32] Ёқуббекова М. Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси.– 11-бет.
[33] Алла айтай, жоним болам. –11-бет.

хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди"[34], – дейди Президентимиз Ислом Каримов.

Демак, оналар фарзандида айнан ана шундай инсоний хислатларни шакллантириш ва инсонийликка зид бўлган қусурларнинг пайдо бўлмаслиги учун педагог вазифасини ҳам бажарганлар.

Халқимиз азалдан болажон, жонимжонлиги билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Шундан ҳам гўдагига берадиган дашномида ҳам силталаш эмас, меҳр бор. Меҳр ва муҳаббат эзгу амалларга ҳамиша доя бўлган. Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Ғўс қишлоғида яшовчи Мунаввар Муҳаммади қизидан ёзиб олинган аллага диққат қилинг.

Алла, болам, қўндузим, алла,
Ором ол, қўзим, алла.
Тупроқ кечиб ўйнайсан,
Берсин-да тўзим, алла.
Алла болам, ал болам,
Гапга қулоқ сол, болам.
Алла қилсам ухлагин,
Тиллари асал болам[35].

Бу алла сатрларида ахлоқ-одобнинг энг юқори босқичи ҳисобланган меҳр-шафқат, муҳаббат акс этади. Она фарзандини йўлга солишда халқ педагогикасининг амалий воситаси бўлган аллалардан фойдаланади. Аллаларда бот-бот қўлланадиган қўндузим, қўзим сўзлари эркалаш, меҳрни ифодалаш воситаси сифатида қўлланган. Халқ педагогикасининг асрий тажрибаси меҳрга меҳр билан жавоб қайтишини кўрсатади.

[34] Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 53-бет.
[35] Алла айтай, жоним болам. – 9-10-бетлар.



Она алла давомида "алла болам, ал болам" сатрини ишлатган. "Ал" сўзи Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида тийрак, зийрак маъносида қўлланади. (таъкид ўзимизники). Одатда бундай болалар ҳамма нарсани тўғри тушунувчи, хулоса чиқарувчи шахс бўлиб камолга етадилар.

Она болани алқаш, мақташ воситасидан фойдаланиб унга янада кучлироқ таъсир қиладиган "асал" сўзини қўллайди. Бу сўз воситасида боласининг ўзи ҳам, феъл-атвори ҳам шунга муносиб бўлишини исташи намоён бўлади. Аллаларда бундай сатрларнинг ишлатилиши хулқ маданиятининг шаклланишида аҳамиятлидир.

"Метафора (истиора) бундай таъриф учун кенг йўл очади. Предметлар орасидаги ўхшашликка асосланган поэтик кўчим қўшиқ жанри имкониятларига жуда мос келади. Шунинг учун аллалардаги "болам" сўзи ўрнига "қўзичоғим", "туқличоғим", "мунчоғим", "қундузим", "юлдузим", "увоққинам", "гулим", "булбулим", "райҳоним" сўзлари ишлатилади"[36].

Аллаларга кичрайтирувчи сўзларни қўшиш эркалашни, суйишни кучайтиради. Бундай ташбеҳ боланинг онгига руҳий, ҳиссий кўприк орқали таъсир этади. "Аллаларда онанинг руҳий олами, ҳис-ҳаяжони, орзу-ниятлари ифодаланиб, уларда тарбия руҳи ҳам акс этади"[37].

Халқимизда асрлар давомида ботирлик, жасурлик, матонат каби хислатлар қадрланиб келган. Ватан остоналарини айнан мана шундай ботир ўғлонлар ҳимоя қилганлар. Халқ оғзаки ижоди сифатида таркиб топиб, бизнинг идеалларимизга айланган халқ қаҳрамонлари Гўрўғли, Равшанхон, Авазхон, Алпомиш образлари аслида ўғлонларнинг шулардек ботир ва қўрқмас бўлишини истаганлари туфайли ўйлаб топилган. "Ҳамма халқлар, жумладан,

[36] Ёқуббекова М. Ахлоқий тарбиянинг ибтидоси. – Андижон, 1986.-15-бет.
[37] Маҳмудова М. Оила ва халқ педагогикаси. // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2002. – № 1. – 38-бет.

ўзбеклар ҳам ўзларининг жасур, баҳодир, мард аждодлари билан фахрланиб келган. Эртак, достонларнинг бош қаҳрамонлари ана шундай кишилар бўлишган. Қўрқоқ, муте одамлардан доим нафратланишган. Чунки бундайларга ишониш – сувга суяниш. Қўрқоқлик, мутелик кўпинча сотқинликка олиб келган. Жасур, мардлари кўп миллатлар енгилмаган"[38].

Айнан мана шу қарашнинг амалий ифодаси сифатида фарзандларни ботирликка, мардликка, жасурликка, ватанпарварликка ундовчи аллалар ҳам талайгина. Бувилар, оналар бундай аллалари орқали Ватан сарҳадларини, остонани ҳимоя қилиш ўғлонларнинг вазифаси эканлигини таъкидлайдилар. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги кўчасида яшовчи Меҳринисо Омон қизидан ёзиб олинган аллада айнан мана шундай руҳ мавжуд.

Алишердай шоир бўлсин-ов, болам, алла,
Қарчиғайдай ғойир бўлсин-ов, болам, алла.
Жўраклари товдан баланд-ов, қўзим, алла,
Алпомишдай ботир бўлсин-ов, болам, алла.

Онанинг бу алласида фарзандининг улуғ одамларга эш бўлиши тиланади. Миллат, мамлакат ва жамият корига ярайдиган фарзандни тарбиялашни қайси она истамайди, дейсиз. Ўзбек халқ оғзаки ижодида "қарчиғайдай" сўзи бўрттириш, орттириш маъносида қўлланади (таъкид ўзимизники). Ўғлонларга таъриф беришда елкалари қирдай, арслон билакли, Алпомиш келбатли, ўхшатмалари қўлланади. Қарчиғай қуш тимсоли эса ботирлик, эрк, озодлик рамзидир. "Ғойир" сўзи Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида "ғайратли" сўзи ўрнида қўлланади. Бундан кўринадики она фарзандининг қарчиғайдек ғайратли, шижоатли бўлишини дилдан истайди.

[38] Қуронов М. Оталар китоби. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. – 53-бет.



Айнан онанинг, опа-сингилларнинг, оиланинг шаънини ана шундай ўғлонлар ҳимоя қила оладилар. Ҳар бир она фарзандининг қўрқмас, мард бўлишини орзу қилади. Аллададаги "жўраклари" – юраги тоғдан баланд бўлсин деган, тилак шунга ишорадир. Жумладан, "Алпомишдай ботир" бўлишини тилаш бу ниятни янада кучайтиради. Демак, она алласи орқали гўдакни улуғ ва улкан ишларга ундаш, элга муносиб фарзанд бўлишга чорлайди. Кўриниб турибдики, она ўз алласи орқали фарзандининг оилани, онани, элни, Ватанни ҳимоя қила оладиган, мард ва жасур бўлишини тилайди. Ҳар бир она гўдагини ардоқлаб камолга етказишни истайди. Унинг ширин сўзлари, эрка айтимлари, майин оҳанги боланинг кайфиятига, руҳиятига, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, бу ришта боланинг келажаги ва ўз ўрнида жамият, миллат, мамлакат, мустақиллигимиз келажаги учун ҳам муҳимдир. "Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввури фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамдир. Бу туйғу кишида миллатнинг тарихи, руҳияти, ҳозирги ҳолати ва хусусиятини тушуниш, ҳис қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг миллий қадриятларни англашини тасаввур қилиш қийин"[39].

Оналар алласи айнан ана шу инсоний тамойилларни болага танитади. Халқ педагогикасининг ажралмас бўлаги бўлган аллаларни ёш оналар билишлари, фарзандлар тарбиясида аллаларга суянишлари учун бу педагогик воситани кенгроқ тарғиб қилиш барчамиз бажаришимиз керак бўлган вазифадир. Элга муносиб фарзандлар жамиятнинг ривожланишига, эзгулик амалларининг умрбоқий бўлишига хизмат қилади. Мана шу жиҳатлари

[39] Тўленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 23-бет.

билан аллалар чинакамига қадриятлар ибтидоси, бешиги, халқ амалий педагогикасининг гавҳари, дейиш мумкин.

## АЛЛАЛАР ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, оила жамиятнинг негизи сифатида устувор аҳамият касб этди. Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилди. Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор бўлиши табиий. Чунки оилада келажакда жамиятда яшаши ва давлатнинг фуқаросига айланиши керак бўлган шахс дунёга келади, улғаяди ва унинг шаклланиш жараёнлари ана шу ижтимоий муҳитда қарор топади.

"Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади"[40].

Ёш авлодни маънавий, маърифий, жисмоний ва руҳий баркамол шахс сифатида тарбиялаш бугуннинг кечиктириб бўлмас долзарб масалаларидан биридир. Бу эса ўз навбатида олдимизга қатор вазифаларни қўяди. Тараққиёт ва ахборот асрида оилада улғаяётган ҳар бир бола тарбияси Давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги олдимизга қўйилган мақсад ҳамда вазифаларни изчил бажаришимизга имкон яратади. Оила жамиятнинг бугуни ва келажаги негизи эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV

[40] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – 52-бет.



боб, 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"[41], – дея кўрсатиб ўтилган. Демак, бу ҳужжат оилавий тарбиянинг нафақат алоҳида шахс, балки жамият учун ҳам муҳим эканлигини таъкидлайди. 1989 йили қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"га мувофиқ бола 18 ёшга етгунча бола ҳисобланади ва у яшашга, ақлан ва жисмонан ривожланишга, исми ва фуқаролиги бўлишига, оилада тарбияланишга, фикр, виждон ва диний эътиқод эркинлигига, таълим олишга, зўравонликсиз ҳаёт кечиришга, шахсий қадр-қиммати ҳурмат қилинишига ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Оила" кодекси 8-моддасида, жумладан, шундай дейилади: "Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланади"[42].

Юқорида қайд этилган муҳим ҳужжатларга мувофиқ, "Педагогика" фани ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уни жамиятнинг илғор қатлами сафига қўшиш масалалари ечими билан шуғулланар экан унинг яна бир кичик тармоғи ижтимоий педагогика ҳам бу борада ўз олдига қўйилган мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга изчил киришади. Демак, бола тарбиясида ижтимоий педагогиканинг алоҳида ўрни бор.

Президентимиз И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз беқиёс

[41] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Тошкент: Адолат – 2008. – 24-бет.
[42] Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.1-бўлим, 1-боб.-8 Модда. – Тошкент: Адолат, 2007. –6-бет.

аҳамият касб этади"[43] дейилади. Миллий-маънавий тарбия эса аллалар орқали бошланади.

"Алла халқ оғзаки ижодининг бола шахсида ота-онага, Ватанга, миллатга муҳаббат туйғусини энг дастлабки куртакларини шакллантирувчи воситаси сифатида майдонга келган. Алла воситасида бола миллий тил оҳангларига, бадиий идрокка ўргатиб борилади"[44]. Демак, аллалар болаларга ўз она тилини танитади, унинг имкониятларини, ёркин ва жозибадорлигини англатади. Қолаверса, бола алла орқали халқнинг кечаги куни ва бугуни ҳақида ҳам маълумот олади.

Аллалар қачон пайдо бўлган, унинг биринчи ижодкори, биринчи бастакори ва биринчи ижрочиси ким? Бу саволга аниқ жавоб айтиш ғоятда мушкул. Бу ҳодиса ер юзида она мақомининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, эҳтимол. Демак, алланинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Азалдан оналар фарзандини ухлатиш, ором олдиришни ўз бурчлари, деб билганлар. Ва бу борада алла оҳанги кучли омил бўлиб хизмат қилишини англаганлар. Шу тариқа онанинг меҳри йўғрилган оҳанг билан алла сўзлари пайдо бўлди. Демак, алла халқ педагогикасининг гўзал ва бетимсол амалий воситасидир. Унинг барча халқларда учраши ва номланишида қандайдир маънода уйғунлик борлиги фикримизни исботлайди. Она бешикнинг тебранишига мос равишда сўзларни тизади. Оҳанг ҳам ана шу ҳаракат билан уйғунлашади. Демак, бир вақтнинг ўзида жозибадор сўз, тебранма ҳаракат ва шунга мос оҳанг биргаликда боланинг руҳиятига таъсир қилади. Аллалар сатрлари шунчаки ухлатиш учунгина, эрмак ўрнида тузилмайди. Уларда тарбия руҳи ҳукмрон.

Алла, болам, бахтиёр,

[43] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, – 4-бет.
[44] Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. – Тошкент: Фан, 1993, –100-бет.



Ҳар нарсанинг вақти бор.
Эрка болам, аллаё,
Сарка болам, аллаё[45].

Бу аллада фарзанднинг онаси учун қанчалар суйимли бўлишидан ташқари, меъёрни эслатиш принциплари мавжуд. Халқда "бола азиз, одоби ундан азиз", деган доно нақл бор. Демак, она фарзандига одоб-ахлоқни алла воситасида сингдиряпти.

Онажонининг гул боғи, алла,
Отажонининг зўр боғи, алла.
Алла айтиб ухлатайин, алла,
Қўшиқ айтиб кувнатайин, алла[46].

Бу аллаларда онанинг руҳияти, кайфияти, орзулари, фарзандига ният-тилаклари акс этади. Фарзанди улғайиб, онажонининг орзулари ушалиши, отасининг суянган тоғи, ишонган боғи бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шу билан бирга фарзандининг кўнглини қувнатишни ҳам она унутмайди. Аслида ҳар томонлама маърифатли, маънавиятли фарзандларгина улғайганда ота-онасига шон-шараф келтириши азалдан маълум. Она буни эркалаш, суйиш орқали ифодалаяпти.

Айтиш жоизки, ҳар томонлама соғлом, маърифий ва маънавий баркамол шахсни, Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамловчи ёш авлодни вояга етказишда халқ педагогикасининг муҳим бир воситаси бўлган аллалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ёш оналар, момо-бувилар, турмуш остонасида турган қизлар ҳамда мактабгача таълим муассасаси ходимлари олдига улкан вазифалар қўяди. Зеро юксак маънавиятли шахс тарбияси бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

[45] Алла айтай, жоним болам, – 9-бет.
[46] Ёқуббекова М. Аллаларда онанинг оппоқ орзуси, –17-бет.

# АЛЛАЛАРДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯСИ

Халқимиз асрлар давомида оилани муқаддас билган, унинг анъаналарини эъзозлаган. Бу муқаддас кўрғоннинг ўз қонун-қоидалари, ақидалари мавжуд. Оилада тарбияланаётган болаларнинг одобли, ахлоқли, меҳнатсевар, мард ва жасур бўлиб улғайишларига алоҳида эътибор билан қаралган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг оила анъаналарини муқаддас билганлиги, ўғилларини уйлантириш чоғида келин танлашни давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги бизга маълум. Чунки келинлар фарзандни тарбиялашда маърифий, маънавий қадриятларни байроқ қилсалар бу фарзанд шажаранинг, мамлакатнинг обрўсига обрў қўшган. Кўриниб турибдики, асрлар оша сайқалланиб яшаб келаётган халқ педагогикаси ҳамиша ўзининг афзал томонларини намоён этиб келган.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний "Мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашига боғлиқ, одамнинг бахти эса унинг билим ва маърифатида"[47], – деб ёзади. Бугунги кунда ҳам фарзандлар ҳар томонлама комил инсон бўлиб улғайишида биз оила маърифатига суянамиз. Чунки маънавий-маърифий тоза иқлимли оилада тарбия топган фарзандлар мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишида, Ватанимиз тараққиётида, юртимиз тинчлигида камарбаста бўлади. Гўдаклигидан шарқона урф-одатлар, қадриятларни оила кўмагида таниган, миллий меросимиз ва тарихимизни билган фарзандлар келажакда руҳан тетиклиги, курашувчанлиги, фидойилиги билан бошқалардан фарқ қилади.

"Платоннинг инсон камолотида ижтимоий тарбиянинг роли ва унинг асоси мактабгача тарбияда вужудга келиши

[47] Қаранг: Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2003. – 432-бет.



ҳақидаги ғоялари педагогика фани тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлди"[48]. Мактабгача тарбия эса кичик ижтимоий гуруҳ – оила билан боғлиқ. Оилада тарбия ота-онанинг шахсий ибрати орқали, турли воситалар ёрдамида амалга оширилади. Биз қомусий олим Абу Али ибн Синонинг "мантиқ ёрдамида инсон ҳақиқий билимни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади" деган фикрига таяниб мулоҳазаларимизни далиллашга ҳаракат қиламиз.

З.Миртурсунов "топишмоқлар – хусусан болаларнинг ақлий тарбияси бобида: мақоллар – одоб ва ахлоқий тарбия бўйича, қўшиқлар – эстетик тарбия юзасидан, эртак ва достонлар эса тарбиянинг жами таркибий қисми бўйича ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг воситаси бўлиб келган" [49], дея таъкидлайди. Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, тарбиянинг дастлабки пиллапояси оила муҳити билан боғлиқ. Бундай пайт бизга ҳамиша халқ педагогикаси ёрдамга келади. Айнан аллалар халқ педагогикасининг воситаси сифатида вужудга келган.

Шундай аллалар борки уларда ахлоқий қарашлар жамланган. Она фарзандини маърифатли, маънавиятли бўлишга ундайди. Андижон вилояти Балиқчи туманида яшовчи Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинган аллада мана бундай сатрлар бор.

Аллалар айтсам кувонгин, алла,
Онагинангга суянгин, алла.
Аллаларнинг оти бор-а, болам, алла,
Чўнтакларида хати бор-а, болам, алла.
У хатларни ўқисам-а, болам, алла
Жаҳонгирнинг оти бор-а, кўзим, алла[50].

[48] Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., ва бошқ. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 11-12-бетлар.
[49] Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 26-27-бетлар.
[50] Алла айтай, жоним болам. –12-бет.

Бу аллада халқ учун улуғ ишлар қилган одамларнинг ҳурмат-иззат билан тилга олиниши, уларнинг унутилмаслиги содда ва самимий баён қилинган. Халқ педагогикаси тарбияда бундай усулнинг қўлланишини мақбул ҳолат, деб қарайди. Бундай руҳда аллани тинглаб улғайган фарзанд ҳаётда комил инсон бўлишга интилади. Шак-шубҳасиз миллат тарихидагина эмас, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган донишманд боболаримиз волидаларининг ана шундай маърифатли аллаларини тинглаб улғайганлар.

Хусусан, М.Ёқуббекова XI асрнинг буюк тилшуноси, фольклоршуноси Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида балу-балу, сўзини келтиради ва бу сўзни оналар боласини бешикда ухлатиш учун куйлайдиган сўз экани ҳақида маълумот беради. Англашиладики, X1 асрда қўшиқнинг номини белгиловчи сўз, балу-балу экан. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳодга уйқу келтириш учун қўшиқ куйлангани ҳақида қуйидагича маълумот бор:

Кўзининг нози элдин элтиб уйқу,
Анга уйқу келтирмакка навоғу.

Оила педагогикасида бола асосий тарбияни беш ёшгача олади, деган қараш мавжуд. Бундай тарбияда ота-она, момо-бува ҳамда оиланинг барча аъзолари педагог вазифасини бажарадилар. Лекин бирламчи педагог - онадир. “Оила тарбияси ўз хусусиятига кўра бошқа ҳар қандай тарбиядан афзалдир. Унинг асосий омили ота-онанинг фарзандларига муҳаббати ва бунга жавобан болаларнинг ўз ота-оналарига меҳру оқибатидир. Бола, айниқса, илк ёшларида кўпроқ оиланинг таъсирида бўлади. Оила кичкинтойни аста-секин кичик ижтимоий гуруҳдан катта ижтимоий ҳаётга олиб чиқиш, унга кўникма ҳосил қилиш ҳамда унинг фикр доирасини кенгайтириб боришга қодир даргоҳдир”[51].

[51] Норбоева Ф. Оила ва педагог ҳамкорлиги // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2002, № 3. – 11-бет.



Меҳрибон ва мушфиқ онанинг эркалаб, ардоқлаб айтган аллалари ана шу тарбияга заминдир. Ана шу аллалар орқали болага педагогик таъсир кўрсатади.

Тоғдаги гулим, алла,
Уйдаги булбулим, алла.
Онаси япроғим, алла
Боласи юмшоғим, алла.

Бу аллада меҳрли, оқибатли, мурувватли бўлишга, одамларга эзгу ниятли бўлишга ишора бор. Одамларга оқибат назари билан қараш меҳрришталарини мустаҳкамлаши, ўзаро тинчлик, ҳамжиҳатликка пойдевор бўлиши исботланган. Қолаверса, бу алладаги сўзлар шу қадар табиий ва миллийки, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Фарзандни тоғдаги энг нафис гулга ўхшатиш, овозини булбул сайрашига менгзаш қанчалар чиройли ва таъсирчан.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади”[52], – дея таъкидлайди. Аллалардаги ана шу миллий руҳ, миллий туйғулар, миллий ўй-кечинмалар алла айтувчининг миллий ифтихори сифатида намоён бўлади ва бу боланинг онгига, шуурига сингиб боради. Шак-шубҳасиз алла сатрлари овоз, оҳанг, ҳис-туйғу орқали бола руҳиятига таъсир қилади. Демак, аллалар фақат ором қўшиқлари эмас балки маънавият дарси, маърифат дарси ҳам экан. Зеро буюк педагог Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Тарбияни кимлар қилур? Қандай қилур?” деган саволга “Биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур” деб жавоб беради. Бундан ёш оналаримиз албатта хулоса чиқариб оладилар.

[52] Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 77-бет.

## АЛЛАЛАРДА УМИДБАХШЛИК ҒОЯЛАРИ

Асрлар, минг йилликлар оша ота-боболаримиз фарзанд тарбиясини энг устувор вазифалардан бири, деб қараганлар. Чунки яхши тарбияланган фарзанд нафақат ота-она, уруғ-аймоқ, шажаранинг ҳам обрўсини юксалтирган. Инсоннинг шаън-шавкатини унинг неча йил умр кўргани эмас, эзгу ишлари билан маърифатга, маънавиятга, абадиятга не чоғлик дахлдорлиги белгилайди. Оила болани шахс сифатида тарбияловчи маскандир. Боланинг характери, шахсий фазилатлари ёки кусурларига оилада пойдевор қўйилади. Биз болага ҳамма қизиққан, интилган нарсаларига табу ёки ҳамма хоҳишларига яшил чироқ қўйиш йўли билан тарбия беролмаймиз. Энг одил тарбия – бу шахсий ўрнак бўлишимиз ва меҳримизни тўғри англатишимиздир.

“Оила, оила аъзоларининг, айниқса, ота-онанинг ахлоқий-маънавий етуклиги ва маърифий қарашлари фарзанд тарбияси ва камолида энг зарур ва муҳим омиллардан ҳисобланади”[53].

Олиманинг фикрларини қувватлаган ҳолда, жумладан, бувининг, онанинг эркалаб, суйиб айтган аллалари ҳам бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Инсон умрининг энг муҳим даври саналган болаликда она алласини эшитиб улғайган болалар бошқаларга нисбатан меҳр-шафқатли, оқибатли, саховатли, ғурурли, шижоатли, ватанпарвар бўлиб улғаядилар. Чунки болалик деб аталган энг тоза даврда кўнгилдан кўнгилга қуйилган сўзлар тизими ва оҳанг боланинг хотирасига ўчмас бўлиб муҳрланади. Шунинг учун ҳам аллаларда меҳнаткашлик, ишчанликни мадҳ этувчи сатрлар учрайди.

Алла десам, боқармисан, алла,

[53] Каримова В. Оила маърифати. – 26-бет.



Тол таёгин тоқармисан, алла.
Элнинг қўйини боқиб, алла,
Элатингга ёқармисан, алла.

Бу аллада инсон фақат меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, ростгўйлиги билан элга ёқиши таъкидланади. Халқимизда меҳнат билан боғлиқ мақоллар жуда кўп. “Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат”, “Меҳнат қилган элда азиз” каби мақоллар орқали ўз фарзандларига маънавий сабоқ берадилар. Айнан аллаларда бундай ташбеҳнинг қўлланиши болаларнинг руҳиятига мақолларнинг таъсирини сингдиришдан бирмунча олдин бошланганлиги ўзига хос жиҳат ҳисобланади.

Биз фарзандларимизга тинчликнинг қадрини, қимматини, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини оддий сўз билан эмас, аллалар орқали изоҳласак, у таъсирлироқ бўлади. Чунки ором олишга шайланган мурғак вужуд онанинг соҳир овози билан интраётган, юракдан чиқаётган бу оҳангни жимитдай юраги билан қабул қилади.

Онаману онаман, алла,
Болам учун ёнаман, алла,
Болам тинчликда ўсса, алла,
Орзуларга қонаман, алла.

Халқимиз тарихида тинчликни асраш сиёсати ҳамиша устувор вазифалардан бири бўлган. Миллатлар, элатлар ўртасида ўзаро тотувлик, қуда-андачилик, борди-келди муносабатлари ҳамиша қадрланган. Чунки айнан мана шундай аҳиллик, барқарорлик, тинчлик энг аввало оналарнинг истаги бўлган.

Мамлакатимиз ўз тараққиётига жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш орқали эришишдек ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаганлиги сир эмас. Юртбошимиз Ислом Каримов “Бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада

ривожланган юксак маданий демократик давлатлар билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиш учун йўл очиб бераётган нарса фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликдир",[54] дея таъкидлайдилар.

Мана шу оқилона сиёсатга жавобан ўзбек оналари ўз аллаларида фарзандига тинчликнинг қадри, қимматининг нечоғлик бебаҳо эканлигини куйлайдилар ва бу билан юртимиз тинчлиги, осойишталигига камарбаста фарзандларни тарбиялаб борадилар.

"Оналарнинг жажжи полапонига қаратилган жўшқин муҳаббатнинг, фидойиликнинг энг нозик томонлари алла куйлаш жараёнида ўзининг барча қирралари билан намоён бўлади. Суюкли фарзанд онанинг бу сеҳрли қўшиғини тинглаб ором олиш билан бирга меҳру садоқат сабоғини ҳам дилига жо қилади"[55].

Дарҳақиқат, инсонда меҳр, садоқат деган юксак инсоний қадриятларнинг шаклланиб бориши жамият ҳаётида ҳам қанчалар муҳим. Меҳр сўзининг, садоқат сўзининг нима эканлигини онгли равишда тушунган, шу руҳда тарбияланган инсон энг аввал халқига, ватанига меҳр ва садоқат кўрсата олади. Аслида, меҳр ва садоқатнинг энг юксак қирралари унинг оилага, Ватанга ва ота-онага кўрсатилганлигида намоён бўлган. Демак, алла эшитмай улғайган болаларда кузатиладиган бир қадар раҳмсизлик, оқибатсизлик, лоқайдлик уларнинг руҳиятидаги маънавий кемтикликдир.

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Чимқўрғон кўчасида яшаган Хадича Худойқулговбой қизидан 1989 йили ёзиб олинган мана бу аллага диққат қилинг:

Мохлойингнинг чачидан,
Монғит момонг айлансин.

[54] Каримов И. Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995, –263-бет.
[55] Ёкуббекова М. Аллаларда онанинг оппоқ орзуси. – 12-бет.



Оркангдаги чачингдан
Ортиқ момонг айлансин.
Зардолининг ғуласи,
Айлансин бундан бўласи.
Чойдишларнинг шаммаси,
Айлансин бундан аммаси.

Эътибор қилинг, ҳали дунёни англамаган гўдак шуурига она ўзининг меҳру муҳаббатидан ташқари яқин қариндошларининг ҳам меҳрини, исми шарифини алла воситасида сингдиряпти. Бола танимаган, эшитмаган одамларнинг исмини қўшиб куйляпти. Гўдак шуури билан бу исмлардан тафт оляпти. Қолаверса, она бу алласида қадрдон ва жайдари сўзларни, лаҳжаларни ҳам жой-жойида тера олган. У фарзандининг қулоғига унутилиб кетган сўзларни ҳам шундай моҳирона таъкидлаяптики, бу ҳам ўз ўрнида катта аҳамиятга эга. Чунки инсон, аввало, ўз она тилини билиши, қадрлай олиши керак. Она янада ёрқинроқ сўзларни териб айтади:

Жовринлари жорқиллаб
Тўнлар кийсин, алла-ё.
Бўйраклари булкиллаб,
Бедов минсин, алла-ё.

Бу қуйма сўзлар хазинаси болага онанинг чексиз муҳаббати, унинг камолини, учқур чавандоз бўлишини исташидан суюнчи олмаяптими? Қолаверса, болакайга ўзи туғилиб ўсган ҳудудга хос бўлган, жайдари, бир қадар унутилган сўзлар билан алла айтиляптики, бу билан она фарзандига лаҳжалар бўйича сабоқ ҳам беряпти. Жумладан, халқда азалдан эр йигитнинг қаноти, энг яқин дўсти вафодори от, деган тушунча бор. Ҳатто от ярим тунгача ўзига, ярим тундан сўнг эгасига умр ва мурод тилармиш, деган ақидага ҳам ишонадилар. Шу маънода, фарзандининг ёнида

садоқатли дўстларнинг бўлиши, фарзандининг уларга ҳам оқибатли бўлиши нозик сўзлар билан таъкидланяпти.

Муаллиф томонидан Тошкент вилояти Бўка туманида яшовчи Фотима ая Эргашевадан 1998 йили ёзиб олинган аллага диққат қилинг:

Сенга алла айтаман,
Алла болам, алла.
Сояларингда ётаман,
Жоним болам, алла.
Сендан келар гул иси,
Алла болам, алла.
Севганимнинг ёлғизи,
Жоним болам, алла.

Бу аллада онанинг энг юксак орзуси - фарзанддан фахрланиш бахти акс этади. Чунки ер юзидаги ҳар бир она фарзанди улғайганда унинг давру даврони насиб этишини истайди. Қолаверса, алладаги нафис сўзлар тизими билан болани эркалаш, гўдакдан гулнинг муаттар иси келаётганини айта билиш ва бу бола суйганига ҳам тегишли эканини таъкидлаш қанчалар мароқли. Бу сатрлар ҳам боланинг онгига кўзга кўринмас бир тарзда сингиб боради.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида яшовчи Нилуфар Аслоновадан 1996 йили ёзиб олинган алла эса янада жозибадор:

Алла қилсин, полвоним,
Бешикларин тебратай, алла.
Беланчаги устига, алла
Оймомони қаратай, алла.
Бошингдаги зар сочинг,
Каптарларга таратай, алла.

Оймомони гўдаги бешиги устидан қаратган, олтин кокилларини каптарларга таратган она. Бу ерда оймомо, каптар сўзининг ишлатилиши меҳр-муҳаббат, тўлиқ бахт,



тинчлик рамзи сифатида таъкидланади. Алладаги бу сўзлар онанинг боласига меҳр изҳори, яхшилик тилаши, ҳаёти бутун бўлишини исташи билан изоҳланади.

Биз томонимиздан 1998 йили Чирчиқ шаҳрида яшовчи Юлдузхон Усматовадан ёзиб олинган аллага ҳам диққат қилинг:

Бешигингнинг қошига,
Жоним болам, алла.
Қўш каптарлар қўндирдим,
Эрка болам, алла.
Сенинг учун давлатни,
Жоним болам, алла.
Йўқ жойлардан йўндирдим,
Эрка болам, алла.

Бу аллада ҳам каптар, яна қўш каптар сўзи мароқ билан ишлатилган. Айнан қўшалоқ каптарнинг ташбеҳ сифатида келтирилиши ҳаётинг жуфтликда ўтсин, қатордаги норларинг омон бўлсин, деган тилакни ўта нозик сўзлар тизими билан ифодалайди. Қолаверса, она қўш каптар тимсолида тинчликка, омонликка ишора қиляпти. Алладаги бу каби гўзал ташбеҳлар ўзбек тилининг қанчалар жозибадор ва бойлигини ҳам таъкидлайди.

Халқимизда отанинг қадри, қиммати, обрўйи юксак қадрланади. Ота келмасдан дастурхонга қўл узатиш, ота айтиши керак бўлган гапни айтиш, отанинг олдида гапдонлик қилиш, ота ўтирган уйнинг томига чиқиш каби қатор ҳолатларга табу қўйиладики, бу юқорида айтганимиздек ота шахсини улуғловчи хатти-ҳаракатлардир. Лекин шуни унутмаслик керакки, айнан мана шундай ўзбекона талаблар оила педагогикасининг вазифалари сифатида муҳимдир. Она педагог сифатида фарзандидан бу кўрсатмаларни сўзсиз бажаришини талаб қилган ва назорат қилган.

Халқ амалий педагогикасининг бетимсол воситаси саналган аллаларда ҳам мана шундай руҳ ҳукмрон. Энг аввало, аллаларда ота шахси турлича кўринишларда улуғланади. Қайси бир она "севганимнинг ёлғизи, жоним болам, алла" деса, яна бири:

Ойисининг қўнғироғи,
Алла болам, алла.
Дадасининг чақмоқ чироғи,
Жоним болам, алла, – деб айтади.

Бу аллада фарзандининг улғайиб отасини қадрлаши, унинг кўнглига меҳр билан чироқ ёқиши айтиб ўтилади. Чирчиқ шаҳридан Юлдузхон Усматова бу тарбияни мана бундай ифодалайди:

Тилаб, тилаб олганим,
Тилов болам, аллаё.
Қаҳратонни куйдирар
Олов болам, аллаё.
Онасининг суянчиғи,
Жоним болам, аллаё.
Дадасининг кунига,
 Яров болам, аллаё.

Аллада журъатли, жасоратли, оёғидан ўт чақнаган фарзанд эрта бир кун келиб ота-онасининг кунига ярасин, уларга меҳр-оқибат кўрсатсин, деган тилак намоён. Аслида халқимизнинг энг бебаҳо қадриятларидан бири ҳам меҳр, оқибатдир.

Халқимизда яна бир ибратли ёндашув борки, ота томонидан бирор хатога йўл қўйилса ҳам она буни боласига тўғридан-тўғри етказмайди. Авайлаб, асраб, фарзандининг кўнглига тегмайдиган услубда, маҳорат билан англатади. Ургутлик Шоира Маҳмуд қизи айтган аллага диққат қилинг:

Алла, боламни, боқаман,
Устига кўрпа ёпаман.



Бош олиб кетган отангни,
Энди қайдан топаман.

Эътибор қиляпсизми, ота оилани ташлаб кетган. Аммо бунинг учун она ўзини янада масъулроқ ҳис қилади. Боласини ташлаб қўймаслигини, уни азиз билиб асрашини, хатто отагинангни қайдан топаман деб ширин нолиб қўядики, бу билан фарзанди улғайиб ота бўлганда унинг бурчлари, вазифалари борлигини эслатиб қўяди. Болани ёмон хулқ, ножўя хатти-ҳаракат қилмасликка чоғлайди. Бола шахсини тарбиялаб боради.

Она алла айтаётган лаҳзада ички туғёнлари боис шоирга, бастакорга, ҳофизага, мусаввирга, тарбиячига айланадики, бу узвий кетма-кетлик шубҳасиз бола тарбиясида аҳамиятлидир. Бундай тарбиявий жиҳатдан юксак аллалар шак-шубҳасиз болаларнинг маърифий, маънавий ва руҳий томондан баркамол бўлиб улғайишига ҳисса қўшади. Халқда юракдан чиққан гап юракка етиб боради, деган нақл бор. Биз тарбиялаётган фарзандларимиз эл корига ярашини, жамиятда керакли инсон, шахс бўлиб камолга етишини истаймизми? Демак, уларнинг камолоти йўлида халқ педагогикаси, донишмандлиги воситаси саналган аллалардан унумли фойдаланайлик.

## АЛЛА ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ

Республикамизда болалар ва уларнинг ҳақ-ҳуқукларини ҳимоялаш, шахс сифатида шакллантириш, янада бахтлироқ қилиш Ўзбекистон сиёсатининг пойдеворини ташкил этади. Бола шахси юртимизда мамлакат сиёсатининг гултожи ҳисобланади. Унинг ақлан, маънан ва жисмонан бақувват бўлиб тарбияланишининг амалга оширилиши босқичма-босқич йўлга қўйилган. Она – Меҳр – Бола. Бу олтин учлик Президентимиз юргизаётган сиёсатнинг мазмунидир.

Маънавий тарбия масаласини ўзбек халқ педагогикасининг қадрият сифатида қадрланиши туфайли йўлга қўйилиши мумкинлигини республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач эришилган натижалар туфайли англаш қийин эмас. Юртимизда айнан мана шу масалаға жиддий эътибор берилиши ўзининг бекиёс самарасини берди. Оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси, мактаб ҳамкорлигининг юқори даражада йўлга қўйилиши фикримиз исботидир.

“Ўзбек халқ педагогикаси ёшларда маънавий-ахлоқий малакаларни тарбиялаш учун, биринчи навбатда болаларни ўзига яқин кишиларга – ота-она, ака-ука ва оиладаги катталарга бўлган самимий муҳаббат туйғуларини тарбиялаб вояга етказиш зарурлигини кўрсатади. Маълумки, кишиларнинг, шу жумладан болаларнинг ота-она ва катталарга бўлган меҳрибонлиги, ғамхўрлиги туғма ҳодисалар бўлмай, тарбия натижасидагина шаклланиши мумкин бўлган фазилатлардир”[56]. Жумладан, олима оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларини тадқиқот этиш билан шуғулланар экан қатор воситалар –

[56] Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. –Тошкент:ТДПУ,1999. –86-87-бетлар.



эртак, мақол, матал, ривоят, достонлар ва турли хил ўзаро муносабатларни санайди ва улар билан боғлиқ методик тавсиялар беради. Бизнингча, бола шахсини тарбиялашда дастлабки мезон аллалардир. Алла тинглаб, ундан рағбатланиб, қувват олган болагина навбатдаги воситаларни қабул қилиш салоҳиятига эга бўлади.

"Тарбия назариясида эришилган ютуқларни умумлаштирган ҳолда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини белгиловчи асосий тамойиллар сирасига миллий мафкуравий йўналтирилганлик, нопартиявийлик, таълим ва тарбия бирлиги, ҳаётийлик, яхлитлик, онг ва хулқ-атвор бирлиги, амалийлик, оммавийлик, болалар ташаббусини қадрлаш, ўзаро хурмат, яхши фазилатларни рағбатлантириш, ёмон сифатларга қарши маърифий кураш, ўқувчиларнинг ёш, ақлий, жинсий хусусиятларини инобатга олиш, узвийлик, маънавий-маърифий ишлар омиллари таъсирининг мувофиқлашганлиги киради”[57].

Ушбу тизимда фаолият олиб борадиган мутахассисларнинг ақлан ва маънан баркамоллиги келажак авлодимиз бўлган мактабгача ёшдаги болаларни умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш каби муҳим вазифанинг қай даражада бажарилишини таъминлайди. Педагогика фани ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уни жамиятнинг илғор қатлами сафига қўшиш масалалари ечими билан шуғулланар экан унинг яна бир кичик тармоғи ижтимоий педагогика ҳам бу борада ўз олдига қўйган мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга изчил киришади.

Биз болалар тарбиясида замонавий педагогик технологияларга суянар эканмиз энг аввало миллий-маънавий қадриятларимизни уларнинг онгига чуқурроқ сингдиришимиз лозим бўлади.

[57] Усмонов С. Маънавият – умуминсоний қадрият // Бошланғич таълим. –Тошкент, 2002. –№4, Б.2-3.

“Комилликка интилувчи инсонларни Ҳазрати Навоий ўз даврида “аҳли маъни” деб атаган эди. Фикрлашида маъни чуқур бўлган инсон ҳамма нарса тўғрисида мустақил мушоҳада қила олади. Одам ва олам тақдирига виждон билан қараш қобилияти шаклланади”[58].

Бошланғич тарбия – она тарбияси юқорида таъкидлаганимиздек энг аввало халқ педагогикасининг муҳим воситаси саналган аллалар орқали бошланади. Аллалар меҳр-оқибат, инсонийлик, ватанпарварлик, яхшилик, эзгуликни болалар руҳиятига муҳрлайди. Алла қўшиқлари тинглаб улғайган бола мард, жасур, қўрқмас, полвон бўлишга интилади, ҳаракат қилади. “Жамиятдаги содир бўлаётган воқеаларга назар солсангиз кўплаб жиноятлар тарбия муҳити носоғлом оилаларда тарбияланган инсонлар томонидан содир этиляпти. Мен аминманки бу инсонлар маънавий ва маърифий тарбиянинг дастлабки куртаги бўлмиш она алласини тингламай катта бўлганлар. Мен болаларимнинг уйқу соатларида бир пайтлар раҳматли онам Озодахон опа айтган аллаларни айтиб, уларни ором олдирганман. Мана шу аллалар орқали фарзандларимда бувисига бўлган меҳрни, яхшиликни, яхшиларни унутиб бўлмаслик каби фазилатларни сингдира олдим. Бундай фазилатлар сингдирилган болалар қадриятларни қадрловчи бўлиб улғаядилар”, – дейди филология фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Умумий тилшунослик” кафедраси профессори Саодат Муҳамедова. Алла тинглаб улғайган болаларда ўз-ўзидан одамларга яхшилик қилиш, атрофдагиларни асраш-авайлаш, табиатга меҳр қўйиш каби тушунчалар шаклланади. Асрлар давомида донишманд момоларимиз фарзандларини ана шу йўсинда тарбиялаганлар ва халқимиз орасидан юзлаб аҳли донишлар, улуғ

[58] В.Каримова. Оила маърифати. – 42-бет.



мутафаккирлар, тиббиёт ва шеърият мулкининг, илми нужумнинг султонлари етишиб чиққанлар.

Геология-минералогия фанлари доктори, профессор Б.Исахўжаев “Онам алла айтганларида бошқа акаларимни билмадим, аммо мен бошқача бўлиб қолардим. Тезроқ улғайгим, онамга ўзимнинг яхши бола эканлигимни тезроқ исботлагим келиб кетарди. Катта бўлиб бир одам бўлсамки, онам буни кўриб яшнаб, яшариб кетсалар, деб орзу қилардим”, – дейдилар.

“Сотқиной бувимнинг роҳатбахш аллаларини тингламаганимда эҳтимол мен таниқли рассом бўлолмасдим. Бувим менинг болалигим ўтган Наманган вилояти Поп туманидаги Санг қишлоғининг бетакрор манзараларини, кузда боғларга ҳусн берадиган қизил жоноқи олмаларни қўшиб шундай алла айтардиларки, мен алладаги айнан мана шу манзараларнинг суратини оддий дафтар қоғозига чиза бошлаганман”, – дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов.

Оналар фарзандларини нафақат ором олдириш учун алла айтадилар, балки аллалар орқали ўзларининг тилак-истакларини ҳам изҳор қиладилар. Фарзандининг қандай инсон бўлишини она тасаввур қилади ва аллаларга айнан ана шу ниятларини жо этади. “Мен боламни юлдузим, менинг ҳимоячим, арслоним, деб алла айтганман. Ана шу айтганларим ижобат бўлди”, – деган эдилар бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевнинг онаси Тўрахон ая биз билан суҳбатда.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, онанинг истаклари ҳиссий кўприк орқали боланинг онгига муҳрланади. Вақти келиб ана шу руҳда тарбияланган бола, албатта, мушфиқ онасининг ниятлари руёбга чиқиши учун курашади, ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровнинг онаси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Навоий кўчасида яшовчи Саодат ая Собирова ҳам 1998 йили "Равзаи жаннат боғи" кўрсатувида айнан ана шундай фикрларни бизга билдирганлар. "Бизнинг болалик пайтларимиз қиш жуда совуқ келарди. Ҳозирги Хастимом мажмуи атрофидаги эски ҳовлида яшардик. Онам ҳар куни кечқурун укамнинг бешигини тебратиб алла айтардилар. Алла шундай оромбахш эдики, мен исиб кетаётганимни ҳис қилардим. Тезроқ катта бўлиб онагинамни ёруғликка олиб чиқсам, деб орзу қилардим", – дейди Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри бош режиссёри Баҳодир Назаров 2010 йил 16 ноябрь куни "Машъал" радиосида эфирга узатилган "Умр зийнати" муаллифлик эшиттиришида.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, фарзандлар фақат болалигида алла эшитишни истабгина қолмай бу истак улар улғайиб, ҳатто ҳаётда ўз ўринларини топгандан кейин ҳам эҳтиёж сифатида давом этар экан. "Бир куни қизим ишдан жуда хомуш бўлиб қайтди. Унинг ўпкаси тўлиб турарди. У менинг тиззамга бош қўйди-да "алла айтиб беринг, ойижон", деди. Мен катта бир ташкилотда ишлайдиган, ёши ўттиздан ошган қизимга алла айта бошладим. Ва унинг кайфиятига қараб дунёда меҳр борлигини, шафқатли инсонлар кўплигини, муаммолар олдида инсон кучли бўлиши кераклигини сатрларга сингдирдим. Қизим қаттиқ ухлаб қолди ва уйқудан ҳамма ташвишларини унутиб уйғонди", – дейди биз билан суҳбатда қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари Университети "Табиий фанлар" кафедраси мудири, профессор Дилором Ёрматова. Хусусан, инсон қаттиқ руҳий зўриқиш олганда уни бундай ҳолатдан она алласи чиқара олар экан. Демак, аллаларда Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек шифобахшлик хусусиятлари ҳам бор экан.



Лекин республикамизда яшаётган болалар юз фоиз оила бағридами? Юртимизда фаолият олиб бораётган "Меҳрибонлик уй"лари, "Гўдаклар уй"лари, Ақли заиф болалар мактаб-интернатларида минглаб болалар тарбиячи-педагог назоратида. Уларнинг аллаларга бўлган эҳтиёжи қандай услублар орқали қондирилади? Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги меҳрибонлик уйида, Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйида, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 22-меҳрибонлик уйида, Шаҳрисабздаги "Гўдаклар уйи"да, Чироқчи туманидаги 37-ақли заиф болалар мактаб-интернатларида бўлганимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, таълим ва тарбия бериш юқори савияда ташкил этилганлигига гувоҳ бўлдик. Аммо болаларнинг бизга берган интервьюларида онасини соғинаётганлиги, алла эшитгиси келаётганлиги бот-бот такрорланади. Бу ердаги болалар айнан онаси билан бўладиган ана шу руҳий яқдилликни истайдилар, кутадилар. Демак, мактабгача таълим мутахассисларини тайёрлашда бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Улар оила бағридан узоқда тарбияланаётган гўдакларнинг ором соатларида сокин ва меҳрли овозда алла куйлашлари, ҳар бир болага ўз онасидек меҳр билан сатрлар тиза олишлари қанчалик муҳим? Улғаётган бола онгида меҳр-оқибат, мурувват, саховат каби уруғларнинг униши айнан ана шундай аллалар эшитиш билан боғлиқдир. Аллалар сатрларига руҳан юксалтирувчи, шижоатга чорловчи, ҳаётдаги турли муаммоларни енгиб ўтишда курашга ундовчи сўзларнинг киритилиши эса янада аҳамиятли. Хусусан, аллалар болаларнинг маънавий комил инсон бўлиб улғайишларидан ташқари ўз она тилидаги сўз бойлигини эртароқ эгаллашига, луғавий хазинасини бойитишига яхши имкон беради. Аллалардаги қуйма сатрлар, нафис жумлалар боланинг хотирасида бир умрга муҳрланади.

Оиладан узоқда яшаётган болаларнинг бундай руҳий эҳтиёжини таъминлаш орқали қадим Шарқ педагогикасининг энг афзал томонларини янада ривожлантирган бўламиз. Бу борада сўровномалар, тестлар ўтказилиб ва шулар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилади. Жумладан, "Алла уйи" маданий-маърифий маркази талабаларни ўзбек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, туркман тожик, рус, грузин ва бошқа қатор тиллардаги алла матнлари билан таъминлаш ва амалиётни ўташлари учун мактабгача таълим мутахассислари тайёрлаётган даргоҳларга яқиндан кўмак беришлари мумкин. Демак, бу борада ушбу марказ билан педагог мутахассисларни тайёрлаётган олий ўқув юртлари ва педагогика коллежлари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқдир.

А.Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари, айнан шу соҳада фаолият олиб бораётган педагог-мураббийлар ҳам ушбу марказга мурожаат қилишлари ўринли эканлигини таъкидламоқчимиз. Кузатилган тажрибалар ва эришилган натижалар умумлаштирилиши, таҳлил этилиши, афзал томонлари оммалаштирилиши керак. Мактабгача таълим муассасалари мутахассислари нафақат ақлан, балки маънан ҳам бугунги кун талабига жавоб бериши, биз айнан мана шу масалада, болалар тарбиясида янада эҳтиёткорроқ ва фидойироқ бўлишимиз талаб этилади.

XXI аср ахборот ва тараққиёт даври сифатида тарихга кирди. Лекин бу ҳолат миллий-маънавий қадриятларимизнинг унутилишига замин яратмаслиги керак. Жамиятдаги ҳар бир шахс меҳр-муҳаббатни ҳис қилишга, ўзининг ўрнини топишга, комил инсон бўлиб улғайишга ҳаққи бор. Жумладан, биз юқорида таъкидлаган ижтимоий гуруҳ аъзолари ҳам. Хусусан, бу Ўзбекистон Республикаси



Конституцияси ва Оила кодексида, қонун ҳужжатлари асосида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу вазифани тугал адо этиш ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз томонимиздан таклиф этилаётган янгича ёндашувнинг аҳамиятини назарий-методик жиҳатдан асослаш, бу борадаги муносабатлар ва қарашларни тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан далиллаш, турли методик тавсиялар ишлаб чиқиш галдаги вазифа.

2010 йилдан бошлаб Республика "Алла уйи" маданий-маърифий маркази юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат оналарининг "Алла танлови"ни ўтказа бошлади. Танловда ўзбек, немис, поляк, рус, украин, крим-татар, уйғур, тожик, қозоқ тилларида аллалар ижро этилди. Ижрочиларнинг тили бир-биридан кескин фарқ қилса-да майин оҳанг, эркалама овоз бир-бирига яқин эди.

Юртимизда алла қўшиқлари бўйича республика, дунё халқлари аллалари бўйича халқаро танловлар ташкил этиш, танловда ижро этилган аллаларнинг бир неча тилда китоб ҳолида чоп этилиши мақсадга мувофиқдир. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекнавогастролконцерт бирлашмаси билан ҳамкорликда профессионал ижрочиларнинг алла конкурсини анъанавий тарзда ташкил этиш ҳам мақсадимизга эришишда бир кўприк ўрнини бажаради. Афсуски, фарзандини алла билан ором олдиришни қадрият даражасига кўтара олган мамлакатимизда биронта теле- ёки радиоканал ўз кечки дастурларида алладан фойдаланмаётир. Бизнингча, буни йўлга қўйиш ўзининг яхши самарасини беради. Қолаверса, айнан алла тарғиботи билан шуғулланадиган алоҳида теле ва радиодастурларнинг иш бошлаши ҳам муҳим. 2008 йил Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телеканали орқали эфирга узатиладиган "Мулоҳаза учун мавзу" (муаллиф ва бошловчи С.Абдуллаева) кўрсатувида эксперт сифатида иштирок

этишимизга тўғри келди. Барча экспертлар алланинг тарғиботи шарт эмас, ҳар бир она ўз хоҳишига қараб айтиш-айтмасликни белгилагани маъқул, деган фикрни билдиришди. Бу фикр биз томонимиздан қатъий рад этилди. Чунки, оилада тарбияланаётган фарзанд фақат ота-она учун эмас, балки жамият учун ҳам аҳамиятлидир. Демак, унинг тарбияси билан ҳамма баравар шуғулланиши шарт.

Болалар атроф-муҳит мусаффолиги билан боғлиқ ижтимоий роликларни хуш кўришади. Ва бу роликлар уларга ижобий таъсир кўрсатади. Алла мавзусидаги ижтимоий роликларнинг йўқлиги кишини ҳайратга солади. Шуни ҳисобга олган ҳолда "Спорт" телерадиоканали ДУК "Машъал" радиоси учун беш хил мавзуда ижтимоий роликлар тайёрлаб бердик. Улар "Алла воситасида болани жасурлик, ботирлик руҳида тарбиялаш", "Алла воситасида болани меҳнатсеварликка ўргатиш", "Алла воситасида болаларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш", "Алла воситасида болани отани ҳурмат қилишга ўргатиш", "Алла воситасида болани тинчликсеварликка ўргатиш" каби мавзулар асосида тайёрланди. Алланинг тарбиявий аҳамияти хусусидаги ижтимоий роликлар ҳам нафақат болаларга маъқул келади, балки оналарни ҳам бу ҳақда чуқурроқ мушоҳада қилишга чақиради. Бувилар, оналар ҳам алла масаласига янада жиддийроқ қарайдилар. Алла матнини тўқий олмасалар, аллалар билан боғлиқ газета, журналлар, китоблар, рисолалар билан танишишга, алла ҳақидаги радиоэшиттиришни тинглаш ва телекўрсатувни кўришга вақт ва имкон топадилар. Масаланинг бундай ҳал қилиниши билан жуда катта ижобий натижага эришишимиз тайин.

Бугуннинг педагоги, тарбиячиси анъанавий методлардан аллақачон воз кечди. Демак, мактабгача таълим муассасаларида алланинг тарбиявий аҳамияти билан боғлиқ ноанъанавий машғулотларнинг ўтилиши ҳам ўзининг ижобий



самарасини беради. Бундай машғулотларда болаларнинг эркин иштироки, ҳар бир боланинг онаси айтган аллаларни олдан билиши ва бу аллалар уларга қандай таъсир қилишини педагогик таҳлил қилиш кейинги самарали ишлар учун аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ривожида, гуллаб яшнашида, тараққий этишида ва инсоннинг камолотида миллий-маънавий қадриятларнинг, жумладан, аллаларнинг ўрни беқиёсдир. Инсон маънан камол топмас экан унинг жамиятда ўрни ҳам, роли ҳам бўлмайди. Ҳар томонлама комил, миллий ва умумбашарий қадриятларни қадрловчи инсонлар эса эл-юрт манфаати учун хизмат қилади. Бундай инсонлар маълум миллат ёки мамлакат манфаати учун эмас, умумбашарий манфаатларга ҳам камарбаста бўлади. Ҳар томонлама соғлом, маърифий ва маънавий баркамол шахсни, Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамловчи ёш авлодни вояга етказишда халқ педагогикасининг муҳим бир бўлаги бўлган аллалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аллалар айнан миллий қадриятларимизнинг дебочасидир. Демак, юртимизда таълим-тарбия мазмуни оила тарбияси билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан биридир.

## "АЛЛА УЙИ" – ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ

Халқимиз тарихи ҳамда жаҳон тарихидан муҳим ўрин эгаллаган буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби юксак маърифатли ва маънавиятли аждодларимизнинг чин инсон, элпарвар, ватанпарвар, қадриятларни асраб-авайлайдиган зот бўлиб улғайишларида

ҳам уларнинг волидалари айтган аллаларнинг ўрни, аҳамияти беқиёс, деган тахминни илгари сурамиз.

2009 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканали орқали Э.Усмонов муаллифлигидаги "Чашмалар" телефильми намойиш этилди. Унда Жиззахдаги Новқа ота зиёратгоҳида жойлашган чашма ҳақида жумладан шундай маълумот берилади. "Ривоят қилишларича, қадимда бир ёш она золим подшоҳ зулмидан қутилиш чорасини тополмай, гўдагини бағрига босганча ғойиб бўлади. Онанинг аччиқ кўз ёшларидан ушбу чашма ҳосил бўлган эмиш. Зиёратчиларнинг айтишларича чашмадан гўдакнинг йиғиси ва она алласи эшитилар экан"[59].

Бу ривоятдан маълум бўладики, онанинг беқиёс меҳри ва алласининг қудратига ишонч билан қаралган. Демак, халқимиз энг қийин ва долғали замонларда она алласининг қудратига ишонган, унинг кучига таянган. Очликдан силласи қуриган гўдакка алла мадор бўлган, уни сабрга ундаган.

"Алла эшитганда кишининг қалби шу энг майин, энг мунис, энг покиза ва ҳамиша ўзига хос кўшиқ билан тўйинади. Бу тўйинишни бола умрининг аввалиданоқ ҳис қилиб турганига нима етсин! Алла орқали болага онанинг, демак башариятнинг чексиз муҳаббати, умид ва орзулари, ният ва тилаклари, покиза дуолари сингади"[60].

"Ори кўшиқ бўлган юрт" этнографик бадиасида жумладан шундай дейилади: "Исломқул аллақачон пишиллаб ухлаб қолган, тийрак Алимардон эса энасининг кўйлагидан келиб турадиган қадрдон иҫ кетиб қоладигандай баттарроқ ёпишиб олди. У энасининг бўйнидаги томоқча, ҳапамант, ҳилбалари, икки дона кумуш пошшойи тангаларни кўлчалари билан пайпаслаган куйи аллани роҳатланиб эшитаркан,

[59] Чашмалар. Телефильм / муаллиф Усмонов Э. – Тошкент: ЎзМТРК, 2009, 12 ноябрь.
[60] Шомансурова Р. Келин бўлиш сирлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 94-бет.



ҳаммадан зўр бўлгиси, энасини ҳеч ким хапа қилишига йўл қўймайдиган полвон бўлгиси, жовринлари жорқиллаб тўнлар кийгиси, гижинглатиб бедов мингиси келиб кетди"[61].

Томирларида аждодлардан мерос бўлиб ўтган қадриятларга ҳурмат, эътиқод яшаётган ҳар бир она фарзанди, дилбандининг комил инсон бўлиб улғайишини, одамларга, жамиятга, халққа манфаати тегишини истайди. Фарзандим фақат менинг эмас миллатнинг ҳам фарзанди бўлсин, деб ният қилган оналар бетакрор, тарбиявий, жасорат, ботирликка, инсонпарварликка ундовчи сўзларни аллаларига жо этадилар. Онанинг фарзандига алласи унинг етмиш икки минг томири қатларидан сизиб чиқиб, боланинг вужуд-вужудига сингиб боради. Эҳтимол, алланинг асли қудрати ҳам шундадир.

Аллаларда ҳазинлик, сокинлик, маъсумлик, онанинг орзу-умидлари акс этади. Филология фанлари доктори Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, ҳали дунёни ҳис қилмаган боланинг алла оҳангидан ором олиши она ва бола ўртасидаги кўринмас руҳий ва ҳиссий кўприкнинг ҳосил қилиниши натижасидир.

Филология фанлари доктори М.Ёқуббекова алла матнлари ва архив материалларига кўра мавзу ва ғоявий йўналиши жиҳатидан тўрт турга бўлади. "Булар гўдакка меҳру муҳаббат, ардоқ ва фидойилик изҳор қилувчи аллалар, ўгит ва насиҳат аллалари, она изтироби ва ҳасратларини ифода қилувчи аллалар, яхши ният, эзгу тилак, орзу-умид аллалари"[62].

Биз республикамиз мустақиллигини асраш-авайлаш, уни авлодларга эсон-омон етказишда ёшлар кучига, уларнинг маърифий, маънавий томондан комиллигига кўпроқ таянамиз. Бу борада халқ педагогикаси ҳам ёрдамга келади.

[61] Мардонова Г. Ори қўшиқ бўлган юрт. – Тошкент: Ниҳол, 2010. – 15-бет.
[62] Ёқуббекова М. Аллаларда онанинг оппоқ орзуси, –11-бет.

Фарзанд тарбиялаётган ҳар бир онанинг аллаларни билиши, боласини ана шу восита кўмагида тарбияланиши биргина оила учун эмас мамлакат, жамият учун ҳам муҳимдир.

"Гўдак 1-2 ёшга тўлганда биз уларда илк миллий-маданий хусусиятларнинг нишоналарини кўра бошлаймиз. Чунки болада ҳосил бўлаётган, тўғрироғи, ота-оналар томонидан ўзлари ҳам билиб-билмай шакллантираётган психология, онг, тил, маънавият, дунёқараш бизнинг хоҳишимиздан ташқари ҳолатда миллийдир"[63]. Демак, оиладаги ижтимоий муҳит боланинг тарбияси, маърифати ва маънавиятига тамал тошини қўяди.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Оила маънавияти асослари бўлими айнан аллаларнинг яшовчанлигини таъминлаш мақсадида "Алла уйи" лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа республикамиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналари олдидан бевосита Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда амалга оширилди. Лойиҳага кўра "Алла уйи" ёш оналар, келинлар, турмуш остонасида турган қизларимизга алла намуналарини етказиб бериш, алла айтишга тайёрлаш, алла танловлари ўтказиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш, республикамизда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг аллаларини тўплаш, уларни нашр этиш, миллатлараро фестиваллар ўтказиш каби ғоятда хайрли ишларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсаднинг тўлиқ амалга ошиши учун Республика Байналмилал маданият маркази "Алла уйи"ни офис ва кўргазмалар зали билан таъминлади.

Бундан ташқари "Алла уйи" маданий-маърифий маркази аудио, видео ускуналари, алла айтиш, гўдакни тарбиялаш билан боғлиқ экспонатлар, илмий, услубий адабиётлар,

[63] Куронов М., Мухсиева А. Одам боласи бўл... // Бошланғич таълим. –Тошкент, 2000. – № 5. – 26-бет.



қўлланмалар, тасвирий, ашёвий кўргазмалар билан жиҳозланди. Қолаверса, Ойбек, Саида Зуннунова, Мақсуд Қориев, Собир Абдулла, Ойдин Ҳожиева, Муҳаббат Туробова, Гулчеҳра Жўраева, Замира Эгамбердиеваларнинг алла жанрида ёзган шеърларининг жой олиши муҳим аҳамият касб этди. Ака-ука ҳайкалтарошлар Илҳом ва Камол Жабборовлар томонидан ишланган она ва бола акс эттирилган бахтиёр она бюсти кўргазмалар залини безаб турибди.

Ушбу лойиҳанинг муаллифи филология фанлари доктори М.Ёқуббекова марказнинг тўлиқ фаолиятини қуйидагича изоҳлайди. "Алла уйи" маданий-маърифий маркази алла қўшиғини кенг тарғиб қилиш воситасида: Ўзбекистоннинг барча фуқароларида, айниқса, аёлларнинг бугунги кунда таълим билан қамраб олинмаган қисмида ижтимоий ҳаётга, миллий қадриятларимизга, маънавий муҳитни соғломлаштиришга бўлган қизиқиш ва интилишларини кучайтириш; фарзандларнинг маънавий тарбиясини бойитиш ва уни миллий-маънавий қадриятларимизнинг энг сара намуналари воситасида амалга оширишга оналарни тайёрлаш ва рағбатлантириш; омма ўртасида халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларини кенг тарғиб қилиш ва улардан кундалик маънавий ҳаётда самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиш; хотин-қизларга маънавий-маърифий таъсир кўрсатиш йўли билан, уларда оилани мустаҳкамлаш, ўз маданий савиясини ўстириб бориш, ёт маънавий таҳдидларга нисбатан мустаҳкам иммунитет яратиш; келинчаклар ва балоғат ёшидаги қизларда оиланинг муқаддаслиги, фарзанднинг ноёб неъмат экани ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш, уларда боласига муҳаббат ва меҳру оқибат сабоғини беришга рағбат уйғотиш каби масалаларни кўзда тутади"[64].

[64] Ёқуббекова М. Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси. – Тошкент: РОИАМ. 2009. – Б. 15.

"Алла уйи" маданий-маърифий марказининг иш бошлаши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлган ёш авлодни жисмонан бақувват, маърифий, маънавий, ахлоқий, руҳий жиҳатдан баркамол шахс бўлиб улғайишида ўз ҳиссасини қўшади. Халқимиз маданияти, фольклори, оила педагогикаси ва элшунослиги борасида тадқиқотлар олиб бораётган олимларимиз учун ҳам бу манзил муҳим аҳамият касб этади. Марказ ўзининг <allauyi@mail.ru> электрон манзилига эга. Оила маънавияти билан боғлиқ дарсларнинг марказда олиб борилаётганлиги профессор-ўқитувчиларга ҳам, талабаларга ҳам қўл келади. Марказ ўзбек ва республикамизда яшаётган бир қатор миллатларнинг аллалари билан таъминланган. Техник восита орқали бу аллаларни оддийгина оналар ва машҳур санъаткорлар ижросида тинглаш имконияти яратилган.

Эммануэл Кант "Фарзанд эртага эмас бугун, ҳозир бахтли эканлигини ҳис қилиши керак", деб ёзган эди. Машҳур шоир Расул Ҳамзатов "Оналар қўшиқлари инсоният қўшиқларининг ибтидосидир. Агар аллалар бўлмаганда эди, дунёда бошқа қўшиқлар ҳам бўлмас эди. Балки, ер юзида қувонч, бахт ва шеърият камроқ бўлур эди", деб ёзган эди.

Космонавт-учувчи А.Николаев учрашувлардан бирида: "Агар инсон ўз халқининг қўшиқларини билса, хотирлай олса халқининг чинакам фарзанди бўла олади. Оналар гўзал, оддий ва содда сўзлардан иборат қўшиқлари билан фарзандининг туйғулари ва кучли тафаккурини тарбиялайдилар", деган эди. .(Народные песни: "Колыбельная песня." http://rudiplom.ru/lectures/ etnopedagogika/954.html

Қадимги чувашлар "Бу қизнинг ўз қўшиқлари бўлмаса, демак, ҳали балоғатга етмабди", деб қарайдилар. Улар шафқатсиз одамни кўрганларида "У бешикда ётмаган, алла тингламаган, балки фақат силташ эшитган", дейишади. Тоғлик халқлар лоқайд одамга нисбатан "Унинг онаси алла



куйламаган", дейдилар. Аллалар фақат болани ухлатувчи эмас, балки эркаловчи, тинчлантирувчи, қувончга тўлдирувчи хусусиятга ҳам эгадир. Итальянларда гўдак яхши кайфият билан уйғониши, унинг куни хайрли келишини тиловчи, уйғотиш айтимлари ҳам бор.

Чуваш оналари ўз аллаларида "Улғайгин, улғайгин ва кадди бастингга қараб ҳамма нарсага эришгин", дея тилак билдирадилар. Улар:

Оёқчаларинг юриш учун,
Қўлчаларинг тутиш учун.
Тилларинг сўзламоқ учун,
Бошинг ақл-идрок учун,

деб фарзандига соғлиқ тилайдилар. Шунингдек, улар фарзандига инсонпарварлик, меҳр-оқибатга чорловчи аллалар ҳам айтадилар. Жумладан,

Эркак кишини кўрсанг – тоғам, дегин,
Аёл кишини кўрсанг – холам, дегин,
Қиз болани кўрсанг – опам, дегин.

Бу аллаларда инсонларга нисбатан эзгу мақсад билан муносабатда бўлиш ғояси илгари сурилади.

Шунингдек, айрим халқларда:

Улғайганингда фахр олиб кел,
Зўр қўшиқчи бўлгин,
Зўр раққос бўлгин,

деб айтиладиган аллалар бор. Бу билан она ўз фарзандининг келажагини орзу қиляпти, унинг ҳаммага керакли шахс бўлиб улғайишини тилаяпти.

Рус халқ аллаларида меҳнатсеварликка ундовчи сўзларнинг борлиги жуда аҳамиятли.

Нега ўтин ташимадинг?
Нега сув келтирмадинг? – каби.

Демак, аллалар ер юзидаги барча халқларга тегишли.(Народные песни: “Колыбельная песня.” http://rudiplom.ru/ lectures/etnopedagogika/954.html

Шахслараро муомалада ҳиссий муносабатлар юқори ўрин тутади. Она билан бола ўртасида ўзаро ҳиссий кўприк вазифасини ўтовчи аллаларнинг тарбиявий аҳамияти юқоридир. Машҳур чех олими И.Швейцар “Оиладаги яхши ёки ёмон муҳит, турли воқеа ва ҳодисалар, биз тушунмаган, англамаган, аммо юрагимизга ваҳима солган қўрқув болаликдан хотира бўлиб қолади. Хотиржам ва қувончли, ёхуд қўрқув, зўриқишдан иборат муҳит нафақат болага кучли таъсир қилади, балки унинг келажакда қандай инсон бўлиб шаклланишини белгилайди. Оила фақат ота-она ва болалардан иборат эмас. Бобо-буви ёки яқин қариндошларнинг ҳам бола тарбиясида таъсири бўлади. Бобо билан буви эса боланинг дунёқараши ўсишида ёрдам беради, болаларни оиланинг ўз ички чизиғидан олиб чиқади, катталар билан муомала маданиятини ўргатади”. (Источник: М. Швейцар “Воспитание ребенка”. http://www.detyam-semiu.ru/poleznye_statyi/yslovia_vospitania/)

Бола шахсининг камолотида ота-она, бобо-бувининг меҳри, муҳаббати, эътибори, панд-насиҳатлари, ўгитлари ғоятда аҳамиятли. Мана шу талабларнинг барчаси буви ҳамда она алласида жам этилган.

Алла эшитаётган бола ҳали мурғак вужуд. У меҳрдан озиқланади. Сўз билан ифодалай олмаса-да, онанинг майин оҳангда куйлаши унинг вужудига қувват беради.

“Олимларнинг эътирофича, кўплаб машҳур рус шоирлари ҳам аллалар тўқиганлар. М.Ю.Лермонтов, С.Маршак, В.Высоцкий, Е.Евтушенколарнинг аллалари бирқадар машҳур бўлган. Ҳар бир шоирнинг алласида унинг феъл-атвори, ташвишлари, қайғулари акс этган. Немис олимлари тадқиқот давомида шоирлар тўқиган аллаларга



нисбатан оддий оналар, яъни, халқ томонидан яратилган аллалар тинчлантирувчи ва даволовчи хусусиятга эгалигини аниқладилар” (http://www.bayushki.ru/lullaby_author.htm).

Жумладан, бир қатор ўзбек шоир ва шоиралари томонидан қоғозга туширилган аллалар ҳам аҳамиятли. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Она ер алласи” достони босқинчиларга қарши мардона курашган Спитамен ҳаётининг сўнгги дақиқасини ифода этади.

Ўзбек оналари фарзандига алла айтаётиб ўғил бола бўлса полвон, жасур, ботир, деб эркаласа, қиз болаларга гулим, нозбўйим, чиннигулим каби эркаловчи сўзларни қўшиб айтадилар. Республика “Алла уйи” маданий-маърифий маркази томонидан ёзиб олинган озарбойжон оналари айтадиган аллаларда ҳам гўдакни гулга, асалга ўхшатиш юқори ўрин тутади.

Лайласе шаккар балам,
Елинеэ некер балам,
Балам, лайла, а, лайла,
Гулум, лайла, а, лайла.
Лайла, иманим, лайла,
Чанним-чалалим, лайла.
Балам, лайла, а, лайла,
Гулим лайла, а, лайла.

Туркман халқи аллаларида ҳам эркалаш, овутиш кучлироқ акс этади.

Аллэй, аллэй, алмали,
Салланчаға салмали,
Салланчакда динмеса,
Ғайтиб эли алмали.
Аллэй, аллэй адайин,
Баға саллан эдайин.
Бағин ғизил гулини
Сана ғурван эдейин.

Аллэй, аллэй, аллэй.

Қрим-татар оналари ўғил болага айтиладиган аллаларга руҳлантирувчи, юксакликка кўтарувчи сўзларни қўшиб ишлатадилар. Бу билан болани ботир, полвон, қўрқмас бўлишга ундайдилар.

Менинг улим батир, ай-я, ай-я,
Чавуп келаятир ай-я, ай-я.
Алти коянь, беш тавке ай-я, ай-я,
Алип келаятир, ай-я, ай-я.
Шимди анень келеджек, ай-я, ай-я,
Бешигинъе кояджак, ай-я, ай-я.
Юклаъ, балачигим, юкла,
Юм козларин, гулчигим, ай-я, ай-я.

Украин аллаларида ҳам ҳазинлик, маъюслик билан бирга фарзандга меҳр бор.

Ой ну, люле, люле.
Налетили гуле, люле.
Та сили на люле, люле,
Сили на воротях, люле,
В червоне чоботях люле,
Воритичка скрип, скрип, люле,
Мале дитья спить, спить, люле.
А, люле, люле.

Рус халқ аллаларида меҳнат қилиш, одамларни қадрлаш, кимнидир опа, кимнидир ака дейишга ўргатиш каби мотивлар мавжуд. Айрим ҳолатларда аллаларда "ухлагин, ухламасанг ўрмондан айиқ келади, у сени олиб кетади" деган қўрқитувчи, чўчитувчи ҳолат ҳам акс этади. Аммо бу барча рус халқ аллаларига тегишли, дегани эмас.

А баю, баю, баю, бай,
Тебе песенку спою, бай.
Как у серого кота,
Колибелька золота,



Ай люли, люленки,
Прилетели гуленьки.
Сели гули на кроват,
Стали гули ворковать.
А баю, баю, бай.

Юқоридаги аллалардан кўриниб турибдики ер юзидаги барча халқлар оналарининг орзу-тилаги, истаги бир хил. Уларнинг ҳаммаси фарзанди маънавиятли ва ахлоқли бўлишини тилайдилар. Фақат буни ҳар бир она ўз тили, ўз оҳанги билан намоён этади.

Ҳеч кимга сир эмас тараққиёт ва ахборот асри сифатида тарихга кирган XXI асрда оила маърифати, оила маънавияти энг муҳим масалалар қаторидан жой олди. Халқимиз эса минг йиллар давомида оилага шарқона анъаналар, удумлар жо этилган муқаддас қадрият сифатида қараган. Республика "Алла уйи" маданий-маърифий маркази олиб бораётган фаолияти нуқтаи назаридан ўзбек ва юртимизда яшаётган барча миллатларнинг оилаларидаги барқарорлик ва ана шу қадриятнинг умрбоқийлигига хизмат қилади.

## АЛЛАЛАР

Онам Ҳадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинган.

Алла айтай, аллаё,
Қўзичоғим аллаё.
Онасининг эркаси,
Овунчоғим, аллаё.
Алла қилай, қўлоқ солсин.
Алла деган сўзима.
Эркатойим бой бўлиб
Нурлар берсин кўзима.
Оппоққана кўлидан
Онагинаси айлансин.
Мунчоқдайгина кўзидан
Отагинаси айлансин.
Катта тутнинг танаси,
Айлансин бундан момаси.
Ажириқнинг толаси
Айлансин бундан холаси.
Мохлойингнинг сочидан
Манғит моманг айлансин.
Орқангдаги сочингдан
Ортиқ моманг айлансин.
Зардолининг ғўласи
Айлансин бундан бўласи.
Чойдишларнинг шаммаси
Айлансин бундан аммаси.
Тубасининг сочидан
Тўрт уруғлар айлансин.
Елкасининг сочидан
Етти уруғлар айлансин.
Тубагининг остидан



Туркман эллар айлансин.
Қўлбовининг остидан
Қўнғирот эллар айлансин.
Алла, болам, аллаё
Қўзичоғим, аллаё.
Онасининг эркаси
Овунчоғим аллаё.
Алла, менинг ой болам-а,
Боғлардаги дўланам-а.
Кўздан, суқдан асрасин-а
Бешикдаги тўғдонам-а.
Тоққа чиқсин тараниб,
Адрас тўнга ўраниб.
Алла, болам, алла-ё,
Юлдузгинам аллаё.
Ҳаволар ёғсин қир, товга-ё,
Туялар келсин матовга-ё.
Туяни соғсам ияди-ё,
Қўли-қўлига тегади-ё.
Ўйнаб келсин овлоққа
Жўгини ортсин тойлоққа.
Менинг қоракўз болам
Ярашади тойчоққа.
Жовринлари жорқиллаб
Тўнлар кийсин алла-ё.
Бўйраклари булкиллаб
Бедов минсин алла-ё.
Алла болам, алла-ё
Овунчоғим алла-ё.
Уйқудан қониб тургин
Қўзичоғим алла-ё.

***

Алла кўзим, алла-ё, алла,
Кўрар кўзим алла-ё, алла.
Кундуз куни кун бўлгин-о, алла,
Осмондаги жўлдузим-о, алла.
Жўраги тўла ўтим-о, алла,
Товлардаги бургутим-о, алла.
Эсан бўгин, ўлмагин-о, алла,
Моманг бўлар бир тутум-о, алла.
Ўрмондаги йўлбарсим-о, алла,
Кўрқиш билмас арслоним-о, алла.
Чим, Бадахшон ичида-ё, алла,
Женгилмайди полвоним-о, алла.
Орқангдаги эргашингдан-о, алла,
Укаларинг эргашсин-о, алла.
Лангар Ота пиримиз-о, алла,
Неварамди қўлласин-о, алла.
Момоси алла қилсин-о, алла,
Беҳзоджон беклар бўлсин-о, алла.
Авлиё бувам қўлласин-о, алла,
Қаддини тиклар қилсин-о, алла.
Алла-ё, алла.

***

Алла, болам, алла-ё, алла,
Мулгий қолгин жон кўзим-о, алла.
Ухлаблар ором олгин-о, алла,
Зуҳрага тенг юлдузим-о, алла.
Худойимди кўзи ўнг бўлиб-о, алла,
Шугина қизимди асрасин-о, алла.
Умрганнг узоқ бўлиб-о, алла,
Балолардан сақласин-о, алла.



Достиғингнинг остидаги-ё, алла,
Ойнадай бетинг оқ бўлсин-о, алла.
Чакканга тоққонинг гул бўлсин-о, алла,
Умринг узун, мўл бўлсин-о, алла.
Ирисқили қиз бўлсин, деб-о, алла
Ой кулчалар пиширдим-о, алла.
Сени сўқдан сақласин деб-о, алла,
Пичокчалар даширдим-о, алла.
Қўш карнайлар чалдириб-о, алла,
Куёв кесин қизимга-ё, алла.
Этагидан кўкарсин-о, алла,
Буёв кесин қизимга-ё, алла.
Ухлаб қогин ой қизим-о, алла,
Момангдайин бой қизим-о, алла.
Уйқудан қониб тургин-о, алла,
Шарқираган сой қизим-о, алла.
Алла-ё, алла.

***

Алла, болам, алла-ё, алла,
Полвон болам алла-ё, алла.
Энасининг кунига-ё, алла,
Дармон болам алла-ё, алла.
Тенг-тўшлари ичида-ё, алла,
Тарлон болам алла-ё, алла.
Бургут кўзли норимсан-о, алла,
Султон болам алла-ё, алла.
Кўзларидан нур жовади-ё, алла,
Хотам болам алла-ё, алла.
Катта бўлиб бой бўсин-о, алла.
Отам болам алла-ё, алла.
Бувасининг топганини-ё, алла,
Шу боламга жедирай-о, алла.

Отасининг топгани-ё, алла,
Зар чопонлар кийдирай-о, алла.
Ғам нималигин билмагин-о, алла,
Морқа болам алла-ё, алла.
Қарригана чоғимда-ё, алла,
Орқа болам алла-ё, алла.
Алла-ё, алла.

***

Алла-ё, жоним алла-ё,
Ухлаб қолгин, алла-ё, алла.
Моманг алла дейди-ё, алла,
Бешигингда ором олгин-о, алла.
Алла, болам ухласин-о, алла,
Момосини тингнасин-о, алла.
Уйқудан қониб туриб-о, алла,
Яхшилар билан ўйнасин-о, алла.
Болам отанг сор эди-ё, алла,
Зўр жайларда бор эди-ё, алла.
Кўкраги балан нор эди-ё, алла,
Яхшилар унга зор эди-ё, алла.
Болам отанг нозим эди-ё, алла,
Чалинмаган созим эди-ё, алла.
Боғлардаги жўзим эди-ё, алла,
Жўрар жўлда кўзим эди-ё, алла.
Тенг-тўшлари ичида-ё, алла,
Отанг олтин эди-ё, алла.
Жигитмисан жигит эди-ё, алла,
Иродаси метин эди-ё, алла.
Отасининг ўрнига-ё, алла,
Достон бўсин болам-ов, алла.
Момосининг боғига-ё, алла,



Посбон бўсин болам-ов, алла.
Жўрагинг товдан бўсин-о, алла,
Момосига татир болам-о, алла.
Армонларимди ариттин-о, алла,
Менинг ботир болам-о, алла.
Умринг узун бўсин болам-о, алла,
Момосига керагим-о, алла,
Яхши-ёмон кунимда-ё, алла-ё,
Ҳаммасидан керагим-о, алла.
Неьматжоннинг тўнғичи-ё, алла,
Элёр болам алла-ё, алла.
Бошинг тошдан бўсин-о, алла,
Алёр болам алла-ё, алла.
Алла-ё, алла.

***

Ургутлик Шоира Маҳмуд қизидан ёзиб олинди.

Алла, болам бахтиёр
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Эрка болам алла-ё
Сарка болам алла-ё.
Алла боламни боқаман
Устига кўрпа ёпаман.
Бош олиб кетган отангни
Энди қайдан топаман?
Алла айтиш одатим,
Авлиёлар мададим.
Алла, болам, аллаё
Ухлаб қолгин аллаё.
Оқ буғдойнинг донаси,
Болам боламнинг боласи.
Отасидай ширин бу
Қантак ўрикнинг меваси

***

Ургут туман Ғус қишлоғида Мунаввар Муҳаммади қизидан ёзиб олинди

Алла, қўзим, қундузим, алла
Ором ол, қўзим, алла.
Тупроқ кечиб ўйнайсан,
Берсин-да тўзим, алла.
Ойни олиб берайми?
Гуллар териб келайми?
Атрофингда айланиб
Шамол булиб елайми?
Асалимга аталган
Бешиклари гул тахта.
Ухлаб бир ором олгин,
Елканг мулойим - пахта.
Алла болам, ал болам,
Гапга қулоқ сол,болам.
Алла қисам, ухлагин,
Тиллари асал болам.

***

Учкўприклик Турсуной Тўхтасиновадан ёзиб олинган

Алла айтиб ухлатаман-о, жоним болам, алла
Ухламасанг қайтаман-о, жоним болам, алла.
Боғма-боғ излаб юриб-о жоним болам, алла
Топмадим бир боғ ўтин-о кўзим болам, алла.
Жаҳонни излаб чиқиб-о жоним болам, алла
Топмадим бир меҳрибонни-ё жоним болам,алла.
Катта бўлсанг меҳрибоним бўлгин болам, алла
Меҳрибонларим кетди-ё жоним болам,алла.
Меҳриё кўзимдан кетмади кўзим болам, алла



Меҳрибонларим йўқ учун-о жоним болам,алла.
Ҳеч ким ҳолимни сўрмади-ё кўзим болам,алла.
Қорайиб турган тоғмикин-о жоним болам, алла,
Тоғлар бағрида боғмикин-о отам болам, алла
У боғлар ичига кирсам-о жоним болам, алла.
Меҳрибонларим бормикин-о кўзим болам, алла.
Ғўзапоя ўтини-ё жоним болам, алла,
Аччиқ экан тутуни-ё отам болам,алла.
Ҳеч бандага солмасин-о кўзим болам, алла
Айрилиқнинг ўтини-ё жоним болам,алла.

***

Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинди.

Аллалар айтсам қувонгин, алла
Онагинангга суянгин, алла.
Аллаларнинг оти бор-а, болам, алла
Чўнтакларида хати бор-а, болам, алла.
У хатларни ўқисам-а, болам, алла.
Жаҳонгирнинг оти бор-а, болам, алла.
Аллалар айтсам тинглагин-а, болам, алла
Тинглаб туриб ухлагин-а, болам, алла.
Ухлаб туриб, ором олиб, жоним болам, алла
Аканг билан ўйнагин-о, болам, алла.

***

Балиқчилик Холисхон Йигитали қизидан ёзиб олинди.

Эскирар қопда буғдойим, алла
Эсирга берган худойим, алла.
Янгирар қопда буғдойим, алла
Янглишиб берган худойим, алла.
Ўғлинг бўлса мулла қил, алла

Боғинг бўлса кўра қил, алла
Муллаликка кўнмаса, алла
Сатангларга жўра қил, алла.

***

Пахтаободлик Шаҳноза Умрзоқ қизидан ёзиб олинди.

Ок эди билаккинам, алла
Кўп эди тилаккинам, алла.
Тилагимга етгунча, алла
Чириди суяккинам, алла.
Оқ ипакдан аврашим, алла
Қўмдин бўлади кўрғошин, алла.
Тенг тушларим ичида, алла
Дарё бўлар кўз ёшим, алла.
Алла айтай офарин, алла,
Устингга бахмал ёпайин, алла.
Бахмалларим етмаса, алла
Кимхоблар топиб ёпайин, алла.

***

Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.

Сенинг отанг ўғиллигинг билмайди
Билса агар ҳеч армони қолмайди.
Жангга кириб оқ билаги толмайди
Мард дадангнинг мардонаси ёр, алла,
Севар ёрим нишонаси ёр, алла.
Немис боши илон каби янчилди
Кўкрагига қасос ўқи санчилди.
Бахтимизга зафар эшик очилди
Зафарларнинг зар донаси ёр, алла
Севар ёрим нишонаси ёр, алла.



***

Бўка туманидан Фотима Эргашевадан ёзиб олинди.

Алла, болам, алла
Алла деб чикдим чўллара,
Алла, болам,алла.
Солиғлар солиб эллара.
Жоним болам, алла.
Сенга алла айтаман
Алла, болам, алла.
Сояларингда ётаман
Жоним болам, алла.
Сендан келар гул иси
Алла, болам, алла.
Севганимнинг ёлғизи
Жоним болам, алла.

***

Чирчиқ шаҳридан Усматова Юлдузхондан ёзиб олинди.

Бешигингни қошиға жоним болам, алла
Қўш каптарлар қўндирдим эрка болам, алла.
Сенинг учун давлатни жоним болам, алла
Йўқ жойлардан йўндирдим асал болам, алла.
Сочимнинг тилла тароғи,алла болам, алла
Боримнинг кумуш яроғи жоним болам, алла.
Ойсининг қўнғироғи алла болам, алла
Адасининг чақмоқ чироғи жоним болам,алла.
Адрас тўнлар кийиб-о алла болам алла-ё
Ўз ҳуснингга тўймагин-о жоним болам, алла.
Катта бўлиб улғайиб алла болам, алла,
Олтин ошиқ ўйнагин-о жоним болам, алла.
Тилаб, тилаб олганим тилов болам аллаё
Қаҳратонни куйдирар олов болам, алла.

Адасининг суянчиғи жоним болам, алла-ё,
Онасининг кунига яров болам, алла-ё.
Сани ойдан сўрадим жоним болам, алла-ё
Юлдузлардан сўрадим-о эрка болам, аллаё.
Қора-қора тунлардан жоним болам, алла-ё
Кундузлардан сўрадим-о кўзим болам, аллаё.

***

Чирчиқлик Абдухолиқова Нурхондан ёзиб олинди.

Жонимнинг жўндалаги, алла
Қовуннинг ҳандалаги, алла.
Бош боламнинг боласи шунча болам, алла
Гуллар ичра ягона ғунча болам, алла.
Ўртанчамнинг боласи жоним, болам алла,
Кўзи чақмоқ арслон юраккинам, алла.
Бувисининг эркаси кўзим болам, алла
Толмасину хормасин шербилаккинам, алла.
Қариганимда кераклигим, алла.

***

Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.

Икки кўзим аймоғиё, алла
Юрагимнинг қайноғиё, алла.
Қўш фаришта бешигингни қурисин
Худо берган чироғим-о, алла.
Какликчадай сайроғим-о, алла.
Тулки бола ухлар қиёқ болишда
Турна ухлар беланчаги қамишдан.
Ойнакўлда балиқ мудрар кумушдан.
Чий бахмалда минорим-о, алла-ё.
Рўмолимда туморим-о, алла-ё.



Гул баргига чирилдоқлар беланди,
Райҳонлардан атру анбар эланди.
Ҳаётимга қизил гулнинг пайванди,
Боғимдаги қирмиз лолам, аллаё
Киссамдаги майиз болам, аллаё.

***

Ғиждувонлик Мадина Аслоновадан ёзиб олинди.

Алла болам, алламга,
Тегинманглар баррамга.
Барражоним ёт, алла
Гул ёстиққа бот, алла.
Гул ёстиқни кўтарманг,
Шоймардон кетарлар.
Шоймардон йўл бўлсин,
Шу болам булбул бўлсин.

***

Алла болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Кўрар кўзим, алла-ё,
Сўзлар сўзим, алла-ё.
Гулим алла, гулим алла,
Гули муғжагинам, алла.
Гулим катта бўлсин, илло,
Ажаб муждагинам, алла.

Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.

Алла жоним, ором ол-ей,
Кўзинг юмиб ухлаб қол-ай.
Алла, сени ялқасин-о
Паноҳида сақласин-о.

Алла деган отингдан-ай,
Зурёд берган эгамдан-ай.
Қайноқ қоним сан мани-ё,
Отам, онам сан мани-ё.
Алла дерман азонда,
Кўзим сенда ҳар онда.
Раҳм этмасанг ҳам кўзим,
Сени сақлагум жонда.

***

Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.

Алла болам оппоғим,
Гуллар ичра япроғим.
Қизил гулнинг бутоғи
Онаси шунинг адоғи.
Алла, алла, тўхтасин
Қизил гулим сўлмасин.
Шугина болам ўлмасин
Душманларим кулмасин.
Алла, болам, армоним
Қизил гулим, хирмоним.
Алла қилсин шу жоним,
Танамдаги дармоним.
Алла, алла, оппоғим,
Гул ичида япроғим.
Япроқлари сўлмагай,
Шугина болам ўлмагай.



***

Алла болам, алла-ё
Алла болам, кулунтой.
Алла қилсин полвоним
Бешикларин тебратай.
Тилабгина олганим,
Дўмбоқ ўғлим Умидбой.
Беланчагинг устига
Оймомани қаратай.
Бошингдаги зар сочинг
Каптарларга таратай.
Сен ухласанг пишиллаб,
Онанг ҳам олар ором.
Отанг ҳам келар ишлаб
Дам олгин, юракпорам.
Алла болам, алла-ё.

***

Ғиждувонлик Мадина Аслоновадан ёзиб олинди.

Онаман-а онаман, алла
Болам учун ёнаман, алла.
Болам тинчликда ўсса
Орзуларга қонаман, алла.
Тоғда нуқул ўсибди, алла
Қарағай билан арча, алла.
Нияти ёмон душманлар
Бўлишсин парча-парча, алла.
Болажоним бағримда, алла
Эркалайман ўйнатиб, алла.
Ватан тинчлик боғимда, алла
Булбуллардек сайратиб, алла.

Улғай болам, гул Ватанда
Ботир бўлиб ўсгин, болам.
Сени кўриб бу чаманда,
Яйрай, қувнаб, юлдузим, алла.

***

Андижонлик Мунира Рўзиевадан ёзиб олинди.

Алла, болам алла-ё,
Аллалар жоннинг роҳати-ё, алла.
Шу боламга кўз тегмасин,
Омон бўлсин сиҳати-ё, алла.
Қайрағочдан бешигинг-о, болам, алла.
Қайрилиб олсин отанг-о, алла.
Оқ ёғочдан бешигинг-о, алла,
Айланиб олсин онанг, алла.

***

Қамашилик Меҳринисо Мардоновадан ёзиб олинди.

Алла болам, алла-ё, алла,
Мунчоқ кўзларингни юмгин, алла,
Алла кўзим, алла-ё, алла,
Аллалардан ором олгин, алла.
Дарёдаги балиқчалар ухласин алла,
Ўрмондаги айиқчалар ухласин-о, алла.
Алмардонжон ором олиб-о, алла,
Гулдан бўган қайиқчалар ухласин-о алла.
Тоғларда кўрдим тўтини-ё, алла,
Боғларда кўрдим батини-ё, алла.



Шу неварам омон бўлсин-о,алла,
Бутун қилгин бахтини-ё, алла.
Тушингда каптарчалар сайрасин-о,
Сени кўриб баҳри-дилим яйрасин-о.
Отасининг той боласи Алмарданжон-о,
Момосининг бой боласи Алмарданжон-о.
Алла қилай кўзимди-ё, алла,
Нурга тўлдир кўзини-ё, алла.
Худойимдан сўраганим-о, алла,
Боламга бер тўзимди-ё, алла.

***

Алла болам, алла-ё, алла,
Отам болам ухласин-о, алла.
Отасидай сахий бўп-о, алла,
Хотам болам ухласин-о, алла.
Алла болам наҳори-ё, алла,
Гулга тўлсин баҳори-ё, алла.
Адҳам болам ухласин-о, алла,
Тинчгина бўлсин саҳари-ё, алла.
Ёниб турган чироғим-о, алла,
Кўзимдаги қароғим-о, алла.
Тенг-тўшлари ичида-ё, алла,
Сергапгана қувноғим-о, алла.
Алла болам ой бўлсин-о, алла,
Гижинглаган той бўлсин-о, алла.
Камолжоннинг эркаси-ё, алла,
Отасидай бой бўлсин-о, алла.
Алла, алламди айтаман-о, алла,
Ухламасанг қайтаман-о, алла.
Эркагана боламди-ё, алла,
Энасига айтаман-о, алла.

Бешиклари кўлбовли-ё, алла,
Оёқ-кўли ўровли-ё, алла.
Шугина кўзим ухласин-о, алла,
Кеча-кундуз қаровли-ё, алла.
Алла-ё, алла.

***

Алла қилай ал бўлсин-о, алла,
Босган изи гул бўлсин-о, алла.
Дилдора қизим ухласин-о, алла,
Кейингиси ул бўлсин-о, алла.
Ширин қизим катта бўп-о, алла,
Таққанлари дур бўлсин-о, алла.
Чаққонгина қизимдан-о, алла,
Кўзи тўла нур бўлсин-о, алла.
Отасининг эркаси-ё, алла,
Энасининг саркаси-ё, алла.
Мунчоқ кўзим ухласин-о, алла,
Жимгина турсин куркаси-ё, алла.
Қизим қоши ўсмали-ё, алла,
Гуппилари тасмали-ё, алла.
Парча кўйлак кийдирай-о, алла,
Жўрмалари босмали-ё, алла.
Қизимнинг бахти бўсин-о, алла,
Тилладан тахти бўсин-о, алла.
Чаққонгана қизимди-ё, алла,
Оловдай шахди бўсин-о, алла.
Алла-ё, алла.

***

Алла болам, алла-ё, алла,
Азизжоним нор болам-о, алла.
Энасининг бахтига-ё, алла,



Доим бўсин бор болам-о, алла.
Алла, алла, алламга-ё, алла,
Тўйлар берсин туманга-ё, алла.
Туман қилсин дуолар-о, алла,
Азизжон бўлсин тўралар-о, алла.
Оллонинг ўзи ҳақдир-о, алла,
Ҳақдан тилагим кўпдир-о, алла.
Алламни эшитганлар-о, алла,
Мошдай армони йўқдир-о, алла.
Алла, алла, чинорим-о, алла,
Чий бахмалдан туморим-о, алла.
Азиз болам ором олса-ё, алла,
Тарқармикан хуморим-о, алла.
Оқ лайлакнинг боласи-ё, алла,
Қамишдандир хонаси-ё, алла.
Қамиш учи қайрилса-ё, алла,
Қайғу чекар онаси-ё, алла.
Алла-ё, алла.

***

Латифа қизим ой қизим-о, алла,
Қора қоши ёй қизим-о, алла.
Энасининг оёқ-кўли-ё, алла,
Шарқираган сой қизим-о, алла.
Асал қизим катта бўп-о, алла,
Подшолардан тўй кесин-о, алла.
Шугина қизимнинг йўлида-ё, алла,
Сурув-сурув кўй кесин-о, алла.
Пайшамининг парвардаси-ё, алла,
Энаси шунинг гадоси-ё, алла.
Қорабоғнинг чинори-ё, алла,
Отаси шунинг адоси-ё, алла.

Алла қизим ухласин-о, алла,
Ёмон тушлар кўрмасин-о, алла.
Азизжоннинг эси кириб-о, алла,
Синглисини ўрмасин-о, алла.

***

Алла, алла, алига-ё, алла,
Ҳаво ёғсин шолига-ё, алла.
Сумбула қизим ухласин-о, алла,
Энаси адо холига-ё, алла.
Энаси алла айтсин-о, алла,
Шаҳзода қизим ухласин-о, алла.
Отасининг эркаси-ё, алла,
Хонзода қизим ухласин-о, алла.
Асал қизим катта бўп-о, алла,
Шаҳзодалар элансин-о, алла.
Келин бўлиб сузилиб-о, алла,
Бахтларига белансин-о, алла.
Алла-ё, алла.

***

Шўрчи туманидан Рўзихол Маматқуловадан ёзиб олинди.

Алла болам, оқ, оққа, алла-ё,
Гуллар эксин чорбоққа-ё, алла.
Чорбоғ гули чачилсин, алла-ё,
Бахтинг гулдай очилсин, алла-ё.
Алла болам бойсари, алла-ё,
Оқ ўтовдинг жопсари-ё, алла.
Жопсаридан қорасам алла-ё, алла,
Қонниқчаси соп-сори, алла-ё.



***

Беруний туманидан Гулойим Бағдодовадан ёзиб олинди.

Ҳайю, ҳайю, оппоғим, жан балам,
Ширин-шакар шамшағим, бал балам.
Ухлай кўй, жаним, ухлай кўй-а,
Ҳайю айтар жан ананг, бал балам.
Сарқираб аққан сайимсан,
Кишкина эрка тайимсан.
Ҳайю, ҳайю, жан балам,
Тўлиғиб турган айимсан.
Анангнин тилин ал балам,
Бўлағур жаним тик адам.
Ухлаб кўй, жоним, ухлаб кўй-а,
Ҳаммадан ширин бал балам.
Қулуним аққан жиримсан,
Жанимнинг жази нуримсан.
Анангга кўнглинг битирми-ёв,
Жаҳанни жузин нур қилсам.
Ҳайю, ҳайю, ҳай...

## II. БОБ. ОИЛАДА АЖДОДЛАР ШАЖАРАСИ АСОСИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мамлакатни модернизациялаш, жамиятни янгилаш жараёни қизғин паллага кирган, эркин фуқаро ва озод шахс турмуш тарзи қарор топаётган бир шароитда миллий қадриятларни ўрганиш, уларни илмий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, мустақиллик туфайли миллий ғоя таъсирида жамиятда ўзликни англаш ҳолати юз бермоқдаки, бу асрлар мобайнида шаклланган урф-одатлар, анъаналарни ўрганиш, унинг асосида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари шаклланган маънавий баркамол инсонни тарбиялаш иши тобора долзарблик касб этмоқда. Зотан, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида инсон шахси маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятлар, халқимиз орасидаги меҳр-оқибат, урф-одатларимиз ҳамда ўтган аждодларни эъзозлаш сингари хайрли ишлар ўзига хос тарзда янгиланиб, яшариб бормоқда. Она юртимизнинг келажаги учун ҳар томонлама қобилиятли, ақлан етук, ахлоқан комил, ташаббускор, Ватани ва миллати манфаатига хизмат қилишни ўзи учун олий мақсад деб биладиган фидойи инсонлар жуда ҳам зарур. Шундай экан ёш авлодни ўз аждодлари тарихи, маданияти, урф-одати, миллий қадриятларига содиқ қилиб тарбиялашимиз зарурки, токи улар аждодларини хотирлаганда, қалбида миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини туйсинлар. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёш авлодни тарбиялашда аждодлар меросидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, ёш авлод ўз халқини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур англаб етгандагина, бизнинг маънавиятимиз қудратли кучга айланади. Маънавият, миллий ғурур инсонда, энг аввало, она сути, она алласи, меҳри,



таълим-тарбияси, ота-боболарнинг оқилу доно сўзлари, ўгитлари, йўл-йўриқлари билан улар қолдирган маънавий мерос, шунингдек ҳаётнинг сабоқлари таъсирида шаклланиб сайқалланиб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Бу борада тарихдан, аждодлар меросидан хабар берувчи, миллий маънавиятимизнинг бир дебочаси бўлган насабнома – оилавий шажара китобларининг ўрни беқиёсдир. Оилавий шажаралар ҳар бир ёш қалбда она юртга, ўз аждодларига муҳаббат ва садоқатнинг қарор топишида, аждодларга содиқ бўлиш, уларда шу муқаддас тупроқдан миннатдорлик, миллий ғурур ва фахр туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Одоб-ахлоқли, маданиятли, комил инсон биринчи навбатда ўз Ватанини, миллий тили, аждодлари яратган илму-ҳунар жавоҳирларини тўла-тўкис эгаллаган ва умуминсоний қадриятларни эъзозлайдиган бўлади.

Демак, маънавият – инсоннинг инсонлик моҳиятини белгилайдиган мезон. Инсон айни маънавий жиҳатлари, ақлий имконияти, интеллектуал салоҳияти, ҳис-ҳаяжон ва туйғулари билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади, олий мавжудот сифатида олий қадрият мақомига эга бўлади. Ўзбек халқи ўзини худди ана шу имкониятлари орқали инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқлар қаторига киради. Демак, бу миллат феноменини, маданий ва маънавий қарашларини ҳар томонлама ўрганишни, илмий тадқиқ этишни тақозо этади. Шажара ана шу қарашларнинг таркибий қисми, минг асрлар оша сақланиб келаётган анъаналардан бири. Шажара – (арабча – дарахт) генеология – кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлар ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуидир – уни тарих фанининг бир тармоғи бўлган генеология фани ўрганади. Инсоният тарихига назар ташласак, буюк даҳолар, машҳур саркардалар, донғи етти иқлимга кетган ҳукмдорлар, забардаст паҳлавонлар ҳақидаги ранг-баранг

маълумотларга дуч келамиз. Уларнинг номи, ҳаёти, авлод-аждодлари эл орасида афсона бўлиб кетган. Инсон табиатидаги қизиқувчанлик фавқулодда шахслар, ноёб хислатлар эгаси бўлган кишиларнинг янада машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳар бир даврнинг имтиёзли табақалари, йирик мулкдорлари, табиийки, ўз даврида ҳам, ўзидан кейинги авлодлар яшаган замонда ҳам инсонлар хотирасида қолиш, эътибор ва эъзозга сазовор бўлиш ниятида қасрлар қурдиришган, оиласи тарихини қайд этиш, ворисларга қолдириш учун тамға ва нишонлар ясатишган. Авлод-аждодларини қайд этиб расмийлаштириш, уларга оила тарихи битилган номалар қолдиришга интилганлар. Натижада шажара алоҳида аҳамият касб этган, никоҳ алоқалари гувоҳлик асосида эътироф этилиши расм бўлган. Шу даврда бир уруғ ёки бир-бирига яқин бир неча уруғ аъзоларининг насл-насабига оид бир неча дафтарлар тузила бошланган.

Маълумки, шажара ва шажара яратиш, насл-насабни ўрганиш мазмуни, усул ва йўллари ҳақида Ҳошим ибн Муҳаммад ибн Соиб ал-Қалбий, Абдул Ҳасан Аҳмад, ибн Яҳё, Малик Афзал Аббос ибн Малик, Ҳофиз Муҳиббуддин-ал-Бағдодий каби олимлар жуда кўп манбаларни ёзиб қолдирганлар[65].

Маҳмуд Қошғарий, Хондамир, Ҳофиз, Маҳмуд ибн Вали, Наршахий, Абулғозийхон каби олимлар ижодиётида ҳам шажара ҳақидаги фикрлар келтириб ўтилган. Шунингдек, ўзбек халқининг тарихи, маиший ва ижтимоий ҳаёти, эътиборга лойиқ инсонлари, мардлиги ва жасорати ҳақида малумот берувчи қатор асарлар битилган. Буларга мисол тариқасида Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Абу - Жафар Муҳаммад ибн ат-Табарийнинг "Тарихи ар-расул вал-

[65] Рахмонов З. Хотира ва ибрат китоби. – Тошкент: Нур, 2008. – 4-бет.



Мулук", "Темурнома", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк", "Шажарайи тарокима", Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома", Румер Годеннинг "Гулбадан", Абулфазлнинг "Акбарнома", Б.Аҳмедовнинг "Тарихдан сабоқлар", "Новый источник по истории Средней Азиии XVI начала XVIII века", "Родословная Чингизхана" каби тарихий характердаги асарларни келтириш мумкин.

Абулғозий Боҳодирхоннинг "Шажарайи турк" ва "Шажарайи тарокима" асарлари билан шажаранинг қайд этилиши анъанаси туркий халқлар орасида янада мустаҳкамланди. Ўрта Осиёда насаб дафтарлари юритилиб, насаб дафтарларига хўжалар, сайидлар, мирлар шажараси ёзилар, ҳужжатдаги қайд уларнинг пайғамбар, саҳобалар, тарҳон, беклар авлодидан эканлигини кўрсатувчи далил бўлиб хизмат қилар эди. Бу далолат кишиларга маълум имтиёзлар яратиб берган[66].

Шарқ мамлакатларида, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар орасида ҳар бир киши ўзининг динини, мазҳабини, миллатини, уруғ-аймоғини, насл-насабини аниқ билиши зарур деб ҳисобланган. Кишиларнинг расмий номланишида фарзандининг ва отасининг исми қўшиб айтилган. Оламга машҳур табобат алломаси Ҳусайннинг Абу Али ибн Сино номи билан машҳурлиги ҳаммамизга маълум. Бу номда уч авлод: фарзанд – Али, ота – Сино ҳамда бобо ва набирани ўзаро боғлаб турувчи эркак намоён бўлиб, наслнинг давом этишини кўрсатувчи ҳикмат ўз ифодасини топган.

Ҳар бир шахс ўзлигини англаши учун "етти пуштини

[66] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-Т. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704-бет.

билиши" керак деб ҳисобланган. Янги туғилган гўдак биринчи бор бешикка беланаётганда бешик тўйи маросимларида бешикёпқи устига етти қават мато ташлаб: "Етти пуштини билсин ва етти пуштини кўрсин!" – дея ният қилиниши бежиз эмас. Одамлар оилалари ибтидосида битта уруғ бошлиғидан тарқалган аёл ва эркак жинсининг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиққан қариндошликни қадрлаганлар. Битта уруғбошидан тарқалганлар қон-қариндош ёки уруғдош ҳисобланган. Қариндош-уруғнинг ўзаро яқинлиги, меҳру-оқибати, беминнат муруввати оилавий муносабатларда ҳамиша катта ўрин тутган.

Ҳар бир оилада катта ёшдаги кишилар ўзларининг авлод-аждодлари, оиласининг тарихи ҳақида ёшларга вақти-вақти билан қайта-қайта маълумот бериб келганлар. Ўрни билан бу маълумотларнинг ўзлашганлик даражасини имтиҳон қилиб турганлар.

Респондентимиз М. нинг кўрсатишича, бобоси унга қуйидаги матнни: "Менинг диним – Ислом, Имом Аъзам мазҳабиданман, отам томонидан Саидлар, онам томонидан Мирлар авлодиман" тарзида ёдлатиб, тез-тез такрорлашга ундаркан. Ўзаро суҳбатлар чоғида бобоси, бувиси, отаси, онаси ўзларининг узоқ аждодлари билан бўлиб ўтган ажойиб ибратли воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб, болаларнинг ўз қавмларига нисбатан эътиқодини оширишга ҳаракат қилар эканлар.

Аждодлардан қолган маданий, моддий меросларда хонлар, ҳунарманду-косиблар сулолалари ҳақида айрим маълумотлар ўз аксини топган бўлади. Мутафаккирлар, ижодкорлар яратиб қолдирган асарлари, Амир Темурдек, Мирзо Бобурдек подшоҳлар, буюк саркардалар қурдирган умри боқий обидалари, тузган тузуклари, "Бобурнома" каби ўлмас асарлари билан авлодлари қалбидан жой оладилар. Буюк шахслар билан фақат тўғридан-тўғри қон-қариндош



бўлган авлодларигина эмас, балки миллатдош, юртдош бўлган авлодлар ҳам фахрланадилар, ўзларини улар қолдирган моддий ва маънавий меросга ворис деб биладилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шажара муаммолари файласуф, тилшунос, психолог, социолог, тарихшунос, педагог олимлар томонидан кенгроқ ва чуқурроқ ўрганила бошлади. Б.Аҳмедов, Т.Файзиев, О.Бўриев, Р.Шамсуддинов, Э.Бегматов, С.Жалилов, Ҳ.Сулаймонов, З.Раҳимов, М.Ҳасаний, Қ.Шониёзов М.Абдуллаева, Н.Мамадалиеваларнинг изланишлари илм аҳлининг, талаба ёшларнинг мазкур муаммога нисбатан қизиқишларини оширди.

Гарчи юқоридаги тадқиқотлар, илмий, бадиий, тарихий асарларда бевосита оилада шажара яратишга эътибор қаратилмаган, фақат маълум шажара вакиллари, уларнинг ишлари, жамиятдаги ўрни ҳақида маълумотлар берилган бўлса-да, уларни мутолаа қилиш кишиларда ўтмишга, аждодлар тарихига илмий асосда, мукаммал ва холис ёндашиш сабоғини беради.

Афсуски, кўпчилик замондошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг аксарият қисми, аждодлар шажараси, насл-насаблари, аждодларининг касб-кори, жамиятда тутган мавқелари ҳақида дастлабки билимларга ҳам эга эмаслар. Бу эса ота-оналар, талаба ва ўқувчи ёшларда ўз оиласи тарихини билиш, шу асосда миллий ғурур, ўз аждодлари билан фахрланиш ҳисларини шакллантиришга монелик қилади.

Педагогика тарихига оид яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларда бевосита аждодлар мероси, уларга эътиқод руҳи ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутиб, ўзликни англашга ҳисса қўшажаги алоҳида таъкидланади.

Инсон ўзини англашга интилар экан, аввало, ўтган ота-боболари, она-бувилари ҳаётини, уларнинг касби-кори ва

жамиятда тутган ўрнини билишга қизиқади. Аждодларини насл-насаби қариндошлик ришталари ва уларнинг ўзаро ка йўсинда боғланиши ҳақидаги билим ва тасаввурлар дастлаб оилада бериладиган маълумотлар орқали вужудга келади Оилада болаларга аждодлари ҳақида тушунча бериш билан уларда ўз аждодлари билан ғурурланиш, уларга лойиқ вори бўлиш ёки уларга ачиниш, улардан-да юқорироқ муваффақиятларга эришиш ҳисларини туғдириш мумкин.

Қадим замонлардан подшоҳлар, ҳукмдорлар ўз аждод авлодлари шажарасини ёзишни олиму уламоларга буюрганлар Жаҳон цивилизациясида шажара ёзиш масаласи ҳар бир миллат ва элатга хос бўлиб келган. Арабларда "шажара" сўзи "нисбатун" ёки "Қариндош уруғчилик" дейилади.

Тадқиқот жараёнида жаҳон ва ўзбек олимларининг шажара ҳақида ёзган асарларини ўргандик. Тарихчи олим Б.Ахмедовнинг фикрича дастлабки шажара, ҳақида ёзилган асарлар Ҳошим ибн Муҳаммад ибн Соиб ал Қалбийнинг "Ал Манзила", "Ал Жамҳаро", "Ал Важийз", "Ал Фарийд" ва "Ал Мулук" асарларидир. Абу Ҳасан Аҳмад ибн Яҳё "Ансабул ашроф" кабиларда шажара, насл-насаб тушунчалари ҳақида ёзган[67].

Турли миллат шажараларида, шажаранинг моҳияти ва тарбиявий аҳамияти ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк" асарида XIII-XVII асрлардаги мўғил ва турк ҳукмдорлари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб муаллиф "Шахснинг сиёсий мавқеидан гувоҳлик берувчи уруғ ёки бир-бирига яқин бир неча уруғ аъзоларининг насл-насаб дафтари шажара эканлигига гувоҳлик берган"[68].

Тарихчи И.Жабборовнинг тадқиқот иши шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг келиб чиқиши каби, уларнинг

[67] Ахмедов Б. Амир Темур. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 4-бет.
[68] Абулғозий Б. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 9-бет.



элнинг тузилиши ҳам ниҳоятда мураккаб ва кўп асрлик тарихга эга. Айниқса, XV-XVI асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарларида ўзбек уруғлари эл-элатларининг маиший турмуши, урф-одат ва маросимлари, ижтимоий-сиёсий тузилиши ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилиб, илмий жиҳатдан асослаб берилган[69].

Тадқиқотчи З.Раҳимов "Авлодлар шажараси" китобида ўзбек халқининг шаклланиш шажараси борасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган:

1. Ўзбек халқининг уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш анъаналари.
2. Миллий кийим-кечаклари.
3. Миллий таомлар ва пазандачилик.
4. Дастурхон одоби ва меҳмоннавозлик[70] анъаналари.

Юқоридаги маънавий қадриятларнинг аждоддан-авлодга ўтиб келганлигига тўлиқ изоҳ бериб ўтилган. Тарихшунос олим Б.Аҳмедов "Амир Темур" асарида тарихда буюк шахслар ҳақида бирор сўз ёзиш ўта мушкул. Айниқса Искандар Зулқайнарн, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Амир Темурга ўхшаган ҳарбий ва сиёсий саркарда, ҳақида неғаки, уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли фаолияти мураккаб ўта зиддиятлидир. Шунинг учун тарихда ўтган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо берганда уларни ҳар бир ишини ақл тарозисига солиб қарамоқ, ўша давр ва замон шароитидан келиб чиқиб баҳоламоқ ва албатта, ўзларидан аввал ўтган ҳукмдорларга нисбатан қилган улуғ ишларига қараб хукм чиқармоқ жоиз"[71], деб ёзади. Айнан Амир Темурнинг ҳаёти, ижобий фазилатлари келгуси авлодлар учун ҳам ибратлидир. Амир Темур – буюк саркарда, ўз авлодлари, она ватани учун жуда катта маданий ва моддий ёдгорликлар қолдирган буюк зотдир.

[69] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 320-бет.
[70] Рахимов З. Хотира ва ибрат китоби. – Тошкент, 2008. – 78-79-бетлар.
[71] Ахмедов Б. Амир Темур. – 4-бет.

Тарихий манбалардан маълумки, шажаралар турли даврларда ёзилган бўлиб, ҳар бир даврнинг иқтисодий, сиёсий маънавий ҳолати инобатга олинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ ижодий намуналари ҳам узоқ аждодларимиз сак, массагет, скиер, сармат олами билан боғлиқ фольклор асарларнинг мазмуни ва айрим образлари билан ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг оғзаки ижодиётида узвийлик мавжуд. Тўмарис, Широқ, "Қирқ қиз", "Дала қурт", ҳамда Ислом динига оид "Адҳам шоҳ", "Иброҳим Адҳам", "Зунфун", "Бобо Равшан" каби қиссаларда ҳам аждодлар шажараси акс эттирилган.

"Алпомиш", "Гўрўғли" туркумидаги достонларда ҳамда "Хўжа Насриддин", "Алдар кўса" каби эртакларда тасвирланган образлар ҳам шу кунгача шажарашуносликда ўз қийматини йўқотмаган. Улардаги образлар ва воқеалар Орол ва Касбий бўйи, Дашти Қипчоқ ва бошқа дашту биёбонларда яратилган достон, қисса ва ривоятлар билан уйғунлашиб кетган"[72]

Тарихчи олимлар Б.Аҳмедов, И.Жабборов Н.А.Аристов, А.Ю.Якубовский, П.П.Шарипов тадқиқотларида; "Ўзбек" атамаси илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган. Дастлаб, бу сўзни араб муаллифи Усам Ибн Мунқиз (12-аср охирларида) ўрганган. Рашидиддинни "Ўзбек" исми билан тилга олинганлиги. Атоқли тарихчи Ҳамидуллоҳ Қазвиний XV аср Олтин Ўрда хонининг ўзбек лашкарларини ўзбеклар деб номлайди[73]. Абулғозихон "Шажарайи турк" асарида таъкидланганидек, барча жўжи эли ўзбек эли деб аталган.

Ўзбек халқининг шажараси кўп асрлик тарихини янада чуқуррок таҳлил қилиш мақсадида биз тадқиқот юзасидан қуйидаги вазифаларни белгиладик:

[72] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – 24-бет.
[73] Абулғозий Б. Шажарайи турк. – 9-бет.



1. Шажаранинг тарихий, фалсафий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёти жараёнини ва шаклланиб боришини ўрганиш.

2. Ҳукмдорлар шажарасининг ўзига хос ижтимоий, маънавий хусусиятларини ўрганиш.

3. Айрим шахсларга атаб яратилган шажараларни ўрганиш.

4. Оилавий шажара, яъни ҳар бир оиланинг етти пушти ва аждодини билишига қаратилган шажараларни ўрганиш.

Манбаларга кўра, қадимий ва тарихий аждодларга бағишланган бир қатор шажаралар яратилган. Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи Турк" ва "Шажарайи тарокима" асарлари энг ноёб муҳим тарихий ва этнологик манбалардан биридир. Абулғозийхон 1603 йилнинг 23 августида дунёга келади. Соҳиби тож бўлмиш Араб Муҳаммадхоннинг (1602-1623) тўртинчи ўғли эди. Абулғозийхоннинг "Шажарайи турк" асарида Шажара яратишда қуйидаги масалаларга кўпроқ эътибор қаратилган:

1. Тарихий маълумотлар;
2. Этнографик маълумотлар;
3. Ўлканинг иқтисодий, ижтимоий аҳволи алоҳида[74].

"Шажарайи Турк" асарининг ёзилиши ҳақида шундай дейилади: "Аммо бизнинг ота-оналаримизнинг бепарволиги ва Хоразм халқининг бевуқуффлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамиятимизнинг Абдуллахоннинг айрилган ерларидан то бизгача келгунга тарихларини билмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдуқ, ҳеч муносиб киши топмадуқ, зарур бўлди ва ул сабабдин ўзимиз айтдук"[75].

Шу тариқа бизга қимматли маълумотларни етказиб келган "Шажарайи турк" асари ёзила бошлаган. Ўзбек халқининг шажарасини ёзишга нисбатан бир қатор муносабатларнинг пайдо бўлиши давр талаби эди.

[74] Ўша манба. – Б. 3-9.
[75] Ўша манба 5-бет.

Ўзбек атамасининг келиб чиқиши муаммоси борасида ҳам турли қарашлар мавжуд. Тарихчи Б.Ахмедов ўзининг "Ўзбек" атамасининг таржимаи ҳоли мақоласида мавжуд тарихий қарашларни умумлаштириб, шундай хулосалайди:

"... Шарафиддин Али Яздий - ҳижрий 688 (милодий 1289) йил билан боғлиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Бунга кўра, ўша йили ўзбек кўшини (лашкари ўзбек) Олтин Ўрда ўғлонларидан ташкил этилган"[76].

Мирзо Улуғбек ҳам ўзининг "Тўрт улус тарихи" асарида ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида қуйидагича фикр юритади: "Тўқтойхоннинг (1290-1312) йиллари Олтин Ўрда хони подшоҳлиги поёнига етгач, ўзбек улусининг ҳукмдорлиги ҳазрати олийлари Муҳаммад Ўзбекхонга топширилди"[77].

Мазкур асарнинг ёшларда аждодларидан фахрланиш ҳиссини уйғотувчи ғоялари қуйидагиларда ўз аксини топган:

Мўғил хонликларида Чингизхонгача ва ундан кейинги бўлган ҳукмдорларнинг оиласи ҳукмдорлигидаги сиоатлари, жангдаги жасоратлари, раиятга бўлган муносабатлари ҳақида зикр этилган ғоялар. Асарда келтирилган ҳикоялардаги афсонавий воқеалар, натижада, оқил ва доно фарзандларнинг дунёга келишига оид воқеалар баёни.

Асарда айрим ҳукмдорларнинг ахлоқий сифатлари баён этилганлиги, айрим султонларнинг ахлоқи ва хулқ атвори баёни қуйидагича тасвирланган:

"Али султон яхши киши эрди, адолатли навкарларини аҳволига яхши қарайтурган одил сиёсатли бўйни берк, ҳаёси ниҳоятда зиёда эрди"[78]. Пўлат султон сифатлари – "Пўлат султон ақлсиз ва ғайратсиз тентак киши эрди. Биз кичик эрканда андин кўп нимарсалар нақл қилур эрдик анинг қилғон ишлари халқ ичиндин унут бўлиб кетмасун.... Уни одамлар ҳурматлашига чорлаш зарур эрди". Шу каби иниси Темур

[76] Ахмедов Б. "Амир Темур".
[77] Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Т.: Чўлпон, 1994. 98-бет.
[78] Абулғозий Б. Шажарайи турк. – 146-бет.



Султоннинг сифатлари – "Ақли оз, сўзи бенамак, аммо қилган ишларининг барчаси яхши".[79]

"Шажарайи турк" асаридаги ҳукмдорларга берилган шахсий сифатлар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си шажаралар ва кишиларнинг насл насабига урғу берилган йирик асарлардан биридир. Асарнинг асл номи "Вақоъе" бўлса-да, у "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Воқеоти Бобурий" номлари билан ҳам чоп этилган, кейинчалик асар "Бобурнома" номи билан машҳур бўлиб Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг муҳими ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган. Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон маълумот ва материални ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг тиниқ ва равон, гўзаллиги билан XVIII-XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган ва унинг турли қўлёзма нусхалари қидирила бошланган, ғарб тилларига таржима қилинган. "Бобурнома" 1493 йилдан 1529 йилгача бўлган вақт орасида ёзилган. Бобур бу асарни ёзар экан, ўз ҳаёти ва фаолиятига асосланади, шу билан бирга, уни ўраб турган ташқи, ички муҳит билан китобхонни яқиндан таништиради, фақат таништирибгина қолмайди, кишиларнинг яшаш тарзи, кийиниш урфи, ташқи кўриниши, яқин қариндошлари, қизиқишлари, хулқи ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтади. Бобур отаси Умаршайх Мирзо ҳақида тўхталар экан унинг фақат яхши хислатларини эмас, балки маълум камчилик, нуқсонлари устида ҳам тўхталади, бундан кўринадики, асар

[79] Ўша манба-147 бет.

маълум воқеликка асосланган. У отасининг қачон туғилгани, кимнинг авлоди, келиб чиқиш насабига тўлиқ тўхталиб, ахлоқ ва атворига тўлиқ чизги беради. Бобур аждодларининг уч сифати билан уларнинг қиёфасини гавдалантиради.

1. Валодат ва насаби.
2. Шакл ва шамойили.
3. Ахлоқ ва атвори.

Бобур отаси Умаршайх Мирзони шундай таърифлайди:

Валодат ва насаби: "Умаршайх Мирзо Султон Абусаид мирзонинг тўртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эди. Султон Абусаид Мирзо Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ Мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли эди. Умаршайх Мирзо била Жаҳонгир мирзодин кичик. Шоҳрух мирзодин улуғ эди..."[80] Мирзо Бобур шу тартибда отаси аждодлари ҳақида маълумот бериб ўтади, бу маълумотлардан кўриниб турибдики, у отасининг аждодлари, ҳақида тўлиқ билимга эга бўлган. Қадимдан подшоҳлар саройида бўлғуси тахт ворислари, шаҳзода ва маликаларга аждодлари ҳақида билим бериб борилган, айниқса, Ўрта Осиёда. Саройда махсус тарихчи фаолият юритган бўлиб, унинг иши фақат шу подшоҳ ҳаёти ва қариндош уруғлари ва яхши ишларини баён этишдан иборат бўлган. Бунинг эвазига ҳар ойда тарихчи учун хазинадан махсус маош ажратилгани ҳақида маълумотлар "Бобурнома", "Шайбонийнома" асарларида учрайди.

Шакл ва шамойили: "Паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, қуба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, боғ боғлоғондин сўнг ўзини кўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймоқта ва емоқта бетакаллуф эди".

[80] Бобур «Бобурнома», –Тошкент, «Юлдузча», 1990, 9-бет.



Бобур Мирзо отасини шундай таърифлаб берадики, кўз олдингизда шу киши тургандек, латиф тилда ҳикоя қилади.

Ахлоқ ва атвори: "Ҳанафий масҳаблик, покиза эътиқодлик киши эди. Беш вақт номозини тарк қилмас эрди, умрий қазоларини тамом қилиб эрди, аксар тиловат қилур эрди... Равон саводи бор эди. "Хамсатойи" ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эрди. Аксар "Шоҳнома" ўқур эрди... Адолатли мартабали эдики, Хитой корвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлук корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди..., икки мартаба ўзи жамиъ йигитларидин ўзуб қилич тегурди: бир мартаба Ахси эшигида, яна бир мартаба Шохрухия эшигида. Ўқни ўрта отар эди. Бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмамоғон йўқтур, Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидин хейли ярашлар урушқа ва дўстлуқлар, душманлиққа мубаддал бўлур эди.

Бурунлари кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир-икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди. Тақриб била хўб абёт ўқур эди. Сўнгралар маъжун кўпроқ ихтиёр қилур эди. Маъжунийликда калла хушк бўлур эди, етим шиор эди, лаъби даги бисёр эди, ҳамиша нард ўйнар эди, гоҳо қимор ҳам қилур эди"[81]. Бобур Мизонинг отаси ҳақида ёзганларидан беқиёс меҳр, соғинч, ғурур, фахр уфуриб туради.

Мирзо Бобур отасининг яхши фазилатлари билан бирга унинг камчилигу нуқсонларини ҳам бирдек санаб ўтади, бу билан у келгуси авлодлар учун ҳам хулоса чиқаришга, ҳам ҳақиқатнинг юзига тик боқиб камчилигу, нуқсонлардан керакли ибратни олишга ундайди. Асарнинг қиммати

[81] Бобур «Бобурнома», 10-бет.

шундаки, у маълум воқеликка асосланган бўлиб, турли ҳавой мақтовлару, ҳамду-санолардан йироқ оддий тилдан баён этилган.

Онаси Қутлуғ Нигорхоним ҳақида ёзар экан унинг Чингизхон авлодидан эканига тўхталиб, волидасининг умрининг охиригача ҳамма қийинчиликларда ўзи билан бирга эканлигини таъкидлайди ва онасининг ўн уч аждодини санаб ўтади: "Қутлуғ Нигорхоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди. Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхоннинг наслидиндур. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хўжахон ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Буғахон ибн Дувахон ибн Бароқхон ибн Есун Тува ибн Мутуғон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон..., волидам Қутлуғ Нигорхоним аксар қазоқликларда ва фаторотларда менинг билан бир эдилар. Кобулни олғондин беш-олти ой сўнгра тарих тўққуз юз ўн бирда тенгри раҳматиға бордилар"[82]. Мирзо Бобур ўз аждодларига катта ҳурматда бўлган шоҳлардан саналади. Ҳаёти давомида ҳар жума кунлари қариндошларидан хабар олиш учун албатта вақт ажратган, шундай буюк империя ҳукмдори бўлса-да, бу одатини умрининг охиригача канда қилмаган. Яна ўзининг бобокалонлари бўлган Амир Темур авлодидан эканлигидан ниҳоятда ғурурланган, Ватани Андижону Самарқандни бекиёс муҳаббат билан қўмсаб яшагани ҳар бир авлод вакиллари учун ибратлидир.

Бобур ўғилларининг адабиётга ошно бўлишини жуда-жуда истарди. Қисқа умри жангу жадаллар ичида ўтмаганида, эҳтимол, у янада буюк адиб бўлиб етишармиди. Унинг қаламига мансуб "Бобурнома"га эътибор қилсак, у ўзига нисбатан жуда талабчан ва шу билан бирга, моҳир сўз устаси

[82] Ўша манба 10 бет.



бўлганига, ҳар бир иборани ўта хассослик билан танлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳумоюн Мирзога ёзган хатида ҳам ана шу талабчанлик сезилиб туради: "Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафкум бўлмайдур. Ғолибо хат битурда қоҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттандур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ўқувчиға"[83].

Унинг адибликка бўлган меҳри ва иштиёқи жажжи қизалоғи Гулбаданга ўтганини кўрганида, Бобур бундан чексиз ҳайратга тушган ва албатта, мамнун бўлган бўларди. Гулбадан бегим ўз асарларида акаси Ҳумоюн каби ортиқча такаллуфларга берилмаган[84].

Фанда "Истеъдод мерос бўлиб ўтмайди" деган ақида мавжуд, лекин Амир Темурнинг улуғ истеъдоди кичик ўғли Шоҳрух мирзо орқали Улуғбекка ўтганлиги, унинг ўртанча ўғли Мироншоҳ эса отасининг ўлмас даҳосини чевараси Мирзо Бобурга етказиб берганлиги тарих томонидан тасдиқ этилган ҳодисадир. Айниқса, Амир Темурнинг улуғ давлат арбоби ва енгилмас саркарда сифатидаги истеъдоди икки асрдан сўнг, Бобур Мирзонинг набираси Акбар шоҳда янги бир шаклда қайта тирилгани шарқнинг барча машҳур тарихчилари томонидан эътироф этилган. Акбарнинг меъмор сифатидаги истеъдоди эса унинг невараси Хуррам шоҳ (тарихда Шоҳжаҳон номи билан машҳур)да янада баланд даражада намоён бўлди. У инсоният тарихида кам учрайдиган муҳаббат, қудрат ва умрбоқийлик тимсоли – Тожмаҳални яратди.

Машҳур Ҳинд адиби Жавоҳарлал Нерунинг инглиз мустамлакачилари қамоқхоналаридан ўз қизи Индира

[83] Ўша манба, 113-бет.
[84] Годен Р. Гулбадан. Тошкент.: Шарқ. 2007, 35-б.

Гандига ёзган мактубларида Акбар Ҳиндистонни бирлаштирган ва ҳинд миллатига ота бўлган улуғ сиймолар қаторида тилга олинади. "Фақат шоҳлик мартабасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган кўп тождорлар орасида Акбарнинг чинакам мардона қиёфаси юксакка бўй чўзиб, ҳалигача бизни қойил қилиб келаётгани ҳайрон қоларли ҳол эмасми!"[85],-деб ёзади Жавоҳарлал Неру.

Бу улуғ сулоланинг сарзамини бизнинг қадим Туркистондир. Бу сулола вакиллари ҳар доим ўзларининг Амир Темур авлодидан бўлган темурийзода бўлганликлари билан ифтихор қилганлар. Шу ўринда 1405 йилда вафот этган Соҳибқирон Амир Темурнинг қиличи 1605 йилда Акбарнинг ўғли Салим (тарихда Жаҳонгир номи билан)га етиб келгунча роса икки юз йил вақт ўтган, бу икки асрнинг даҳшатли тўполонларида бобокалонларининг қиличини асраб авайлаб, авлоддан авлодга етказиб келган Мирзо Бобур ва унинг ўғилу невараларидир. Бу ўз навбатида аждодларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзидир. Ҳар сафар қилични янги соҳибига топширишдан олдин "Бу қилич бобокалонимиз Амир Темурга тегишли, албатта уни адолат учун бўлаётган жангларда тақинг, шунда сизга зафар олиб келгай, қилични асраб авайланг ва келгуси авлодларга мерос қолдиринг"[86], –деб васият қилишган.

"Бобурнома" тарихий манба бўлиши билан бирга, ўзбек адабиётининг қимматли ёдгорлиги ва ўзбек адабий тилининг ёрқин намунаси ҳамдир. Асарнинг марказий ва етакчи шахси Бобурнинг ўзи бўлиб, у асарнинг бошидан то охиригача тарихий воқеаларни баён этувчи киши сифатидагина эмас, балки воқеаларнинг иштирокчиси бўлиб гавдаланади.

Тадқиқот доирасида Ғарб мамлакатларидаги шажара ёзиш муаммосини назарий жиҳатдан ўргандик. Россия олимлардан

[85] Файзиев Т. Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари, –Тошкент.: Ёзувчи, 1996, 3-бет.
[86] Ўша манба, 124-бет.



В.С.Мартишина "Твоя родословная", И.Анисимова "Обзор дворянских родословных книг", О.Щербагов "Гнеалогический портрет" асарида шажарани ўрганувчи генеология илми ҳақида шундай ёзган эди: Инсоният тарихини ўрганиш, аждодлар шажарасини яратишни ўрганадиган фан — генеологиядир.

Аждодлар шажарасини ўрганиш, манбалари, аждодлар шажараси воситасида оилада миллий ғурур ҳиссини шакллантириш илмий тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, бу борадаги илмий қарашларни ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни белгиладик:

1. Ҳар бир миллатнинг менталитети асосида яратилган шажаралар тарихига оид манбаларни ўрганиш.

2. Мутафаккир, алломаларнинг ижодиётида замондошлар шажараси ёзилиши ҳақидаги қарашлар ва манбаларни ўрганиш.

3. Шажарани фан сифатида, яъни "генеология" сифатида ўрганишдаги илмий қарашлар билан танишиш.

4. Ўзбекистонда шажара яратиш борасидаги изланишлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ва мос менталитети мавжудлиги сабабли, комил инсоннинг маънавий етукликка эришишида, аждодларга садоқат ҳиссини тарбиялашда ўша миллатнинг ва жамиятнинг менталитетига хос тарбия жараёнидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Менталитет (лотинча menhtalis-ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос қобилият даражаси, маънавий салоҳият, жамият, миллат ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодларини ҳам қамраб олади.

Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт шароити, ижтимоий фаоллиги ва бир қанча омиллар билан боғланган бўлади. Тарихчиларнинг фикрича, ўзбек миллати менталитети шаклланиш жараёни уч ярим минг

йиллик тарихга эга, ўзбек халқи менталитети мазмунида миллий қадриятлар бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жамоа бўлиб яшаш, миллий ғурур, ор-номус, ҳалоллик, ориятлилик, қариндошлик туйғусининг устунлиги, ота-она ва оламдан ўтган аждодларни эъзозлаш, улар томонидан қилинган яхши, савобли ишларни давом эттириш каби сифатлар муҳим ўрин тутади..

Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асари, унинг илмий раҳбарлиги ва шахсан иштирокида яратилган ва 1425 йилда ёзиб тугатилган. Асар "Улус-а арбаъ-йи Чингизий", яъни "Чингизларнинг тўрт улуси", "Тарихи-й арба улус", ("Тўрт улус тарихи") номлари билан машҳур бўлган. Оврупа шарқшунослари орасидан полковник Майлс бу китобни "Шажарат ул-атрак", "Тўрт (ҳоқон) ларнинг шажараси" деб атади. "Тўрт улус тарихи" асарининг энг муҳим томони шундаки, Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида ва Ғарбий Сибир Ўзбекхон Олтин Ўрда тахтига ўтирмасдан бир мунча илгари ҳам "Ўзбек улуси" деб аталган.[87] Демак, шу катта маконда кўчиб юрган турк-мўғил қавмлари "Ўзбек" деган битта умумий ном билан аталганлиги алоҳида таъкидланади. Шу пайтгача фанда "ўзбек" халқ номи сифатида XV аср охири XVI аср бошларида Дашти Қипчоқдан кўчиб ўтган деган фикр ҳукмрон эди. "Тарихи-й арбаъ улус"да келтирилган маълумотда "ўзбек" халқ номи сифатида кириб келганлиги асосланган. Бундай маълумотлар Муқаддимайннинг "Зафарнома"сида, Б.Аҳмедовнинг "Государство кочевых узбеков"[88], Бобурнинг "Бобурнома"[89]сида, Р.Годеннинг "Гулбадан"[90], Абулфазлнинг "Акбарнома"сида, Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома", Фитратнинг "Раҳбари нажот"[91], М.Осимнинг "Аждодлар фожеаси"[92], Т.Файзиевнинг "Бобур ва унинг авлодлари"[93] каби асарларда ҳам ўз аксини топган.

Ўрта Осиёдаги мутафаккир ва уламолар ўз асарларида ватандош маслакдош шахсларнинг ҳаёти, маънавий ахлоқий сийратларига доир асар яратиб улар ҳақида кенг маълумот берганлар. Масалан, Навоий "Мажолисун-нафоис" асарида Мирзо Улуғбек ҳақида шундай ёзган: "Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръонни мажид ёдида эрди. Андоқким, зиж битти ва расад боғлади". "Абдулатиф Мирзо - савдойи мижоз ва васвасий табъ ва девонасар киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб (қизиқ) бадфеълликлари бор эрдиким зикридан беҳисоблик лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишмад ва подшоҳ отасини ўлтурди".

Султон Соҳибқироннинг боболари Ҳофизи Абрў "Зубдат ат-таворих" асарида Амир Темурнинг насл насаби ҳақида маълумот беради: "Гарчи Султон Сохибқироннинг улуғворлиги, аслзодалиги, олижаноблиги, саховатлилиги, олийҳиммат ва олий қадр"[94], — деб ёзади. Бироқ, қадим замонларда мўғул амирларининг одатлари шундай эканки, улар ўз ота-оналари, ота-боболари насабини ёдда сақлаб келганлар, ўз вақтида буни ўз болаларига ҳам ўргатганлар ва бу анъана авлоддан авлодга ўтиб давом этиб келган. Шу сабабли улар орасида ўз қабиласи ва насаби, аждодлари шажарасини билмаган бирор киши бўлмаган[95].

Хожагон тариқатининг йирик вакили Абдухолиқ Ғиждувонийнинг сулоласи ва замондош дўстлари маслакдошлари ҳақида Муҳаммад Толиб Ғиждувоний томонидан ёзилган "Матлаб ут-толибон" ("Толибларнинг

---

[87] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.Т.: Чўлпон,1994.198-бет.
[88] Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. - М., 1965, С 195.
[89] Бобур «Бобурнома».
[90] Годен Р. Гулбадан, 129-бет.



[91] Фитрат А.. Танланган асрлар. Тошкент.: "Маънавият" -2000.
[92] Осим М. Аждодларимиз фожеаси, Тошкент.: F.Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.- 269-бет.
[93] Файзиев Т. «Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари». Тошкент.: «Ёзувчи», 1996.-3 бет
[94] Навоий «Мажолисун-нафоис», 12-жилд, 172-173.-бетлар.
[95] Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотрасида. Тошкент.:"Ўкитувчи",1996.-299-301-бетлар.

мақсади") китобида ҳожагонийлар тариқати унинг силсиласи ҳамда Бухоро Жубарий шайхлари ва муридларининг аҳволи баён қилинади. Асарда Абдул Аббос Муҳаммад Толиб ва Ғиждувонийнинг устози Хожа Ҳамадоний ҳақида 38-халқада, 39-халқасида эса Абдухолиқ Ғиждувонийнинг таржимаи ҳолини келтирган[96].

Маърифатпарвар А.Фитрат "Раҳбари нажот" асарида авлодлар тарбиясига алоҳида эътибор берган эди: "Ҳеч шубҳа йўқки, одамлар неча дин, маҳзаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар бир отанинг фарзандларидир, бир жинсдирлар, бошқа ибора билан айтганда бир-бирига биродардирлар", дейди ва ҳадисдан илова қилади:

"Худо (одамларга) ўз хеш, ақраболарини, яқинларини адлу эҳсон ва яхшилик ила зийнатламоқни амр этгандир"[97].

Биз тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб шажарани ўрганиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш борасида олиб борган изланишларимиздан қуйидагиларни аниқладик.

Аждодлар шажарасини қадим замонлардан авлодлар хотирасида мустаҳкамлаш мақсадида оилаларда, дастлаб насаб дафтарлари, кейинчалик, шажара китоблари тузилган ва ўша давр қозилари томонидан тасдиқланиб авлодларга мерос қилиб қолдирилган. Бунга мисол қилиб Ғ.Ғулом уй музейида сақланаётган, Ғ.Ғулом аждодларининг шажарасини кўрсатиш мумкин. Бунда адибнинг 13 та аждоди вакиллари зикр этилган ва ўша давр қозиси муҳри билан тасдиқланган. Бу шажара адибнинг қизи О.Ғуломова ташаббуси билан давом эттирилган бўлиб, шажара адибнинг авлодлари ҳақида маълумот беради.

Ғарб давлатларида ҳам шажаралар мавжудлиги билан бирга, уни фан сифатида ўрганиб, олимлар тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Жумладан, В.С.Мартишина ўзининг "Твоя родословня" асарида ўрта умумий таълим мактабларида 11

[96] Хасаний, Қиличева К. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. Тошкент.: "Фан", 2003-22-бетлар.
[97] Фитрат А.. Танланган асарлар.Тошкент.: "Маънавият". 2000.



йилга мўлжалланган ўлкашунослик дастурини яратган. Унга кўра:

- 3-синф ўқувчилари учун оила тарихи;
- 4-синфлар учун аждодлар шахси;
- 5-6-синфлар учун Растов ўлкасининг тарихи;
- 7-синф халқ қадриятлари тарихи;
- 8-синфлар учун рус қишлоқ халқининг тарихи;
- 9-10 - синфларда ватаннинг ҳозирги ва ўтмишдаги иқтисодий ўсиши ўрганилади;

Муаллиф дастурда асосий эътиборни шажаранинг келиб чиқиш тарихи ва уни нима учун ўрганиш кераклиги масаласига қаратган. Дастур учун 32 соат ажратилган, у қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Бу нима учун керак?
2. Аждодлар олдидаги мажбурият.
3. Аждодлар, ҳақида ёзамиз.
4. Генеология фан сифатида.
5. Генеалогик манбалар.
6. Ўз аждодларимни ҳурмат қиламан...

Шу тариқа муаллиф 31 бўлимдан иборат аждодларни ўрганиш дастурини амалиётда синаб ўз методикасини яратган.

Генеология фани юзасидан олимлардан В.С. Мартишина, М.С. Гостов, Л.М. Савельев, А.Н. Онучина ва бошқалар, ўз тадқиқотларида шажарани ўрганишга оид ишлар олиб борганлар ва "Генеология" фанига асос солиб, ўқув қўлланма ва дарслик яратиш муаммоси билан шуғулланганлар. Олим Т.Файзиев "Бобур ва унинг авлодлари" асарида "Бобурнома" асарининг мазмунини янада такомиллаштириб, Бобур Мирзонинг авлодлари ҳақида, унинг атрофидагилар ҳақида фикр билдиради. Олим таъкидлаганидек, Бобурнинг "Бобурнома" асари асрлар, замонлар оша ўз маънавий кудратини ошириб борувчи бобокалонимиз Бобур Мирзо Ҳазратлари ва унинг жаннатмакон авлодлари ҳақида бизга тарихий ва қимматли маълумотларни

етказиб келган нодир китобдир[98]. Хорижий давлатларда қадимдан шажаранависликда шоҳ ва ҳукмдорларнинг авлодлари шажарасини ўрганишга катта эътибор қаратилган. Р.Годеннинг "Гулбадан" асари билан бирга олимлар қадимий шажарани ўрганишда тарихий обидалар, қурилган мачит ва мадрасаларнинг ўрни, шу билан бирга қадимий тангалар, қурол аслаҳалар, медаллар, тамғалар ва айрим даҳоларнинг шажараларига эътибор қаратганлар.

Масалан, Соҳибқирон Амир Темур "Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз биз қурган иморатларга қаранг", – деб ёзади. Ҳақиқатда ҳам Амир Темур даврида қурилган иморатларнинг салобати ҳозирда ҳам дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. У барпо этган бинолар яна йиллар давомида Ватанимиз номини тиллардан туширмайди, бу эса ўз навбатида келажак авлодлар учун ибрат ва миллий ғурурни уйғотуви омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадқиқот олиб бориш даврида мавзуга оид адабиётлар билан танишиш оилаларда аждодларни ўрганишга оид қадимий тажрибалар, респондетларнинг оилавий фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш натижасида оилада аждодлар шажарасини ўрганиш жараёнининг умумий моҳиятини ёритишни асосий вазифа қилиб олдик.

## Шажара яратиш методикаси

Оила – кичик Ватан. Ватан эса саждагоҳ каби муқаддас. Бу мўътабар гўшада инсон дунёга келади. Ривожланади, шаклланади, камол топади. Айни ана шу унсурлар кимда қандай шаклда мавжудлиги, унинг даражаси ва миқёси орқали инсоннинг жамиятдаги ўрни белгиланади.

Инсоннинг маънавий олами оилада шаклланади. Оилавий муҳит – тарбия асоси, ахлоқий ва маънавий камолот ўчоғи. Инсоннинг ўзини англаш, ҳаёт ва юксакликка интилиш ҳисси дастлаб ана шу ерда пайдо бўлади. Оиладаги маънавий-руҳий

[98] Файзиев Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари, 3-бет.



муҳит таъсирида ривожланади. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов "Оила ҳақида гапирар эканмиз, аввалам бор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг доимийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор"[99], – деган эди. Оилада болаларнинг аждодлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши уларнинг хайрли ишларидан хабардор бўлиши ва ибрат олиши оиладаги тарбиявий муҳит даражасини кўрсатади.

Республикамиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг унутилган миллий қадриятларимиз, урф-одат, анъаналаримиз яна қайта тиклана бошлади. Шу билан бирга ўзбек миллатига хос бўлган аждодлар меросига бўлган ҳурмат эҳтиром ҳам тикланди. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ота-боболардан мерос таълим-тарбия, уларнинг касб-кори, уларга бўлган иззат ва ҳурматга ҳам боғлиқ. Аждодлар қолдирган моддий, маънавий бойликларга ҳурмат аввало оиладан бошланади. Оилада болаларга аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос ҳақида тушунча бериб бориш натижасида болаларда ўзлик, миллий қадрият ва анъаналарга содиқлик шаклланиб боради. Бу эса уларда миллий ғурурнинг шаклланишига замин яратади. Болаларнинг аждодлар шажарасини билишида таълим тизимидаги таълим-тарбия ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, оилада болаларнинг аждодлар шажараси ташкил қилиниши тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Болаларга етти пушти ва аждоди кимлиги ҳақида маълумот бериш, она ватанни севиш ва авлод-аждодларидан фахрланиш, миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бола тарбияси – бу асрлар, замонлар муаммосидир. Уни ҳал этиш йўлида қанча адабиётлар яратилган, шу масала билан

[99] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 400-бет.

шуғулланадиган педагогика фани таркиб топган. Шарқу Ғарб алломалари бу мавзуда рисолалар яратган, бугунги кунда бу масала давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Болани инсоний фазилатларга ошно, аждодлари меросига содиқ қилиб тарбиялашни оиладан бошламоқ зарур. Бунинг учун болага ўз Ватанидаги миллий қаҳрамонлар, мутафаккирлар, олиму уламолар, аждодлар ҳақида маълумот бериш, шу билан бирга улардан фахрланиш, миллий ғурур ҳиссини шакллантириш лозим.

Тарбия жараёнида барча омиллар ичида энг асосий ва муҳим ролни оила ўйнайди. Оилада ҳукм сурган вазият, ота-она ўртасидаги ва фарзандлар ўртасидаги бир-бирига бўлган муҳаббат, ҳурмат эътибор ва бир-бирига самимий қизиқиш ва бошқалар оилавий тарбиянинг асосини ташкил этади. Оила аъзоларининг ўз қариндошларини эслаши ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади. Аждодларни хотирлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш болаларда юксак миллий ғурур ҳиссини тарбиялайди. Бунинг учун ҳар бир оила ўз оилавий шажарасини яратмоғи зарур, чунки бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз қандай ҳаёт кечирганликларини, уларнинг ҳаётлигида сўраш, видео тасмаларга ёзиб олиш, фото альбомлар тайёрлаш зарурки, ўз вақтида улар билан келгуси авлодни таништириш имкони бўлсин.

Шажара яратилгандан сўнг, оилада қуйидаги тарбиявий ишларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир: марҳумларни хотирлаш билан боғлиқ анъаналар яратиш, қабрларни обод қилиш, уларнинг касб-корини давом эттириш, дастурхонга фотиҳа ўқиганда уларни эслаш; мазкур ишлар орқали болаларимизда ўтган аждодлар, буюк боболар, халқ қаҳрамонлари ҳаёт йўлини ўрганиш, шу билан бирга кимнинг авлодидан эканлиги билан фахрланиши лозимлигини уқтириб бориш.



1-расм.



Кузатишлар шуни кўрсатадики, генеология фан сифатида айрим олий ўқув юртларида махсус курс сифатида ўрганилмоқда. Масалан, Республикамиздаги Шарқшунослик иститути 4-босқич талабаларида ўтиладиган махсус курс учун 36 соат ажратилган бўлиб тарихимиздаги шажаралар ҳақида билим берилмоқда. Олий таълимда "Педагогика", "Биология", "Тарих" фанларини ўқитиш жараёнида қисман "ирсият-генетика" ҳақида маълумот берилади. Лекин "Генеология"ни фан сифатида ўрганиш борасида илмий изланиш олиб борилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Профессор Ж.Ҳасанбоевнинг "Ўзбек генофондини сақлаш миллий педагогикамизнинг устивор вазифаси" мақоласи матбуотга "мулоҳаза" сифатида эълон қилинган. Лекин оиладан бошлаб таълим тизимида аждодлар шажараси ва у орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришни ўрганишга оид махсус манбалар мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Ишнинг навбатдаги бўлимида аждодлар шажарасини ўрганишда таълимий ва тарбиявий имкониятлар ва оилада аждодлар шажарасини ўрганиш орқали болаларда миллий ғурурни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати хусусида сўз боради.

Оилада аждодлар шажараси воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жуда кенг имкониятга эга. Ҳар бир инсон ўз ғурури, қадр-қиммати, Ватани ва халқи олдидаги масъулиятини ҳис эта олса, уни ҳаётида мазмун ва маъно бўлади.

Ғурур бу – фахрдир, ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди, ота-она қобил фарзандидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан ғурурланади.

"Миллий ғурур бу – миллий ифтихордир. Миллий ифтихор – миллат ўзининг яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли



равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли руҳий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон – қариндошлик, тил, маданият, иқтисодий ҳаёт, келажак бирлиги, вакиллар қалбидан ўрин олади"[100]. Аждодлар шажарасини билиш ёш авлодда аждодлар шажараси асосида миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш ҳар бир оила учун фарздир.

Баркамол авлодда аждодлар шажараси асосида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда ўз аждодларини, шунингдек, Ватан равнақи учун катта мерос қолдирган ва шу кунда мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи учун ғайрат ва шижоат кўрсатаётган авлодлар сиймолари ҳақида оилада билим бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Муаммонинг ғоят долзарблигини ҳисобга олиб бу борада олиб борилган тарихий, педагогик, психологик, ижтимоий, маънавий манбаларни ўрганиб тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, оилада аждодлар ҳақида муайян билим ва тушунчаларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Аждодларимизни англаш ва уларнинг қилган ишларидан ғурурланиш кўп жиҳатдан ёшлар қалбида улар ҳақида тўлиқ маълумот беришимизга боғлиқ. Олим Худойқулов бу борада шундай ёзади: "Ғурур инсонларга берилган туйғулар ичида энг бебаҳосидир... Ғурури бор одам, халқининг ғururига, халқ эса Ватанининг обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшади"[101].

Оилада аждодлар шажараси воситасида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда:

-Ўзбекистонда яшаб ўтган турли даврлардаги аждодларимизнинг жасорати ва маънавияти ҳақида болага билим бериш;

-болаларда мустақил Ўзбекистонда яшаб ижод этган аждодларга нисбатан миллий ғурур ҳиссини уйғотиш;

[100] Иброхимов А.,Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. "Ўзбекистон", Т-1996, 29-30-бетлар.
[101] Ўша манба. 177-178-бетлар.

-Ўз аждодлари шажарасини ўрганиш ва аждодлари шажарасини яратишга шарт-шароит яратиш.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Президент И.Каримовнинг қуйидаги фикрга асосланмоқ лозим:

"...мен мумтоз ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам "сиз"лаб гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига ишонч ҳосил қиламан"[102].

Аждодларимизнинг юксак маънавият, ахлоқий салоҳиятини ўрганиш ва фарзандлар тарбиясида энг юксак тажрибалардан фойдаланиш ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Оила тарбиясининг умумий назарий асосларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотларда биз танлаган муаммо ўз ечимини топмаган.

Шажара ҳақидаги манбалар билан танишиш шуни кўрсатадики, ҳар бир инсон қайси аждод ва авлод давомчиси эканлигини билиши лозим.

Оила аъзолари ўз қариндошларини эслашининг ёш авлод тарбияси учун муҳимлиги шундаки, бола ўзлигини англайди, аждодлари касб-кори, яшаш тарзидан хабардор бўлади, шу орқали аждодларига нисбатан ғурур ва фахр ҳиссини туяди. Аждодларни хотирлаш улар қолдирган моддий, маънавий меросни ўрганиш болаларда юксак миллий ғурур ҳиссини тарбиялайди.

1. Кўпчилик – яъни бобо-буви, ота-она, қариндошлари билан яшайдиган оилалар; мазкур оилаларда оилавий муносабатларнинг барқарорлиги катта аждоднинг кичик авлод

[102]Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, 55-бет.



вакиллари билан ўзаро мулоқоти, аждодлар ҳақидаги суҳбатлар, оилавий анъана ва расм-русмлар, маросимларнинг ташкил этилиши.

2. Фақат ота-она ва фарзандлар яшайдиган оилалар; мазкур оилаларда болаларга ота-оналар фақатгина анъанавий кунларни нишонлашда аждодлари ҳақида маълумот берадилар.

3. Ёлғиз яшайдиган, яъни нотўлиқ оилалар; мазкур оилаларда ота ёки онанинг йўқлиги сабаб фарзандларга бир аждод вакиллари ҳақида билим берилади. иккинчи аждод вакилларига нисбатан нафрат уйғотадилар, натижада болалар ўз аждодлари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлмайдилар.

Тадқиқот жараёнида танланган оилаларда ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатадики, "Шажара" атамасини биласизми саволига жавобларни (0,20) кўпчилик яшайдиган оилада, (0,2) ота-она ва фарзандлар билан яшайдиган оилада, (0,1) нотўлиқ оилада ота ёки она тарафи ҳақида маълумотга эгалар.

Аждод ва қариндошларингизнинг неча авлодини, уларнинг исми, ҳаёти ҳақида биласизми саволига (0,50) тўлиқ оилада (0,15) нотўлиқ оилада маълумотга эга. Ўтказилган социологик тадқиқотдан маълум бўлдики: 5-6 авлодни билувчи оилаларда анъанавий ёдномалар ўтказиш, расмларни уйда осиб қўйиш, тез-тез эслаб туриш, қабрларни зиёрат қилиш, уларнинг ибратли фазилатлари ҳақида ҳикоя қилиш каби ишлар олиб борилган. Қариялар йўқ оилаларда икки аждоднинг фақатгина номлари, қачон вафот этганлари ҳақида маълумотга эга эканлар.

Демак, оилада қариндошлар оламдан ўтганда ҳам улар ҳақида болаларга билим беришга эътибор қаратиш лозим. Халқимизда шундай нақл бор, етти авлодни билиш фарз, бас шундай экан, ота-оналарнинг муҳим ишларидан бири фарзандларимизга кимнинг авлоди эканлигини эслатмоқ ва

уларни эслаш билан фахрланиш ва юксак даражадаги миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш лозим.

Оилада аждодлар шажараси асосида миллий ғурур ҳиссини болаларда шакллантириш ҳолатини аниқлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгиладик:

- оилавий шажарани ўрганишдаги илғор тажрибалардан ижодий фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикасидаги оилаларда аждодлар шажарасини ўрганишга оид мавжуд ишларни умумлаштириш;

- ўтмишда яратилган шажараларни ёзиш методикасини аниқлаш;

- оила аъзоларининг ўз аждод – авлодларига бўлган меҳр, оқибат, ўзаро ҳурмат, муомала ва муносабат даражасини ўрганиш;

Аждодлар шажарасини яратишни ўрганиш жараёнида "Шажаранависликнинг" турли методикаларини таҳлил қилиб ўргандик.

- шажара яратишни нимадан бошлаш керак?
- қандай ҳужжатлардан фойдаланиш лозим?

Шажара тузиш тартиби:

- туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар;
- ота-боболаримизни исми ва уларнинг ота аждодлари, ҳамда она аждодларининг исми фамилиялари;
- никоҳ ҳақидаги гувоҳномалар;
- оламдан ўтганликлари ҳақидаги маълумотлар;
- меҳнат дафтарчалари;
- маълумотлари;
- инсоний фазилатлари;
- фарзандлари ҳақидаги ҳужжатлар;
- касб-корлари ҳақида маълумот;
- расмлар, видеолавҳалар;



Юқоридаги материалларни тўплагандан сўнг аждодларни тартибли равишда дарахт шохларига кетма-кет қўйиб чиқилган.

I. Дарахт шаклидаги шажара .

II. Тартибли жадвал тариқасида ёзилган шажара.

Тарихчи олим Т.Файзиев Темурийлар шажарасини ўрганиб, қуйидаги методикада Амир Темур ва унинг авлодлари шажарасини маълум тартибли жадвал асосида ишлаб чиққан: Шохрух Мирзо шажараси, Мироншоҳ Мирзо шажараси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шажараси. Шулардан айрим намуналарни келтирамиз.



Дарахт шаклидаги шажара.


Мухаммад Жаҳонгир Мирзо (1356-1376)
Умаршайх Мирзо (1356-1394)
Мироншох Мирзо (1366-1408)
Амир Темур
Оға Бегим Хоним
Султон Бахт Бегим
Шохрух Мирзо (1377-1447)




Шохрух Мирзо 1377-1405-1447
Жон Ўғлон Мирзо (1403-1411)
Муҳаммад Ердий Мирзо (1404-1409)
Иброхим Султон Мирзо (1394-1435)
Муҳаммад Жўки Мирзо (1403-1445)
Суюрғатмиш Мирзо (1398-1427)
Улуғбек Мирзо Курагон (1394-1409-1449)
Султон Абу Исох Мирзо(1419г1427)
Абдуллo Мирзо (1433-1450-1451)
Исмоил Мирзо (1423-1432)
Султон Маъсуд Мирзо(1413-1443)
Қорачар Мирзо (1414-1439)
Али Аскар Мирзо (1428-1446)
Абдул Азиз Мирзо (1430-1449)
Абдурахмон Мирзо (1421-1432)
Абдул Латиф Мирзо(1428-1450)
Ибодулло Мирзо (1412-1433)
Абдулло Мирзо (1420-1433)
Мухаммад Қосим Мирзо (1422-1447)
Али Мирзо (1423-1424)
Абу Бакр Мирзо (1427-1447)
Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397-1443)
Муҳамаб Жўки Мирзо (1449-1464)
Аҳмад Мирзо (1447-1457)
Абураззоқ Мирзо Таваллуди, вафоти номаълум
Махмуд Мирзо Таваллуди, вафоти номаълум
Мухаммад Боқий Мирзо 5 ёшда вафот этган
Алоуд-Давла Мирзо (1417-1460)
Абулқосим Бобур Мирзо(1422-1449)
Султон Мухаммад Мирзо (1418-1450)
Абул Хорис Бойсунғур (1435-1471)
Махмуд Иброхим Мирзо (1440-1459)
Шох Махмуд Мирзо (1446-1459)
Саъд Ваккос Мирзо (1437-1467)
Мухаммад Ёдгор Мирзо (1451-1470)


Тешабой
Раҳимбой
Бозормуҳаммад
Кўзимуҳаммад
Бобомуҳаммад
Музаффар
Муҳаммад Ато (1872-1946)
Абдуҳаким т.ў. (1898-1971)
Рихобза
Ҳалима
Насриддин
Сокижон
Хотира
Карима
Хожиниса
Боқижон
Мансур
Абдуҳаким
Асрор
Ҳамида
Абдулла
Абдуқаххор
Абдумажид
Абдуахад (1923-2004)
Абдуқодир 1926-1996
Лутфихон 1930-…
Абдулазиз.ў. Муқаддас
Абдурауф т.ў. Зарифа
Абдураҳим т.ў. Шахноза
Сиддиқа т.ў. Авазбек
Фотима т.ў. Дилшод
Зухра т.ў. Умиджон
Захро
Тоҳир
Абдулхай
Дилдора
Рухсора
Абдуазим
Махзуна
Нусратбек
Иззатбек




Мирдадабой 1709-…
Мирхошимбой 1740-…
Миркамолбой 1787
Миртиллабой
Сифат 1843
Миржалил 1837-1927 Сифат 1843
Мирхалил 1837-1927 Нури
Ортикхўжа Чўян ва тўп ўқи қуювчи уста 1790-1850
Мирмуллахожи бой
Нури
Фазлиниса 1905-1996
Фазлиниса
Марҳамат
Шафоат
Сайди
Мирхожи
Маърифат
Ҳақиқат
Тоҳир
Миркиёб
Раҳима
Тошбуви
Юсуф
Лутфи
Латиф
Марям
Гулилола
Гулчеҳра
Гулфарих
Абдурашид
Ўлмаскамол 1941- Мэлс
Абдумавлон т.ў Нафисахон
Абдураҳмон т.ў. Малихахон
Абдусамат т.ў Севара
Соҳибжамола т.ў. Тимур
Абдумалик
Абдурасул
Нозима
Нурмуҳаммад
Азиза
Аббос
Абдусаид
Давронбек
Лейла

Князь Романовларнинг 1613-1913 йиллар давомида яратилган шажараси ўзига хослиги, ҳар бир авлод ҳақида тўлиқ маълумот берганлиги билан ажралиб туради. Бунда маълумот бериш жараёнида қуйидагиларга эътибор берилган:

1. Князлик тожлари.
2. Князь Романов ҳақида тўлиқ маълумот берилган (расми ҳамда фаолияти).
3. Аждодлари хукмдорлиги даврига оид эпизодлар, расмлар.
4. Ўша даврдаги бинолар, шаҳарларнинг кўриниши ҳамда князларга қўйилган ҳайкаллар.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, оилавий аждодлар шажарасини яратиш методикасидан бири бу музейларни ташкил этишдир. Музей шаклида яратилган шажаралар қуйидаги йўналишларда борлиги аниқланди:

-Буюк давлат арбоблари музейи — “Темурийлар тарихи” давлат музейи;

-Буюк ёзувчи, шоирларнинг оилавий музейлари Ғ.Ғулом, А.Қодирий, О.Шарафиддинов, Ойбек, Зулфия хоним уй музейлари;

-Санъат дарғалари хотирасига ташкил этилган уй музейлари: Ю.Ражабий, Тамарахоним, Ҳ.Носирова, Ш.Бурҳонов ва бошқаларнинг уй музейлари.

Бу каби музейлар ҳам аждодлар шажарасининг ўзига хос ёрқин намунасидир. Президент И.Каримовнинг сайъ-ҳаракатлари орқали қадимий обидаларимиз обод бўлди. Буни кўрган баркамол авлод қалби ғурур ҳисси билан янада сайқал топади. Буюк маънавият оламининг пешволари ўз даврининг йирик олимлари ҳам якка шахснинг сифатларини асословчи шажаралар яратганлар.



Тасаввуф оламининг йирик намояндаси Абдухолиқ Ғиждувоний ўзининг 11 та пир, сафдошларининг ҳаёт йўлини шажара сифатида қолдирган[103]. Бу маълумотлар М.Ҳасаний ва К.Қиличева томонидан жамлаб китобхонлар аҳлига тақдим этилган. Мазкур шажаранинг мазмунида илм аҳлининг ҳаёти, ёзган асарлари ва шахс камолоти ҳақидаги ғоялар кетма-кет баён этилган.

Юқорида тадқиқот доирасида шажаранавислик методикасини ўрганиб таҳлил этдик. Шажарани қулай ва мукаммал ёзиш, аждодларни тўлиқ ўрганиш уларнинг сиймоларини келгуси авлод қалбига сингдириш аждодлари давомчиси сифатида уларнинг ғурур ва ифтихор билан яшашини таъминлайди.

1. Шажара-аждодларнинг насл-насабини билиш, уларга хурмат изҳор этиш, оилада ҳамжиҳатлик, қадр-қимматнинг сақланиши, ўзлигини англаш, миллий ғурур ҳисларини шакллантириш, маънавий ахлоқий куч бўлиб хизмат қилувчи муҳим воситадир.

2. Марҳумларни эслатувчи анъаналарни яратиш, уларнинг қабрларини обод этиш, аждодлар касб-корини давом эттириш, улардан қолган моддий- маънавий мерослар асосида оилада кичик бурчак ташкил қилиш, дастурхонга фотиҳа ўқилганда улар номига Қуръон тиловат қилиш ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

3. Ҳар бир оила ўз аждодлари ва авлодлари шажарасини яратмоғи зарур, чунки бува-бувиларимиз қандай ҳаёт кечирганлари уларнинг касб-кори ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ўз вақтида миллий ғурур ҳиссини шакллантиради. Аждодлар ҳақидаги маълумотларни видео тасмаларга ёзиб олиш, уларнинг ҳаётларини акс эттирадиган фото альбомлар

[103] Ҳасаний М., К.Қиличева Ғиждувоний илм аҳиллари ҳақида.-Тошкент: Фан, 2003.

тайёрлаш, улар қолдирган маънавий, моддий мерос орқали ўз вақтида аждодлар ҳақида келгуси авлодларга маълумот етказиш имкони бўлади.

Ота-оналар ўз фарзандларида аждодлар шажараси асосида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- ота-оналарнинг ўзлари миллий ғурур ҳисси ҳақида билимга эга бўлишлари;
- ота-оналарнинг ўзлари ўз аждодларининг шажарасини тўлиқ билишлари;
- ота-оналар ўзлари оилада шажара ёзиш ва шажара китобларини давом эттириш ҳақида авлодларга тушунча беришлари;
- аждодларни эъзозлаш ва қариндошликнинг давомийлигини таъминлай олишлари.

Аждодлардан қолган моддий-маънавий меросни кўз қорчиғидай асраш, миллий анъана, урф-одат, маросимларга садоқатли бўлиш каби юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш орқали болаларда миллий ғурур, ўз насл-насабидан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш узоқ муддатли, мураккаб жараёндир. Бу жараённи педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил этиш, кексалар, ота-оналар, аждодлар шажарасини ўрганишни босқичма-босқич амалга ошириш тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи босқич:

- даставвал ота-оналарнинг ўзи аждодлари ҳақида билимга эга бўлишлари;
- оилада аждодларнинг шажара китобини яратиш;
- дастлаб нечанчи аждод ҳақида маълумот беришни аниқлаш;



- болаларда аждодлар касб-кори, жамиятда тутган ўрни, уларнинг ибратли фазилатларига қизиқишни шакллантириш;
- оилада шажара китобидан фойдаланиш ва уни қандай давом эттириш ҳақида маълумотлар бериш.

Иккинчи босқич:

- кўзланган мақсадга эришишда имконият даражасида аждодларга тегишли моддий, маънавий меросларни тайёрлаш;
- оила шажарасидаги энг нозик, керакли эсдаликлар, лавҳалар, хотираларни, китобларни тўплаш, сақлаш ва уларни имконият даражасида асрашни тушунтириш;
- аждодлар шажарасини ёзишда ота-оналар, кекса аждодларини жалб этиш, уларнинг билим тушунчаларидан ўринли фойдаланиш.

Учинчи босқич:

- ота-оналар фарзандларига аждодлари ҳақидаги бериладиган тушунчалар: суҳбат, оила давраси, музей, қабристонни зиёрат қилиш, улардан қолган моддий, маънавий мерослар асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш;
- оилада аждодларни хотираловчи маросимларни ташкил этишга болаларнинг ўзларига имконият яратиб бериш;

Тўртинчи босқич:

- фарзандларда қизиқиш, эҳтиёж шаклланганда сўнг, оила шажарасини давом эттирувчи машғулотларни мустақил бажаришга оид топшириқларни ишониб топшириш.

Шажара яратилган манбаларда ҳар бир инсон "Етти пушт, етти авлодини" билиши шарт ва фарз деган халқимизнинг нақли келтирилади. Тарихда ўтган шахслар хусусида фикр мулоҳаза юритганда ҳазрат Алишер Навоийнинг Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арба улус" ("Тўрт улус тарихи") асаридан илҳомланиб ёзган мана бу сатрлари беихтиёр ёдга тушади.

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур, яхшилиғ бирла чиқса от[104].

Аждодлар ҳақидаги бундай маълумотлар ёш авлоднинг ўзлигини англаши, аждодлардан фахрланиши ва уларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Ота-оналар оила шажарасини яратишда шажаранавислик ва аждодлар ҳақида маълумот беришнинг тартиб қоидаларини билиши лозим. Биз таҳлил этиб ота-оналар диққатига ҳавола қилаётган асарлар, жумладан, Бобурнинг "Бобурнома", Абулғозийхоннинг "Шажарайи Турк" асаридаги қиёсий таҳлил[105]лар бадиий-илмий ижоднинг ўзига хос қонуниятларини очиб беради. Улар:

1. Халқ оғзаки ижодиётидаги ўхшашликлар.

2. Ривоят, ҳикматли сўзлар, халқ байрамлари, маросимлар, расм-русмлар баёнидан фойдаланиш.

3. Воқеа ва шахслар характери ҳақидаги ҳаққонийлик ва ўз даври нуқтаи назаридан асосланганлиги.

4. Аждодлар тарихи ва шажарасида уларнинг руҳияти, феъл-атвори, касб-кори каби сифатнинг акс этганлиги.

Абулғозийхон "Шажарайи Турк" асарида ўз ота-онаси ва аждодларини қуйидагича тасвирлайди:

"Соҳиби замон ва Хамира даврон Абулғозийхоннинг дунёга келгани зикри ва тақий ибо ва аждодларининг отлари" деб номланган номада Абулғозийхоннинг таржимайи ҳоли билан бирга ота-оналари ҳаётидан келтирилган ибратли умрбод эсда қолувчи лавҳалар ҳам мавжуд: "Энди онамиз тарихидан айтайлик, Онамизнинг оти Меҳрибонхоним, анинг отаси Жонғози Султон, анинг отаси Шерғози Султоннинг отаси Султон Ғозий Султон, анинг отаси Элбарсхон, анинг

[104] Навоий. Мажолис ун-нафоис, 12-жилд, 172-бет.

[105] Абдуллаева М.Д. Тарихий асарлар бадиятининг қиёсий таҳлили ("Бобурнома"ва "Шажараий турк" мисолида): Филология фан.номзоди дис...автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2008. - 26 б.



отаси Бўрка Султон, анинг отаси Ёдгорхон. ... Олти ёшга етганда онамиз ҳақ рахматиға кетди[106]. Аввал ҳар йилда хати онамга борур эрди. Анда онам айтди, ўғлим отанг ўлгандан сўнг бир толиби илмни ўғил ўқидум, то санга дуойи ҳайр қилғай деб ҳамиша унинг озиқин бериб ва тўнин тикиб кирини ювар эдим[107]. Абулғозийхон онасининг эзгу тилакларини эслаб унинг руҳини шод этиб унга амал қилиб олим даражасига кўтарилди. Оламдан ўтган аждодларнинг умрбоқий сўзлари, кўрсатган жасоратлари аждодлар шажарасидаги ҳар бир инсон ёки ота-она учун ибратдир. Ўз навбатида уни авлодларга қолдириш аждодлар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Румер Годен "Гулбадан" асарида Мирзо Бобурнинг қизи Гулбадан бегим ҳақида маълумот берар экан, бевосита Мирзо Бобур, Ҳумоюн Мирзо, Акбар шоҳ ҳукмронлиги давридаги тарихий шажарани бевосита Гулбаданбегим иштирокидаги воқеалар билан гавдалантирган. Гулбаданбегимнинг нурли қалами билан тасвирланган хотиранома узоқ ўтмишда бўлган воқеаларни шунчалик аниқ тасвирлаганки, ундан отаси Бобур Мирзонинг истеъдоди кўриниб тургандек. Гулбаданбегим отаси Бобур Мирзонинг қариндошчилик ришталарини қай даражада қадрлаганини қуйидаги воқеа мисолида кўрсатиб беради. Подшоҳ ҳазратлари ҳар жума куни пешин намозидан сўнг аммалари ва энагаларини зиёрат қилиб турардилар. Бир куни ҳаво жуда исиб турган пайтда онам Моҳим бегим ҳазратлари: - "Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, бирор жума уларни кўргани бормасангиз ҳам бегимлар хафа бўлмаслар", – деди. Подшоҳ, онам ҳазратларининг бу гапидан ҳайратга тушиб шундай дедилар: "Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши тааажубдир. Ҳазрат Абусаид мирзонинг қизлари ўз оталари ва биродарларидан хафа бўлиб, бу ерга менинг ҳузуримга

[106] Абулғозий Б. Шажарайи турк, 168-бет.

[107] Ўша манба, 173-бет.

[illegible]лар, агар мен уларнинг кўнглини олмасам унда нима келга[illegible]?"[108] бўлад[illegible]та империя эгаси бўлган Мирзо Бобурнинг К[illegible]шларини бундай эъзозлаши, уларнинг ҳолидан хабар карин[illegible] ҳар бир оила учун ибратдир. Бобур Мирзо 12 ёшида олиш[illegible]н тахтига ўтирган кунидан бошлаб, унга энг яқин Андит[illegible]тчи ва йўлдоши унинг онаси Қутлуғ Нигорхоним ва масла[illegible] Эсон Давлат Бегимлар бўлган. Шунинг учун ҳам Бобур бувис[illegible]ўз аждодларига катта хурматда бўлган.

Мирзо[illegible]хий манбалар ҳар бир авлод, оила шажарасини Т[illegible]да ота-оналар учун маслаҳат берувчи умрбоқий ярати[illegible]рга бойдир. Олим Геролднинг фикрича, аждодлар хотир[illegible]сини яратишда айрим дворянларнинг аждодлари шажа[illegible] маълумотлар ҳам муҳимдир. Масалан, ҳақид[illegible]арнинг рўйхатини алфавит бўйича тузиш"[109].

"Ажд[illegible] Черних "Родословня Анны Андреевны Ахматовой"

В.[illegible] "Шажаранависликнинг энг муҳим томони аждодлар асари[illegible] ва унинг характер хусусиятларини шахси[illegible]дадир"[110], – деб ёзади. Аждодлар хотирасини кўрса[illegible]штириш мақсадида мутафаккир олимлар ўз абади[illegible]ларининг юксак маънавий-ахлоқий сифатларини ёш замон[illegible]га намуна сифатида яратганлар.

авлод[illegible]тларда тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан Р[illegible]бўлган ҳодисалар ҳикоя этилади. Мазкур ривоятларда боғли[illegible]инсонларнинг донишмадлиги, аждодларига содиқлиги, буюк [illegible]бида беназирлигини баён этилади. Бунга мисол қилиб, илм б[illegible]Сино билан касал йигит", "Навоий билан чўпон", "Олтин "Ибн [illegible]қўли малик"[111] ва бошқаларни келтириш мумкин. узук", [illegible]ривоятлар замирида буюк инсонлар ҳаётини улуғлаш, Ушбу[illegible]

[108] Годен Г[illegible]дан, 177-бет.
[109] Черных [illegible] Родословная Анны Андреевны Ахматовой. - Москва, 1993. 84-бет.
[110] Ўша ма[illegible]70-бет.
[111] Ўзбек [illegible]аки поэтик ижоди.-Тошкент: Ўқитувчи,1980. -172-173-бетлар.



уларнинг ҳаёт йўлларидан ибрат олиш, улардан ғурурланиш ҳисларини шакллантириш мақсади ётади.

Академик Б.Аҳмедов "Тарихдан сабоқлар" асарида Бухоролик мунажжим Абдураҳмон Давлат, Шайбонийхон сулоласидан Абулғозий Баҳодирхон, турк сайёҳи Авлиё Чалабий, Ҳиндистонлик йирик олим Абулфазл Алломий, хитойшунос Бичурин Никита Яковлевич каби олимлар ва бутун дунё олимларининг яратган асарларидаги шахсга хос маънавий-ахлоқий сифатларни келажак авлодга намуна сифатида ўрганиш ва фарзандларга ўргатиш муҳимдир,[112] - деб таъкидлайди.

Ўтмишда халқ ва Ватан учун хизмат қилган олимларни ардоқлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ҳақида Президент И.Каримов шундай дейди: "Албатта, бундай фалсафий ёндашувларнинг ҳар бири ўз давридаги мавжуд, сиёсий-ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура, жамиятнинг ҳуқуқий ва маданий савияси, турли социал гуруҳ ва тоифаларнинг қарашларини ифода этишга хизмат қилади"[113].

Оилада аждодлар шажараси воситасида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид Тошкент вилояти Бекобод тумани Зафар шаҳарчасида Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан ота-оналарга ёрдам сифатида давра суҳбати ўтказилди. Унда:

1. Аждодлар шажараси воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг муаммолари ва ечимлари.

2. Айрим нотўлиқ оилалар, шунингдек, ота-оналари орасида ноаҳиллик мавжуд бўлган оилаларда шажара яратишдаги қийинчиликлар ва уларнинг ечими.

[112] Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 427б.
[113] Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч, 66-бет.

3. Оиласидан маҳрум бўлган болаларга аждодлари ҳақида маълумот беришда давлат таъминоти.

4. Ота-оналарга аждодлар шажарасини яратишга оид тавсиялар бериш.

5. Оилада аждод ва қариндошларга оид маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

6.Ўз аждоди, насл-насабини тан олмайдиган, қариндошлари билан ёмон муносабатда бўладиган ота-оналарга насиҳатлар.

7.Болаларни руҳиятида аждодларига нисбатан шахсий сифатларни ривожлантириш ва мавжуд ҳолатни баҳолаш мавзуларида семинар-машғулот ўтказилди.

Уларда ота-оналар аждодлар шажараси бўйича қуйидаги билимлар билан таништирилдилар:

1. "Шажара" ва насл насаб ҳақида тарихий, этнографик, психологик ва педагогик билимларга эга бўлиш.

2. Оилада аждодларнинг шахсий фазилатлари, касб-кори, одоб-ахлоқи, жамиятда тутган ўрнидан ғурурланиш ҳиссини шакиллантириш.

3. Оилада имкон даражасида айрим келишмовчиликлар бўлган тақдирда, болада қариндошлар ҳақида ёмон фикр уйғотмаслик.

4. Аждодлар шажарасидан фахрланиш ҳиссининг оилада шаклланганлик даражасига эътибор қаратиш.

Оилада аждодлар шажараси асосида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ниҳоят мураккаб жараёндир. Шунинг учун ота-оналар оила ва қариндошлар орасидаги кекса аждод вакиллари тажрибаларига суяниб иш кўришлари лозим. Шунингдек, болаларни авлодларга нисбатан меҳрибон бўлиш, уларни қадрлаш, уларнинг борлигидан фахрланиш, аждодларни ўзларига идеал сифатида қабул қилиш, ўтганлар



руҳини ёд этиш, улардаги олижаноб сифатларни эслаш ва қадрлашга, мен кимнинг авлодиман деган тушунчани қалбан ҳис этишга ўргатиб бориш лозим.

Маълумки, мақсадли тарбиявий таъсир тизими ҳар қандай жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ижтимоий-сиёсий турмушнинг маънавий-ғоявий пойдевори ҳисобланади. Тарбиявий жараён дастлаб оила, ота-она, аждодлари маърифий қарашида, сўнг мактаб, таълим омили билан чамбарчас боғлиқ. Тарбия жараёнининг тизими ва аниқ мақсадга йўналтирилган механизми миллат ва алоҳида-алоҳида шахсларнинг баркамол қиёфасини шакллантиришнинг бирдан бир оимилидир. Албатта, бунда оила алоҳида ва бирламчи аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай инсон дунёга келган ондан бошлаб бир жиҳатдан генетик имкониятлар, биологик, физиологик ва жисмоний омиллар, иккинчи жиҳатдан эса аниқ муҳит, унинг ахлоқий-маънавий даражаси таъсирида ўсади, ривожланади, шаклланади, маълум даражадаги феъл-атвор, характер хусусиятига эга бўлади.

Хитойнинг атоқли файласуфи Конфуций "Осмон мамлакатлари ҳисобланган Хитой буюклигини хитойликлар характери юзага чиқарди" деган эди. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ўтмиши буюк Ўзбекистоннинг буюклигини ўзбек характери таъминлаган. Ушбу характер, феъл-атвор эса миллий менталитетга асосланиб айтиш мумкинки, оила, оила муҳити ва маънавий асосида шаклланади. Демак, Ўзбекистоннинг буюк келажагини оила муҳитида баркамол тарбия топган маънавий ва ғоявий етук ёшлар қуради. Турмуш тарзимиз тубдан ўзгараётган, тафаккуримизда эврилишлар юз бераётган ҳозирги шароитда бу яна ҳам муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан,

тарбия билан боғлиқ бўлган миллий педагогика фани олдига яна ҳам муҳим вазифалар қўйилмоқда.

Айтиш мумкинки, оила шажарасини тузиш, аждодлар билан фахрланиш ҳисси комплекс тарбиянинг муҳим қисми ҳисобланади.

Оилада шажара яратишни талаб қилувчи бир қанча масалалар мавжуд. Дастлаб амалий эҳтиёж доирасида вужудга келган ўзбек миллати шажараси вақт ўтгани сайин ўз назарий-илмий асосларга эга бўлди. Ўрта Осиё халқлари қадимдан турли шакл ва мазмундаги шажаралар яратишга муваффақ бўлганлар. Шажара муаммосига оид асарларни ўрганиб таҳлил этиш мақсадида тарихшунослик, тилшунослик, ижтимоий фалсафа, демография ва этнография фанларида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлар ва фундаментал асарлар ўрганилди. Тадқиқот давомида шунга гувоҳ бўлдикки, Шарқда, хусусан Ўзбекистонда шажара ёзишнинг ўзига хос тажрибаси ва мактаби мавжуд. Ушбу тажриба ижтимоий-гуманитар фанларнинг айрим соҳаларида бирмунча ўрганилган. Лекин шажара яратиш методикаси педагогик муаммо сифатида ўрганилмаган. Педагог олимлар ўтмишдаги халқ меросини ўрганишда турли йўналишларда тадқиқот олиб борган бўлсаларда, оилада аждодлар шажараси асосида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш тарбия воситаси эканлиги педагогик муаммо сифатида муҳим илмий аҳамият касб этмоқда.

Оила жамиятнинг кичик ва бирламчи ячейкасидир. Айни пайтда у аниқ мақсадлар атрофида уюшган тирик мавжудотлар иттифоқидир. Ҳар бир тирик вужуднинг ўзи алоҳида бир олам. Оила оламини ўрганиш, унинг пайдо бўлиши, сулоласи, аждод-авлодлари кимлигини англаш тарихий этнографик муаммо сифатида қаралади. Оилада аждодлар шажараси



асосида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ечимини топишда тарихий манбалар, адабиётлар, этнографик тадқиқотлар билан танишиш, оилада шажара яратиш ва болалар тарбиясидаги мавжуд ҳолати баркамол инсонни тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Мустақил Ўзбекистонда ҳар бир инсон ўзлигини англаб олиш имконияти яратилган. Шундай экан оилада ота-она ўз аждод-авлоди, насл-насабини билиши, оилавий шажарасини яратувчи субъектлар сифатида ўзларини сафарбар этишлари мақсадга мувофиқдир.

Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш оилаларда аждодлар шажарасини яратиш ўз ечимига эга эмаслигини кўрсатади. Аммо аждодлар шажараси асосида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш анъаналарининг ривожланиши маълум тарихий манбалар ва адабиётларнинг яратилиши муносабати билан ота-оналарнинг бу борадаги тушунчалари ошиб бориши ижобий таъсир кўрсатди.

Оилада аждодлар шажараси асосида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёнини самарали ташкил этишда уларда аждодларнинг ватани, касб-кори, ҳунари ва хулқ-атворлари ҳақидаги билимлар уларда миллий ғурур ҳиссининг шаклланиб боришида шарт-шароит яратади.

# III БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

## МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ ОМИЛЛАРИ

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб бориши натижасида жамиятимиз ижтимоий соҳанинг марказий бўғини ҳисобланган таълимда ҳам туб ислоҳотлар рўй бермоқда. Зеро, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар, маънавий-маърифий тизимдаги янгиланишларнинг замирида ҳаётимизнинг асл мазмуни – фарзандларимизнинг баркамол турмуш тарзини яратишдек мақсад мужассам. Барча саъй-ҳаракатларимизнинг негизида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту - саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Юртбошимизнинг ушбу фикрлари бизни мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътиборни янада теранроқ англашга ундайди: “Мустақиллик туфайли мамлакатимизда соғлом мафкурали, маънавий баркамол авлодни шакллантириш мақсади йўлида ижтимоий соҳада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, улар баркамол авлодни камол топтириш каби стратегик мақсадга йўналтирилгандир”[114].

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва маориф тизимидаги ислоҳотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга

[114] Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи, “Халқ сўзи”, 2009 йил 14 декабрь



хизмат қиладиган ижтимоий - маънавий муҳитни яратишни назарда тутади.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кейин ҳам бажарилиши зарур бўлган ишлар кўп, зеро, юртимизнинг келажакда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз салоҳиятига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқдир.

Умуман, баркамол, соғлом авлод тарбияси истиқболли келажак учун қайғуриш демакдир. Чунки, Ватанни севган одамгина унга муносиб фарзанд тарбиялай олади. Касби, ёши, жинси, миллатидан қатъий назар бугун ҳар бир юртдошимиз баркамол авлод тарбиясига дахлдор бўлмоғи лозим.

Баркамол авлодни тарбиялашда моддий ва маънавий тушунчалар дастлаб оилада сўнгра узлуксиз таълим жараёнида амалга оширилади. Қуйида баркамол авлодни тарбиялашнинг узвийлигини таъминловчи омиллар келтирилган.




Инсон ўз ақл-заковати билан ўзини ҳимоя қилиш ва боқиш қобилиятига эга, мустақил, эркин қилиб яратилган.

**Хўш, жамиятнинг маънавий ҳаёти нима?**

Жамиятнинг маънавий ҳаёти дейилганда, одатда, жамиятни ташкил этувчи кишиларнинг онги, тафаккури, дунёқараши, хотираси, ақл-фаросати, маънавий-руҳий дунёсидан тортиб илм-фан, таълим-тарбия, санъат ва адабиёт, ахлоқ, дин, сиёсат ва ҳуқуқ, илмий ва диний ташкилотлар, муассасалар, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, академиялар, музейлар, театрлар, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва таҳририятларда хизмат қиладиган ходимларнинг ақлий-ижодий, интеллектуал бойликларининг жами тушунилади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти, бир жиҳатдан жамият моддий ҳаётининг инъикоси бўлса, бошқа жиҳатдан у ўзига хос қонуниятларга, хусусиятларга, моҳиятга эга бўлган нисбий, мустақил ҳодисадир. Жамиятнинг маънавий ҳаёти моддий ҳаётсиз, моддий ҳаёти эса маънавий ҳаётсиз мавжуд бўла олмайди. Маънавий ҳаётнинг равнақ топиши ёки инқирозга юз тутиши моддий ҳаётнинг равнақ топиши ёки инқирозга юз тутишига олиб келади ва аксинча.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавий ишлаб чиқариш орқали юзага келади. Бошқача айтганда, у маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсулидир. Маънавий ишлаб чиқариш орқали жамият маънавий ҳаётини ташкил этувчи илм-фан, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-эстетик қадриятлар, маънавий неъматлар яратилади. Кенг маънода олинганда, жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавият ва маърифатни ташкил қилади. Жамият маънавий ҳаётининг маълум қисми жамият моддий ҳаётининг инъикоси сифатида, жамият аъзолари: кишилар, этник ва ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва ижтимоий қатламларининг тасаввурлари, тушунчалари, қарашлари, ғоялари, манфаат ва мақсадларини ифодалайди. Шу жиҳатдан фалсафий адабиётларда жамиятнинг маънавий ҳаётини "ижтимоий онг" тушунчаси билан аташ қабул қилинган бўлса ҳам, аслида, жамиятнинг маънавий ҳаёти



билан жамиятнинг ижтимоий онги бир нарса, яъни эквивалент ҳодисалар эмас. Улар бир нисбатдагина шундай бўлиши мумкин. Ҳақиқатда, жамиятнинг реал ҳаётига оид ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки воқеа моддийлик ва маънавийликнинг бирлигидан иборат бўлади, моддийлик ва маънавийликни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Зеро, жамиятнинг реал ижтимоий ҳаётида моддий ҳаёт ҳам, маънавий ҳаёт ҳам ўз ўрнида белгиловчи ва асосий роль ўйнайди.

Шунинг учун жамиятнинг моддий ҳаётига "асосий" ва "белгиловчи" деб қараш бир томонлама бўлиб, маънавий ҳаётнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни ва ролининг камситилишига ва маълум даражада унга эътиборсиз муносабатда бўлишга олиб келди. Бунга мисол қилиб собиқ иттифоқ даври сиёсатини кўрсатиш мумкин.

Республикамиз тарихининг яқин кечмишида жамият маънавий ҳаёти соҳаларида, бу қарашдан келиб чиққан ҳолда қатор камчиликларга йўл қўйилди: халқимизнинг ҳақиқий тарихи ўрганил-мади; дин, миллий ахлоқ ва маънавият бутунлай инкор қилинди; миллий анъана ва қадриятлар поймол этилди. Мустақилликка эришишимизнинг биринчи қадамидан бошлаб бундай хатоликларни тузатишга, яъни диннинг умуминсоний қадрият, маънавият ва маданиятнинг муҳим таркибий қисми эканлиги эътироф этилиб, миллий анъана ва қадриятларни тиклашга киришдик. Албатта, бу ўринда тарбия ўчоғи бўлмиш оилаларга, унинг таълим-тарбия, маънавий қадриятларни мустаҳкамлашдаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фарзанд туғиларкан ўзи туғилган уй муҳитида, шароитида, урф одатларида, тарбиясида улғаяди. Тарбия **оиладан** бошланади.

Ота-оналар фарзандларини ҳою-ҳавасларга берилмай, кунт билан тарбиялашга интиладилар. Чунки болалар ҳаёт

инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савияси, уй - жой билан таъминланиши даражаси, мактабгача муассасалардан фойдаланиш, оила аъзоларини сони, таркиби ва бошқаларни киритиш мумкин.

Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги, хусусиятлари, маълумот, оила аъзоларининг моддий-маънавий савияси, ота-оналарнинг муомала маданияти ва бошқалар киради. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқоди мустаҳкам ва юқори сифатларга эга бўлсалар, фарзандларини шунга мос равишда тарбиялайдилар.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек: "...Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди"[116].

Бунинг учун ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб

---

[116] Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинова. Баркамол авлод орзуси. Тўлдирилган 2-нашри. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", Давлат илмий нашриёти, 2000, 3-бет.



бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Ҳозирги замон таълим-тарбия концепцияси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у юксак умуминсоний қадриятлар асосида тараққий топиб бормоқда, бу кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, "Таълим тўғрисида" ги Қонунларда кўрсатиб берилган. Ушбу қонунлар миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак, умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир.

Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа - ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган, етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ

эканини унутмаслигимиз керак. Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Яна бир вазифа юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш, жамият аъзолари, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этиш, миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиришдан иборат. Албатта, миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва унинг мақсадларини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришда таълим-тарбия билан бир қаторда оиланинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки оила мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири ҳисобланади. Оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий манбаларга эга.

Фарзандларимизнинг яхши хулқи, ахлоқи оилада камол топади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ жамият ҳаётида миллий қадриятларни тиклаш ва улар асосида баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида туриш ҳуқуқига эга” деб таъкидланиши билан бирга ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари 64, 66-моддаларда кўрсатилган.

**Маҳалла** – маънавий-аҳлоқий қадриятлар, анъаналар маскани.

Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она деган нақл бор.



Оилага ҳам маънавий, керак бўлса, ҳам моддий ёрдам берадиган бу маҳалладир.

“Маҳалла” арабча сўздан олинган бўлиб, жой, ўрин, макон деган маъноларни билдиради. У Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма ҳисобланади. Маҳаллалар Мовароуннаҳр шаҳарларида вужудга келган бўлиб, Наршахийнинг IX асрда ёзилган “Бухоро тарихи” асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир неча маҳалла бўлганлиги қайд этилган. Маҳалла ижтимоий келиб чиқиши, миллати, мижози турли хил бўлган оилалардани иборат бўлиши мумкин. Мана шу оилаларнинг бошини бириктириш, уларни маънавий ва моддий, жисмоний жиҳатдан мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялаш каби муҳим вазифалар ҳам маҳаллада амалга ошади. Оилаларни бир жамоага, ижтимоий гуруҳга, муассасага айнан маҳалла бирлаштиради. Уларда аҳиллик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳис-туйғуларини шаклантиради, камол топтиради.

Юксак эътибор натижасида яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш, моддий ва маънавий бойликларни асраш, улар асносида ўзларининг билим ва тафаккурларини юксалтириш, ушбу қадриятларни келгусида келадиган авлодларга ҳам етказиш бугунги тарбиячиларимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни, шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, илдизи чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллат ўзининг бир бутунлигини

сақлашга, жамият эса юксак тараққиёт поғонасига эриша олмайди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ички салоҳият асосий таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда юзага келишини тақозо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиши жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган ўзаро таъсир, ўзаро бойитиш орқали намоён бўладиган жараёнлар киради. Яъни, шахс маънавий камолоти унинг дунёга келиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида юзага келади. Инсон ҳеч қачон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа қилмай тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда соф миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик бера олмайди. Жамият ва давлат ҳам худди шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва таъсирлар асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир беради ва ундан ниманидир қабул қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишида таъсир ва акс таъсир қонунияти мавжуд бўлиб, маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.



**Мактабгача ёшдаги болаларда моддий ва маънавий ҳаётга оид фазилатларини шакллантириш омиллари**

Ўтиш даврига хос иқтисодий мураккабликка қарамай таълимнинг моддий негизи мустаҳкамланиб бормоқда.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг таълимни ривожлантириш, ёш авлодга жаҳон андозаларига мос равишда билим бериш, уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига содиқат руҳида тарбиялаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли таълим-тарбия ишларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

Энг асосийси, мамлакатимизнинг ҳам жаҳон амалиётида кам учрайдиган бетакрор миллий модели яратилди ва ҳаётга жорий этилди.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзликни англаш, миллий ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлаш ишлари алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларини кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқуррок сингдириш билан боғлиқ. Мустақил тараққиёт йўлида миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш маънавий камолотнинг асосий негизидир.

Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим Концепцияси 2008-2017 йиллар давомидаги ислоҳотлар ва ривожланишнинг концептуал Низомидан иборат. Унга мактабгача таълимнинг асосий мазмуни, мақсади, вазифалари, янгиланиш тамойиллари, амалга оширишнинг усул ва моделлари киритилган.

Мактабгача таълим олишнинг шакл ва усулларидан қатъий назар қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

- болаларнинг жисмоний ва психик саломатлигини мустаҳкамлаш;

- болаларни миллий, умуминсоний, ахлоқий ва маданий қадриятларга ўргатиш;

- боланинг ақлий қобилиятини ривожлантириш;

- миллий анъаналар ва урф-одатлар асосида юқори маънавият ва ахлоқ асосларини шакллантириш;

- мақсадга йўналтирилган ва мунтазам равишда болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш, уларнинг индивидуал хусусиятлари ва истеъдодини ривожлантириш.

Мактабгача ёш даврининг хусусияти шундан иборатки, айнан шу даврда турли хил ижтимоий билимлар, кўникма, малакалар ва фаолиятнинг турли турларини эгаллашда замин бўлиб хизмат қилувчи умумий ривожланиш таъминланади.

Бола шахсига йўналтирилган таълим жараёнидан келиб чиқиб, мактабгача ёшдагилар таълим ва тарбияси шахс шаклланишида инсонпарварлик тамойили ва ижодий ёндашувга асосланган тарбиянинг метод ва йўллари тизимидан иборат бўлган ҳамкорлик педагогикаси тамойилларига асосан амалга оширилиши зарур.

Таълим натижаси сифатида боланинг меҳрибонлик, хайрихоҳлик, дилкашлик, виждонлилик, тўғрилик, мақсадга интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъиятлилик, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, масъулиятлилик, зийраклик, вазминлик, довюраклик, мустақиллик, ишчанлик, кузатувчанлик, билимдонлик ва шу каби шахсий фазилатларини шакллантириш талаб этилади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг одоб-аҳлоқли бўлиши ва меҳнатга мухаббат қўйишига катта эътибор берилади. Болалар илк ёшдан бошлаб уйда, кўчада, боғчада, меҳмонда ўзини тутиш қоидалари, муомала, овқатланиш, кийиниш маданияти, саранжом-саришта юриш, одобли, меҳнатсевар бўлиш, бошқалар меҳнатини қадрлаш каби одатларга



ўргатилади. Ана шу одатлар болани одоб-ахлоқли, меҳнатга лаёқатли қилиб тарбиялаш мазмунининг асосини ташкил этади.

"Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастурида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш уч йўналишни (болаларни жисмоний ривожлантириш, нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, маънан ривожлантириш) ўзида мужассам этган машғулотлар орқали олиб борилиши назарда тутилган.

Мактабгача ёшдаги болаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини шакллантириш болаларнинг илк гуруҳларидан бошлаб амалга оширилади.

Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси, миллий ғурур, мустақиллик ғояси ҳамда ўз ҳудуди, ўлкаси, халқига меҳр ва садоқатли болани ёшига мос равишда шакллантириш мактабгача таълимда маънавий-моддий ишларнинг асосини ташкил қилади.

Бугунги кунда табиатни ўрганиш, унга меҳр қўйишнинг ўзи камлик қилади, албатта. Биз уни эъзозлашни, бойликларига бойлик қўшишни ҳам уддалашимиз лозим. Муҳитимиз мусаффо бўлиши учун ҳаммамиз масъулмиз.

Ердаги табиий манбаларни оқилона фойдаланиш, уларни асраб-авайлашнинг энг муҳим йўли ёш авлодни табиатни асрашга оид билимлардан хабардор қилишдир.

Табиат билан яқин муносабатда бўлиш инсонга ижобий таъсир қилади, уни янада софдил, мулойим, кўнгилчан қилиб, қалбида гўзал ва бокира ҳис-туйғулар уйғотади.

Болаларни табиат билан, йилнинг турли фасллари, унда рўй берадиган ўзгаришлар билан таништириш илк ёшдан бошланади. Инсон болаликда табиат ҳодисаларини аниқ тушуниш, жамики тирик нарсага завқ - шавқ билан қарашга одатланади. Табиатга меҳр қўйиш, уни эҳтиёт қилиш, жониворларга ғамхўрлик қилиш болаларда ватанпарварлик,

меҳнатсеварлик, табиий бойликларни ардоқлаб, кўпайтириб бораётган катталарнинг меҳнатига ҳурмат билан қараш сингари характернинг энг яхши ҳусусиятларини шакллантиради.

Миллий ғоя ва миллий мафкура масалалари “Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясига қўйилган давлат талаблари”, “Учинчи минг йиллик боласи” таянч дастури мазмунига сингдирилган бўлиб, уларнинг ёш хусусияти психологияси инобатга олинган ҳолда батафсил ёритилган. Таълим тарбиянинг мақсади жисмонан соғлом, ақлан етук, маънавияти бой, эркин фикрлай оладиган баркамол шахсни тарбиялашдир. Бундай шахс ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалласи, атрофдаги инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб-аҳлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурчи деб ҳисоблайди.

Болаларимиз онгига она Ватан, буюк аждодларимиз мероси ва ҳалқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш машғулотларда болаларга ижобий таъсир қилади.

Ёшларимизни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси руҳида тарбиялашда маданий меросимизнинг таркибий қисми бўлган миллий меъморчилик обидаларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Уларнинг кўпларида даврнинг маънавий ҳаёти яққол намоён бўлади, инсоннинг дунёни эстетик ўзлаштириши ва англаши ўз ифодасини топган. Инсон ўз миллатининг, халқининг ўтмиши, ҳаёт йўлини,



тарихий, маънавий ва маданий меросини яхши билган тақдирдагина ватанпарвар, ўз замонасининг миллий анъаналарига содиқ асл фарзанд бўлиши мумкин. Чунки ўтмишни билмаган, қадрламаган одам на ҳозирги куннинг ва на келажакнинг қадрини билади. Шу нуқтаи назардан олганда меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни халқ оғзаки ижоди билан таништириш ҳам боланинг маънавий камолотини таъминлайди. Халқ оғзаки ижоди билан таништиришдан мақсад Ватан туйғусини болаларга она алласи, боболар ўгити, оила тарбияси билан сингдиришдан иборат. Болаларнинг маънавий камолотини таъминлаш ва ривожлантиришда тўртта негизга асосланиш жоиз:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқнинг маънавий меросини асраш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қила олиши;
- ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотиш;

Теварак-атроф ва она Ватан ҳақида билим бериш, болаларни туғилиб ўсган жойларига нисбатан муҳаббатини ўстириш, ўз шаҳар ва қишлоқларига, халқига унинг урф-одатлари тарихий жойлари, маданияти, ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларга зарар етказмасликни тарбиялаш, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш ҳақида тушунча бериш; болаларни ўз ота - оналари, оила аъзоларини ҳурмат қилишга чақириш ва бу борада олиму фозилларнинг насиҳату ўгитлари билан таништириш ва болалар ўртасида ўзаро илиқ муносабатларни тарбиялаш; яхшилик, эзгулик, дўстлик, ҳақгўйлик, ростгўйлик, хушмуомалалик, одамийлик, бировларининг нарсаларига кўз олайтирмаслик ҳақидаги тасаввурларни шакиллантириш; Ўзбекистон Республикаси рамзларига хурмат хисини

тарбиялашда давом этиш; давлат мадҳиясини тик туриб, ўнг қўлни кўкракка қўйган ҳолда тинглашга ўргатиш – булар шарқона миллий тарбия анъаналаримизнинг асосини ташкил этади.

**Ватан равнақи**. Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. Унинг равнақи, аввало, фарзандларига – унинг аҳолисига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимиз ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулият ҳис этиши, ўз манфаатини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшаши керак деганидир.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўла олмайди. Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётганлиги, халқимизнинг маънавияти бойиб, илмий салоҳияти юксалаётганлиги Ватан равнақининг асоси бўлади.

**Ватанпарварликни тарбиялаш** - ватан ҳисси... У болада оилага, энг яқин кишилари ота-она, бува-буви, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатдан бошланади. Бу уни қадрдон уйи ва яқин кишилари билан боғлайдиган илдизлардир.

Ватанпарварлик ватанга мухаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир. Мактабгача ёшдаги болаларда ватанга муҳаббат ҳисси уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади. Болаларда ўз оиласига, уйига, болалар боғчасига ва болаларни ўраб турган теварак-атрофга меҳр - муҳаббатни ва уларга содиқликни тарбиялаш асносида энг муҳими ижтимоий ҳис бўлган ватанга муҳаббат тарбиялаб борилади.



**Байналмилал тарбия.** Бизнинг республикамиз ўз моҳияти билан байналмилалдир. Шунинг учун болаларда байналмилаллик, ҳалқлар дўстлиги хисларини тарбиялаб бориш муҳим аҳамиятта эгадир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни байналмилаллик руҳида тарбиялаш асосида бошқа миллат ва халқларга ижобий муносабат ва дўстона ҳис-туйғулар уйғотиш, турли халқлар ҳаётига қизиқиш ҳиссини пайдо қилиш мақсади ётади. Бундай ҳис-туйғуларни ривожлантириш асосан тақлид қилиш орқали мукаммалашиб боради. Мактабгача ёшдаги болаларда байналмилаллик ҳис туйғулари асосини шакиллантиришда аввалига турли миллат вакиллари билан учрашувлар ўтказиш; улар билан ёзишмалар олиб бориш; махсус машғулотларда уларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, табиати тўғрисидаги адабиётларни ўқиб бериш, суҳбат ўтказиш, расмларни кўрсатиш, диафильмлар намойиш қилиш, турли миллат болалари ҳаёти тўғрисидаги, турли миллат кишиларининг меҳнати ва турмуши ҳақидаги ҳикоялардан ўқиб бериш фойдали бўлади.[117]

**Юрт тинчлиги** - бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир.

Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу интилишлари, мақсад муродлари руёбга чиқишининг кафолоти, деб билади. Ватан озодлиги ҳеч қачон эркин ва фаровонликсиз яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, сиёсий маданият миллатнинг гоявий ва мафкуравий етуклиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилидир.

**Халқ фаровонлиги** - Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади халқимиз учун муносиб турмуш

[117] Юсупова П. "Мактабгача тарбия педагогикаси". Ўқитувчи, 1993.

шароити яратишдан иборат. Яъни ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Миллий истиқлол мафкураси фуқароларимизда ҳар кайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

**Комил инсон** – Эркин фуқаролик жамиятни маънавий баркамол, эзгу ғоялар, ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш. Эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда.

**Миллатлараро тотувлик.** Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Миллатлараро тотувлик ғояси - умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Ҳалқ бадиий сўз**нинг ёш авлод тарбиясидаги кучи ва жозибасига қадам замонларданоқ эътибор бериб келган. Бадиий сўз халқнинг барча маданий бойликларни абадийлаштирган. Ҳалқ орасидан ажойиб истеъдод соҳиблари: достончилар, эртакчилар, кўшиқчилар етишиб чиққан. Улар яратган мақол ва маталлар, эртак ва афсоналар, кўшиқ ва топишмоқларда ҳалқнинг ақл заковати, орзу истаклари, руҳи ва иродаси ўз аксини топган.

Бундай асарлар болаларда энг яхши инсоний фазилатларни ватанпарварлик, меҳнатга ҳавас, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат туйғуларни тарбиялайди.



Болалар фольклори бола учун дастлабки ҳаёт дарслиги, маънавий бойликларнинг битмас туганмас хазинасидир.

**Ўйинчоқ** боланинг ривожланишида муҳим тарбиячи экани билан ҳеч ким баҳслашмайди (йўқса у неча минг йиллар муқаддам пайдо бўлмаган ёхуд ўз эволюциясини аллақачон тўхтатган бўларди). Зеро, «Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг боликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади»[118]. Инсон табиатан тақлид қилишга мойил экани психологиядан яхши маълум. Бу хусусият болалар хулқ-атворида, айниқса, кучли намоён бўлади. Демак, ўйинчоқдан болалар ўйлаганимиздан ҳам кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин. Биргина ташқи кўриниш масаласига тўхталсак. Қўғирчоқ ва ўйинчоқ индустриясида асосий урғу маҳсулотнинг ёрқин бўлишига қаратилади. Кўзга ялт этиб ташланган нарса эътиборни тортибгина қолмай, қизиқишни уйғотади ҳам. Асосий мақсад — маҳсулотни тез ва кўп миқдорда сотиш. Натижада, тарбия омили ўз-ўзидан иккиламчи ўринга тушиб қолади. Миллий қўғирчоқларда эса у ғоянинг ўзида яширинган.

**Меҳнат тарбияси** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни янгиланаётган айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни янгича асосларда, бир томондан;
миллий педагогик қадриятларимиз заминида, иккинчидан; ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда олиб боришга ижтимоий зарурият сифатида қаралмоқда. Чунки меҳнат ижтимоий тараққиётнинг манбаи, барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг асосий шарт-шароитидир. Демак, меҳнат инсон фаолиятининг асосий шакли, киши ҳаётининг мазмуни, ҳар бир жамият аъзосининг

[118] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, 157-бет

вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир. Меҳнат қадимдан жамиятнинг ахлоқий тамойили ҳисобланиб келган, моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамда ижтимоий тараққиётнинг негизи ҳамдир.

Меҳнат фақат шахсий моддий фаровонлик манбаигина бўлиб колмай, балки халққа хизмат қилиш, ватан учун қайғуриш, шахсий манфаатдан халқ манфаатини устун қўйишнинг асоси ҳамдир.

Таълим тарбия жараёнида меҳнат тарбиясини болаларга янгича сингдириш, уларда меҳнат қилишга иштиёқ ўстириш, меҳнат натижасидан завқлана билиш каби ҳисларни таркиб топтириш орқали уларда меҳнат аҳлига ҳурматни, жамият фойдасига меҳнат қилиш қобилиятини, фидойилик ва меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш каби ахлоқий сифатларни таркиб топтириш лозим.

Болаларни меҳнатга ўргатишда, энг аввало, уларни психологик ва амалий тайёрлаш: жамоада меҳнат қилиш кўникмаларини тарбиялаш муҳим рол уйнайди. Меҳнатга руҳий, ақлий ва амалий тайёрлаш жараёнида ёшларда меҳнатсеварлик, шижоат, фидойилик, ҳалоллик, интизомлилик каби сифатлар шаклланиши билан бирга уларда ахлоқий-иродавий ҳусусиятлар ҳам шаклланиб боради. Айниқса, меҳнат маданияти кўникмаларини тарбиялай бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки маданиятли инсон меҳнатсевар бўлиб етишади. Шундай экан, меҳнатни севмайдиган ва қадрламайдиган одамдан маданиятли инсон чиқмайди. Инсоннинг онглилиги, тарбияланганлиги аввало меҳнатга бўлган муносабатида кўринади. Меҳнат инсонни улуғлайди, гўзалликка чорлайди. Меҳнатсиз турмуш мазмунсиз, дейилади. Меҳнат қилмайдигаи инсоннинг ҳаёти зерикарлидир. Ундай инсон маънавий қашшоқ ва жисмонан заиф бўлади. Узоқ умр кўришнинг сири ҳам меҳнатдир. Меҳнат қилмасанг хатто истеъдод ҳам сўнади. Меҳнат ҳар



қандай қобилиятни ривожлантиради. Меҳнатга болалар дастлаб оилада, мактабгача тарбия муассасаларида ва тарбия жараёнининг бутун тизимида ўргатилиб борилади. Болалар боғчасида ва оилада бажариладиган унча мураккаб бўлмаган ҳар бир топшириқ унинг кундалик вазифасига айланиши керак. Бола меҳнатнинг аҳамияти ва маданиятини тушуниб етиш учун педагог катталарнинг меҳнати, болаларнинг ўзлари бажарадиган меҳнат турларини кузатиш юзасидан экскурсиялар уюштиради. Болаларнинг ҳар хил меҳнат жараёнида иштирок этиши, катталар меҳнати билан таништиш уларнинг теварак атрофдаги ҳает, кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўгрисида нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, материалларга ишлов бериш усуллари, қурилмалар ва асбоблар тўғрисида муайян тасуротларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Меҳнат болалардан диққат, ўткир зеҳн, топқирлик, ижодкорлик қобилиятларини эгаллашни талаб этади. Меҳнат жараёнида болалар айрим иш турларини (бир - варақ қоғозни буклаш, бирор бир шаклни андозага қараб қирқиш, керакли узунликни ўлчаш каби ҳаракатларни) англатувчи бир қанча тушунча ва атамалардан фойдаланишга, бажарилган ишдаги изчилликни беришга тўғри келади. Бу бола нутқини янги сўзлар билан бойитади, фикрлаши, дунёқарашини шакллантиришга имкон беради. Меҳнат ҳар бир ёш гуруҳидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган, унга тўғри назорат ёки раҳбарлик қилгандагина ижобий натижа бериши мумкин. В.И. Логиновнинг таъкидлашича, болаларга меҳнат тарбияси бериш учун улар меҳнат ва меҳнат малакалари тўғрисидаги билимлар системасини ўзлаштириб олишлари керак бўлади:

**Ташаббускорлик** – бундай хислатга эга бўлган болаларлар янгиликларга, янги ғояларни илгари суришга интилувчан бўладилар. Улар ҳаракатчан бўлганликлари учун

турли тадбир ва байрамларни ташкил этишда фаол иштирок этадилар.

**Хушхулқлик** – бундай хислатларга эга бўлган бола кишиларга самимий, мулойим, кўтаринки кайфиятли муносабатда бўлади.

**Интизомлилик** – ҳар қандай шахснинг ахлоқий камолотининг асосини ташкил этади. Бундай хислатга эга бўлган шахслар топшириқларни ўз вактида бажарадилар, ҳар бир фаолиятга тартиб-интизом билан муносабатда бўладилар. Бу хусусият одамнинг хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Болада кичкиналигидан бошлабоқ тартиб-интизомли кишиларга хос фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, ватан-парварлик каби фазилатларни шакллантириш керак.

**Дилкашлик** - мазкур фазилатнинг асосида болаларда ўзаро муносабатлар маданиятини шакллантиришнинг сўзсиз шартлари ҳисобланмиш хайрихоҳлик, атрофдагиларга нисбатан хушмуомалалик хусусиятлари ётади. Тенгдошлари билан мулоқотдан қувонч оладиган бола фақат унинг ёнида бўлиш учунгина ўртоғига дарҳол ўйинчоғини беришга рози бўлади, одатда, дилкаш бола тенгдошлари орасидан ўз ўрнини тезроқ топади.

**Сабрлилик ва масъулиятлилик** - бундай ҳислатга эга бўлган шахслар бардош ва сабр-матонат орқали қийинчиликларни енгиш, муваффақиятга эришиш мумкинлигини, ўз вазифаларини сидқидилдан, тўлиқ ва аниқ бажариш лозимлигини биладилар. Улар ҳар бир ишга ўта масъулият билан муносабатда бўладилар.

**Камтарлик** - шахснинг бу ахлоқий белгиси чинакам тарбияланганлик кўрсаткичидир. Камтар одам ўзини ўзгача тутишга ҳаракат қилмайди, ўз «мени»ни бўрттириб кўрсатмайди, ўзини камтарона табиий, муносиб ҳолда тутади. Одамларга ҳурмат- эътиборли бўлиш, ўзига нисбатан юксак талабчанлик камтарликка йўлдошдир.



Болаларда қамтарликни 2-3 ёшдан бошлаб тарбиялаш керак. Болаликдан вазминликка, ўзини камтар тутишга ўрганмаган бола кейинроқ бу сифатларни қийинчилик билан ҳосил қилади. Болаларда кўпчиликнинг фикри ва атрофдагиларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш; фақат мақтов учун эмас, балки бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслиги туфайли ўзини яхши тутиш кўникмасини шакллантириш; уларни муваффақиятларини кўз-кўз қилмаслик, чиройли кўйлак ёки ўйинчоқлари борлиги учун мақтанмасликка ўргатиш керак. Мақтанчоқроқ болаларни камроқ мақташ («Фақат сен эмас, бошқалар ҳам билишади»), уларда умум томонидан қабул қилинган қоидаларга риоя этиш кўникмаларини тарбиялаш керак.[119]

Хар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, асари атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи хам дунёдаги энг қадимий маданиятга эга бўлган халқлардан бири сифатида ўзининг маънавий ва моддий хазинасига эга. Ўтмиш авлодларимиздан бизга қадимий урф-одатлар, тантаналар, халқона мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келган, бу билан биз хақли равишда фахрлансак арзийди. Бунинг учун ўша қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодларга хам етказиш муқаддас инсоний бурчимиздир, уни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар давомида шаклланган урф-одат, маросим, адабиёт, санъат муаллақ холда, ўзга халқлардан бекитикча пайдо бўлиб ривожланмаган. Аксинча, биз билан қадимдан ёнма-ён жон қўшни сифатида ҳаёт кечириб келаётган қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва озарбайджон ҳалқларнинг бевосита иштироки ҳамроҳлигида яратилган, тараққий топган. Ҳатто жаҳоннинг кўплаб бошқа халқлари вакилларининг ҳам бу қадимий маданиятнинг шаклланишида

[119] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.

муайян ҳиссилари бор. Ҳар бир халқ ана шу удумлар, урф-одат, ўтмишга чуқур томир отиб кетган ўқ илдизлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутади ўзбекларнинг анъана ва маросимларига жумладан барча маънавиятимиз шахобчалари онгнинг бошқа шаклларига қараганда бироз консерватив кўринишга эга бўлиб, унинг барча турдаги йўсинлари муқаддас саналган, шу боис уларнинг кишилар томонидан ўзгартирилиши асрлар оша аждодлардан асосан ўзгармасдан ўтиб келган. Шу жихатдан ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, урф-одат, анъана, маросим ва удумлар узоқ вақт давом этган тарихий тараққиётнинг махсулидир. Шунинг учун ҳар бир халқнинг турмушида унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мавжуддир. Лекин бу нарсалар узоқ давр мобайнида вужудга келади, давр ўтган сари уларнинг айримлари турмуш амалиётидан тушиб қолади, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилиши билан уларнинг сафи ва сифати ўсиб ўзгариб боради.



МУНДАРИЖА

Муқаддима........................................................................3

I БОБ.

**Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий хусусиятлари**..................................6

Алла — баркамоллик омили..................................................6

Алланинг моҳияти ва тарбиявий аҳамияти..............................11

Аллаларнинг миллий хусусиятлари.......................................16

Аллалар тарбия воситаси......................................................36

Аллаларда маърифатпарварлик ғояси.....................................40

Аллаларда умидбахшлик ғоялари...........................................44

Алла ва унинг ижтимоий-эстетик аҳамияти.............................52

"Алла уйи" – эзгулик манзили..............................................61

Аллалар...............................................................................72

II. БОБ.

**Оилада аждодлар шажараси асосида миллий ғурурни шакллантириш**..........................................................92

Шажара яратиш методикаси..................................................114

III БОБ.

**Мактабгача ёшдаги болаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини шакллантириш**.........................140

Моддий ва маънавий тарбия уйғунлиги омиллари....................140

Мактабгача ёшдаги болаларда моддий ва маънавий ҳаётга оид фазилатларини шакллантириш омиллари..................................153

Ойша Хасанбоева, Гулжаҳон Мардонова
Наргиза Эргашова, Дилфуза Бекматова

# МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

| | |
|---|---|
| Muharrir | B. Botirov |
| Texnik muharrir | A. Nazarov |
| Dizayner | B. To'xliyev |
| Sahifalovchi | N. Rahmonov |

Bosishga 2011 yil 20 oktabrda ruxsat etildi.
Bichimi: 60x84 $^{1}/_{16}$. Times garniturasi.
Ofset bosma. Shartli b.t.: 10,5. Adadi 100 nusxa.
Buyurtma № 31

"BAYOZ" MCHJ matbaa korxonasida chop etildi.
100100, Toshkent. Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy.

11.000đ